

Муҳаммадхон Бадриддинов

Хат
ҳазиналар
калити

Наманган 2012

Аллоҳ Таоло айтади:

У (Аллоҳ) инсонга қалам билан (ёзишни ҳам) ўргатди. (Алақ сураси, 4-оят)

Сўз боши

Бизларни шундай улуг жаннатмонанд диёрда дунёга келтирган, 120 йиллик истибдоддан кейин яна озодлик, ҳурлик ато этиб, шу юрт фарзандларини икки дунё саодатига эришишлари учун барча имкониятларни муҳайё этган Аллоҳ таолога чексиз ҳамду санолар, Сизу-бизларга чиройли одоб ўргатгани келган жаноби пайғамбаримиз Муҳаммад мустафо (с.а.в.)га саловоту саломлар бўлсинки, мустақиллик шарофати ила миллий ва диний қадриятларимиз қайта тикланди. Муқаддас ислом динимиз янада ривож топиб, улкан маънавий меросларимиз ўз хазинасидаги сиру асрорларни биринкетин намоен эта бошлади. Жумладан келажагимиз ва ҳаётимизнинг асосий мазмуни – миллатимиз учун ё ҳаёт - ё мамот, ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат бўлган ёшларимизнинг тарбиясига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Таълим тўғрисидаги қонуннинг қабул қилиниши, кадрлар тайёрлаш миллий Дастурининг ишлаб чиқилиши ва уни оғишмай амалга оширилиши барча билим юртларида, олийгоҳларда таълим олаётган талабаларнинг диний ва дунёвий билимларни ҳар томонлама чуқур, пухта эгаллаб баркамол инсонлар бўлиб етишишлари учун барча шарт-шароитлар яратиб берилаётганлиги, дарс жараёнларига янги замонавий, ривожланган ўқитиш услубларининг кириб келиши фикримиз далилидир.

Истиқлол йилларида кўплаб мазмунан чуқур, шаклан ранг-баранг ўқув қўлланмалари яратилди. Жумладан азиз фарзандларимизга, кенг китобхонлар оммасига тақдим этилаётган ушбу мўъжаз рисола ҳам эзгу ният йўлидаги бир саъй-ҳаракатдир. Қўлланмани мукаммаллаштиришга хизмат қилувчи фикр-мулоҳазаларга олдиндан миннатдорчилик билдирамиз.

Муаллиф.

ХАТЛАР ЮКСАКЛИККА ЕТАКЛАР

Инсоният тараққиётида, тамаддунида ёзувнинг пайдо бўлиши мислсиз юксалиш омили бўлди. Инсон ҳаётида хатнинг нақадар улуг бир аҳамиятга эга эканлигини XI асрда яшаб ўтган Юсуф Хос Ҳожиб ўзининг машҳур “Қутадғу билиг” асарида:

**Битиб қўймасайди доно қаламим,
Қоронғу қоларди мозий олами,** деб таъкидлайди.

Хатлар кишилик жамиятининг кечаги куни, бугунги куни ва эртанги куни эканлигини тарих зар варақларига битилиб қўйилган битиклардан кўриш, билиш мумкин. Тарихий далилларга назар солинса, дастлабки хатлар Жаброил (а.с) воситалигида Одам (а.с) даврларида жорий бўлиб, улар иброний, сурёний, арабий эканлигини, ҳозирда Буюк Британия музейларида сақланаётган йигирма мингдан зиёд илк хатлар намунаси бўлган, лой ғиштларга ёзилиб, сопол шаклида пишириб қўйилган – миххатлардан, яъни сопол лавҳалардан кўриш мумкин.

Улуғ муаррих саҳоба Каъбул Ахбор (р.а) томонидан бу ёзув намуналари Нух (а.с) даврларидаги даҳшатли тўфон оқибатида кўмилиб, уни Идрис (а.с) топиб жорий этганликлари, сўнг Исмоил (а.с) ва у кишининг давомчиси сифатида Юсуф (а.с) давом эттирганликлари ривоят қилинади.

Саҳобалардан яна бири Абдуллоҳ ибн Аббос (р.а) томонидан Жаброил (а.с) Исмоил (а.с)га хатлар ислоҳи ҳақида кўрсатма берганлиги ривоят қилинади. Бу хатлар қадимги даврда Сурёний, Гулдоний қабилаларида истеъфода этилган. Самовий китоблар айнан Гулдоний тилида нозил бўлган, сўнг Сурёнийга, Юнонийга таржима қилинган. Шундай қилиб биринчи йигирма икки ҳарфлик алифбо Финикия (юқори Мисрда Ливан тоғи этаги)да яратилганлигига тарихий далиллар келтирилади.

...1891 йилда ер остидан, сопол идиш ичидан найсимон ўралган тўрт минг йиллик папирус топилган. Нил дарёси бўйидаги қамишлардан ўрамлар шаклидаги китоб – папирус яратишда фойдаланилган. Кейинчалик кўшни қабилалар, халқлар мазкур Миср ёзувининг 15 харфини ўз ўлкаларига олиб келишлари натижасида Арабистон ярим оролидаги Сомий халқларнинг оромий ва муснад ёзувлари келиб чиққанлиги. Сурия, Йордания, Ироқ давлатларида шу хатлар асосида милодий 323-йилда – нимара, 512-йилда – зайд, 568-йилда – хирон ёзувлари пайдо бўлганлиги, буларнинг таъсирида эса 28 харфдан иборат араб алифбосининг дастлабки шакли – маъқалий хати юзага келганлиги тарих китобларида қайд этилган. Бундан ташқари икки дунё саодатига етакловчи Қуръон каримни ҳазрати Усмон (р.а) бир неча нусхада кўчиртириб, бир нусхасини Кўфа шаҳрига юборган ва у "Кўфий Қуръон" ва "Кўфий хати" деб аталган.

Кўфий хати асосчиси Абу Али ибн Муқла (вафоти хижрий 338-йил) эди. X асрда Кўфий ёзувининг ривожини пасайди. Маъқалий ва кўфий хатлари асосида араб ёзувининг санъаткорона яратилган турлари - муҳаққақ, сулс, насх, тавқиъ, райхоний, риқоъ ва риқоънинг шохобчаси таълиқ хати яратилди.

Юқоридаги фикрлар фан ва тарих нуқтаи назаридан тасдиқланган илмий хулосалардир. Бу қомусий олим Абу Райхон Берунийнинг битикларида, тилшунос ва тарихшунос олим Исҳоқхон тўра Ибратнинг “Жомеъ ал-хутут” (Хатлар жамланмаси) тарихий асарларида, шу билан бирга инглиз археологи Л.Вуллининг Боғдод ва Форс кўрфази оралигидаги “Қатронли тепаликда” 1922 йилда ўтказган қазилмаларида топилган тўрт минг йилдан зиёд тарихни ўз ичига жамлаган йигирма мингдан зиёд сопол битиклар, яъни миҳхатлар ва ана шу битиклар устида Британия тарих ва археология музейи ассистенти Д.Смитнинг ўтказган

тадқиқотлари натижаси рус тарихчи лингвисти Виктор Драчукнинг “Ёзувлар - ўтмиш сирлари шоҳиди” китобида ўз ифодасини топган.

Юқоридаги хат турлари хаттотлар тилида "Ал-хутут ас-сабъа" (етти хат) деб юритилади. Уларнинг хар бири ингичка (хафий) ва йўғон (жалий) қаламларида ёзилиши натижасида яна ўн тўрт хил хат турлари яратилди.

Шарқ мамлакатларида, жумладан диёримизда VII асргача хоразм, суғд (оромий), ўрхун-енисей ва уйғур ёзувлари қўлланиб келинган. Эски ўзбек ёзувининг пайдо бўлиш тарихи Мовароуннаҳрга ислом динининг кириб келиши билан боғланади. Ислом дини кириб келган барча ўлкалар қатори, ватанимизда ҳам у ўзининг маърифати ва маданияти билан ёйилди, сайқалланди, ривожланди, шу билан бир вақтда у дунёвий илмларнинг пайдо бўлишига, дунё бўйлаб тарқалишига катта замин яратди. Имом Бухорий, Имом Термизийлар ҳадисшуносликка, Бурҳониддин Марғиноний ислом ҳуқуқшунослигига, Беруний, ал-Хоразмий, ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий каби аждодларимизнинг дунёвий билимлар хазинасига қўшган ҳиссалари беқиёсдир.

Шу билан бир қаторда юртимиздан етишиб чиққан машҳур хаттотлар янги-янги хат турларини яратдилар ва хат битишни санъат даражасига кўтардилар. Жумладан, насх ва таълиқ хатларининг бирикувидан ҳосил бўлган настаълиқ хатини Мир Али Табризий ихтиро қилганлар. Хатнинг бу тури XVI асрга келиб ўлкамизда ўзининг юксак чўққисига кўтарилди.

Юртимиз ўзининг беҳисоб ер ости ва усти бойликлари билан бир қаторда, жаҳонга номлари таралган буюк алломалари ҳамда дунёнинг бошқа мамлакатларида деярли такрорланмайдиган, беқиёс маданий, маънавий хазиналари билан ҳам буюқдир. Халқимиз томонидан асрлар давомида яратилган маданий меросимизнинг ўзаги ҳисобланган диний ва бадиий адабиётлар, тарих ва фан асарлари, мумтоз асарларнинг барчаси

араб имлосига асосланган эски ўзбек ёзувида яратилган “битик”ларда жамланган ва ўз ифодасини топган.

Аждодларимиз томонидан бизларга қолдирилган бундай улкан маънавий меросдан бахраманд бўлишимиз учун албатта маънавий хазиналар эшигини оча оладиган “калит” вазифасини бажарувчи эски ўзбек ёзувимизни пухта эгаллашимиз лозим бўлади.

Эски ўзбек ёзувининг хусусиятлари

Эски ўзбек ёзуви араб имлоси асосида шаклланган экан, энг аввало араб ёзувига хос бўлган хусусиятларни кўриб ўтамиз. Маълумки, бу алифбо жами 28 та ҳарфдан иборат бўлиб, форс-ўзбек тилига хос бўлган **п, ч, ж, г** ҳарфлари қабул қилиниши билан эски ўзбек имлосидаги ҳарфлар сони 32 тага етган. Эски ўзбек ёзувида бўлган хосликлар нимадан иборат ?

Эски ўзбек ёзувининг ўзига хос хусусиятлари

қуйидагилардан иборат:

– хатларнинг ўнгдан чапга томон ёзилиши, рақамларнинг эса аксинча чапдан ўнгга қараб ёзилиши;

– ҳарфларнинг ёзма ва босма шаклларининг бўлмаслиги;

- бош ҳарфлар ва тиниш белгиларининг умуман ишлатилмаслиги; матндаги гапнинг умумий мазмунига ва оҳангига қараб гапнинг хабар, сўроқ, буйруқ ёки ундов мазмунда эканлиги аниқланиб олинишлиги; кейинги пайтда эса зарурат туфайли тиниш белгиларини қўллаш одат тусига кирганлиги;

– иложи борича ортиқча ҳарфларни сарф этмасдан маъно элтишга ҳаракат қилиниши натижасида қисқа унлиларнинг

ёзувда ҳарфлар билан эмас, балки ҳаракатлар билан ифодаланиши;

- қоғоз ва сиёҳни тежаб, ҳар бир сатр узунлигидан унумли фойдаланиш илинжида ёзувда қўлланилаётган ҳарфларнинг сўз боши ва сўз ўртасидаги шаклларида бу ҳарфларни қисқа, иложи борича таниб олиш мумкин бўлган асосий қисмидангина фойдаланиш натижасида ҳарфларнинг кўринишларини ўзгариб кетиши;

– ҳарфлар бир-бири билан боғланиш-боғланмаслигига қараб икки гуруҳга: ўзидан олдинги ва кейинги ҳарфларга қўшилиб ёзиладиган муттасил – қўшилувчи ҳарфларга, ўзидан олдингисига қўшилиб кейингисига қўшилмайдиган мунфасил – ажралувчи ҳарфларга бўлинишлиги;

(Бундай ажратилишига сабаб, бир томондан қўшилувчи ҳарфлар ҳар икки томондан ҳам қўшилгудек бўлса, у ҳолда бу ҳарфлар ўз шаклини йўқотади ва бошқа бир ҳарфга айланиб қолади; бирин-кетин, ёнма-ён келганда эса бундай ҳарфлар бир-бирига уланмасдан ёзилади.)

– сўзларни сатрдан-сатрга кўчириш мумкин бўлмаганлиги; (сатр охирида ортиб қолган жойни, сўздаги бирор ҳарфни чўзиб тўлғазилган, сўзнинг сатрга сиғмай қолган қисмини эса сатр охирига тикиштириб ёзиб қўйилган, ҳозирги кунда чоп этилаётган газета ва журналларда сатрдан-сатрга кўчириб ёзила бошланди.)

– сўзнинг ўзагида бир хил қўш ундош ёки қўш унли келса улардан биттасигина ёзувда ифодаланаши;

– ҳар бир ҳарфнинг у ёки бу товушни билдиришидан ташқари маълум бир сон қийматга ҳам эга бўлиб, унинг бу қийматидан “абжад ҳисоби” да қўлланилиши;

– мавжуд 32 та ҳарфдан 28 таси араб ёзувидан ўтиб, қолган 4 таси форс ёки ўзбек тили асосида шаклланганлиги, шу билан бир вақтда 32 та ҳарфдан 25 тасининг 4 тадан, қолган 7 тасининг 2 тадан кўриниши борлиги;

– ҳарфлардан ташқари ҳарфларнинг усти ёки остига қўйиладиган, **ҳаракатлар** деб аталувчи, ҳар бири маълум бир вазифани бажарадиган саккизта белгининг мавжудлиги:

Эски ўзбек ёзувининг юқоридаги хусусиятлари ҳақида, ўрни келганда янада кенгроқ тўхталиб ўтамиз.

Эски ўзбек ёзувининг мураккабликлари:

– хат турларининг кўплиги. Асосан кенг истеъмолда бўлган: насх, настаълик, кўфий, маъқалий, риқоъ, шикаста, сулс, таълик каби хатлардан бошқа кўплаб хат турлари мавжудлиги бўлиб, кўфий ва сулс хатлари кўпинча иморатлар, меъморчилик ёдгорликлари пештоқиға, қабр тошларига ёзилиб, ўқилиши ва ёзилиши бир мунча мураккаб бўлиб, настаълик ёзуви эса ўзининг осон ўқилиши ва чиройли ёзилиши билан ажралиб туришлиги;

– ҳарфларнинг ҳар бири икки ёки тўрт кўринишда келиб, тўрт кўринишли ҳарфларнинг сўз бошида ва сўз ўртасида келадиган шаклларининг асосий қисми ёзилиб, фақат қўйилган нуқталари орқали фарқланиши, сўз охирида келган ҳарфларнинг эса сўзнинг тугалланганлигини билдириш учун тўлиқ шаклини ёзиш лозим бўлишлиги;

– Икки кўринишли ҳарфдан кейин сўз ўртасида келган тўрт кўринишли ҳарфни сўз бошидаги шакли билан ёзилиши;

– турли босмаҳоналарда чоп этилишига қараб бир-биридан ажралиб туришлиги, Қозон босма китоблари типографик усулда, Тошкент ёки Наманганда нашр этилган китоблар эса тошбосма усулда чоп этилганлиги;

– Қуръон тили деб улуғланганлиги боис, амалий ҳаётда ўзлаштирилган арабча сўзларнинг аслида қандай бўлса ўшандай ёзилиши; (илм сўзини айн билан ёзилганидек – علم каби)

– имло қоидаси бўйича арабча сўзга қўшиладиган, ўзбек тилидаги мавжуд қўшимчаларни уланмасдан алоҳида ёзилиши;

– чиройли ёзишга интилиш натижасида ҳарфларнинг ёзилишида қоидалардан четга чиқилиши;

Шу билан бир вақтда настаълиқ ва насх хати орасида шакл жиҳатдан қуйидагича айрим:

-ёзувда насх ҳарфлари тик ҳолатда, настаълиқ ҳарфлари эса қуйи қисми чапга, юқори қисми эса бироз ўнг томонга қияланган ҳолда бўлиши;

-фақат сатр чизиғи бўйлаб насх хатига хос ёзиш қоидаси, настаълиқ хат турида бутунлай йўқолиши;

-син ва шин ҳарфлари сўз таркибида келганида тишсиз, бир сўзда такрорланган ҳолатда эса улардан бирини тишсиз қилиб ёзилиши;

- айрим ҳарфларнинг чўзиб ёзилиши натижасида бошқа ҳарфларга ўхшаб қолиши;

-ҳойи ҳавваз ҳарфи турли кўринишларда ёзилиши;

-коф, гоф, ре, зе, же, дол, зол ва ё ҳарфлари ҳам бошқачароқ кўринишларда ёзилиб, айрим ҳарфларнинг нуқталари ўзларидан узоқроққа қўйилиши каби фарқлар ўқувчилар наздида эски ўзбек имлосини ўзлаштиришда мураккабликдек туюлади, аслида эса, астойдил киришиб, тинимсиз ўқиб, ёзиб машқ қилинса юқорида айтганимиз “ҳазинлар калити” иншо Аллоҳ албатта кўлимизда бўлади.

Ҳозирда чоп этилаётган газета-журналлар насх ёзувида, маънавий меросимиз ҳисобланган қадимги қўлёзма ва тошбосма асарлар, шу жумладан ислом билим юртларида ўрганилаётган “Ҳидоя”, “Шарҳи виқоя” каби дарсликлар хатнинг настаълиқ турида эканлигини эътиборга олиб, ўқувчиларга қулайлик туғдириш мақсадида ҳар икки хат турини ўқиш ва ёзишни ўрганишни бир вақтнинг ўзида амалга ошириш лозим деб топилди.

Ҳар бир нарсанинг қонун-қоидаси, меъёрий услуби бўлганидек хат ёзишда, яъни хаттотликда ҳам ўзига хос қонуниятларга, меъёрий қоидаларга амал қилинган. Қадимда хатнинг чиройли бўлиши учун энг аввало яхши, сифатли қоғозга, ҳамда хаттотнинг иш қуроли – *сиёҳ, қора қамиш қалам, мистар* (транспарант), *қаламтарош*, қаламнинг учини кесиш учун ясалган суяк – *қаламқатига* катта эътибор берилган.

Хаттотлардан ёзиш жараёнида маълум бир меъёрий жиҳатлар: хатларнинг бир-бирига мос, ўхшаш, бир текис, чиройли бўлиши каби қоидаларга амал қилиш қатъий талаб

қилинган. Шунга мувофиқ ҳарфларни ёзишда меъёр, яъни ўлчов воситаси сифатида нуқталардан фойдаланилган.

Масалан: Алиф ҳарфи уч нуқта, бе ҳарфини эса уч нуқтадан тўққиз нуқтагача бўлишлиги талаб қилинган.

Ҳозирги кундаги мавжуд имкониятлар ўлчов воситаси бўлган нуқталарни, соддароқ усул бўлган катак дафтардаги мавжуд катакчаларга алмаштиришнинг анча қулайлигини кўрсатмоқда.

Биз эски ўзбек ёзувининг насх ва настаълик хат турларини юқорида таъкидланганидек биргаликда ўрганамиз. Настаълик ёзуви таълик хатига насх хатидан олинган баъзи белгиларнинг қўшилишидан ҳосил бўлганлигини кўрдик.

Сўз ва жумлани яшаш, фикрни хатда ифодалашда албатта ҳарфлардан фойдаланилади. Араб ёзувида ҳар бир ҳарф ўзига хос маълум бир товушни ифодалашдан ташқари, бирор ном билан ҳам номланган.

*Аниқ бир товушни ёзма равишда кўрсатиш учун қабул қилинган муайян шаклга **ҳарф** дейилади.* Масалан: **а** товушини ифодалашда араб алифбосида **ا** шакли, **б** ни билдириш учун эса **ب** шакли қабул қилинган ва улар мос равишда *алиф* ҳамда *бе* деб номланган. Қуйида ҳарфларни ва улар ифодалайдиган товушларни ўрганишга киришамиз.

Арабча ҳарф шакллариининг ясалиши ва ёзилиши:

Араб алифбосидаги барча ҳарфлар асосан, ўн еттита белги асосида шаклланган. Қуйидаги ўнта шаклидан:

- нуқталар қўймаслик:

ح


- нуқталар қўйиш:

ج خ

- нуқталарнинг ўрни ва сонини ўзгартириш:

چ خ ج

йўли билан бошқа ҳарфларни ҳосил қилишда
фойдаланилади:



Қуйидаги еттита белгидан эса бошқа ҳарфлар ясаб
бўлмайди:

ا ل م ن و ه ي

Ўзбек тилининг араб имлосидаги алифбо ҳарфлари

Алиф ҳарфи ва унинг имлоси

Алиф - алифбонинг биринчи ҳарфидир.


Бу ҳарф ўнг томонидан, яъни ўзидан олдин келадиган
ҳарфларга қўшилиб, ўзидан кейин – чап томонидан келадиган

ҳарфларга қўшилмайдиган икки кўринишли мунфасил ҳарфлар жумласига киради.

Имлоси: Алиф ёзма шаклда ифодаланганда унинг устки қисми остки қисмига нисбатан йўғонроқ бўлади. Чунки, қалам юқоридан пастга томон юритилганда қоғозга чуқурроқ ботади. Алиф ҳарфининг мустақил ва сўз бошидаги шаклларини ёзганда қалам тепадан пастга томон уч катак миқдорида юритилса, уланган ҳолатдаги шаклини ёзишда сатр чизиғидаги катакнинг ярмидан бошлаб катак бурчагига яқинлашганда ёйсимон ҳолда қиялатиб пастдан уч катак миқдорида юқорига томон юритилади.

Алифнинг алоҳида ва сўз бошидаги шакли юқоридан пастга

қараб ёзилади:



Алиф ҳарфининг дафтар катакчаларида жойлашиш ҳолати, ҳамда унинг настаълиқ хат туридаги кўринишлари куйидаги жадвалда берилган, албатта кейинги ҳарфларни ўрганиш жараёнида ҳам бу ҳолат такрорланади.

Алиф ҳарфининг насх ва настаълиқ ёзувидаги кўринишлари:

Кўриниши	Алоҳида	Сўз бошида	Сўз ўртасида	Сўз охирида
Насх				
стаълиқ				

Талаффузи: *Ўқимоқ* араб тилида *қироат* дейилади. Қироатнинг қоидаси шулки, талаффуз қилувчидан ҳар бир ҳарф ҳаққини тўлиқ адо этишлик талаб этилади. Шунинг учун ҳар бир ҳарфни ўз махражидан чиқариш, чўзиқ ва қиска унлиларни талаффузида чўзишнинг миқдорига риоя қилиш лозим бўлади.



Алиф ҳарфи асосан ўзбек тилида **а, о** товушларини баъзан эса сўз бошида келиб **и, э, у, ў** товушларини билдиради.

Алиф ҳарфи чўзиқ унли товушини билдираётганда талаффуз пайтида тил расмдагидек пастки ҳолатда бўлиши керак. Араб тилида оғиз бўшлиғини *жавф* деб, ҳарфларнинг оғиз бўшлиғидан чиқадиган ўрни махраж деб аталади. Алиф ва унинг *сингиллари* **во** – **و** ва **йо** – **ي** ҳарфлари талаффуз қилинган вақтида чиқаётган товуш оғиз бўшлиғидан тил, тиш ёки бўғизнинг бирорта қисмига урилмай чиқади.

Араб тилидан ўзбек тилига кириб келган араб тили билан бошланадиган сўзларда алиф ҳарфи араб тилида қандай талаффуз қилинса ўшандай ўқилади. Масалан:

اكرام اقبال اثبات اكمل الفت □ ت

Уммат Улфат Акмал Исбот Иқбол Акрам

أحرار ادهم اسرار

Аҳрор Адҳам Асрор

Вазифаси: Ёзувда **алиф** икки вазифада келади:

1. Агар *фатҳа* - дан кейин келса, у иккиси чўзиқ **а** унлисини ифодалайди ва ёзувда: $\bar{ا}$ шаклида бўлади.

2. Шунингдек, **алиф** ϵ шаклидаги *ҳамзани* ёки \sim шаклидаги *маддани* кўтариб туриши ҳам мумкин. Унда алиф таглик, курси вазифасини бажаради ва бу ҳолатда алиф ҳарфи мутлақо ўқилмайди. У кўтариб турган белгилар эса ёзувда қуйидагича кўринади ва ўқилади: $\bar{ا} - o$; $\dot{ا} - a, y$; $\underset{2}{ا} - u$;

Устига мадда белгиси қўйилган сўз бошидаги алиф **О** товушини ифода этади

$\bar{ا}$

Сўз ўртасида ва охирида келувчи алиф устига мадда белгиси қўйилмайди. Аммо сўздаги ўрнига қараб **а**, **о** тарзида ўқиладиган бўлади. **Алиф** ҳарфи ҳаракатни кўтармайди, фақат сукунлик бўлади.

Араб тили грамматикаси қоидаларига кўра **вов** ва **йо** ҳарфлари *иллат* – касал ҳарфлар бўлгани учун *замма*, *касра* каби ҳаракатларни кўтара олмайди. Кўп жойларда олиб ташланади ёки бири бошқасига кўпинча алифга алмаштирилади, яъни қалб қилинади. Алиф ҳамзага ёки ҳаракатга курси вазифасини бажаради. Алиф араб хатларининг турларига қараб, чўзинчоқсимон ва ёйсимон шаклларда ёзилади.

Ҳарфларни ёзилишини ўрганиш ҳамда хатни ёзиш жараёнида сатр чизиғини белгилаш, ҳарфларнинг ўрнини ҳамда катта-кичиклигини аниқлаш мақсадида алиф ҳарфини меъёр вазифасини бажарувчи қилиб олдик. Бунинг учун насх ёзувидаги ҳарфларни ўрганиш жараёнида ёзиладиган ҳар бир ҳарф, ҳар бир сўз қаторининг бошига албатта алиф ҳарфини ёзиб олиш керак бўлади.

Машқ № 1 Алиф ҳарфининг ёзилишларини машқ қилинг. Унинг ҳар иккала хат туридаги кўринишларини беш қатордан ёзиб чиқинг.









Ре ҳарфи

Ре алифбодаги ўн иккинчи ҳарфдир. У ўзидан олдин, яъни ўнг томондан келадиган ҳарфларга қўшилиб, ўзидан кейин – чап томондан келадиган ҳарфларга қўшилмайдиган мунфасил, икки кўринишли ҳарфлар жумласидандир.


Имлоси: Ре ҳарфининг алоҳида шакли сатр чизиғининг бир оз юқорисидан бошланади. Қолган қисми юқоридан пастга, чапга қияроқ ҳолда сатр чизиғидан пастки катакнинг қарама-қарши бурчагига тушириб ёзилади. Қўлёзма китобларда ўзидан олдинги ҳарфларга боғланиб келганда кўпинча ўнг томонга сал оғдирилган алиф ҳарфига ўхшаб кетишининг боиси тезроқ ёзиш туфайлидир.

Ре ҳарфининг ўзидан олдинги ҳарфга қўшилиб ёзиладиган шаклида иккинчи ҳарф билан боғланиш қисми бўлиб, бу унсур сатр чизиғи бўйлаб катакнинг ярмидан бошланиб, асосий қисми сатр чизиғидан пастга тушириб қуйидагича ёзилади:

Ре ҳарфининг насх ва настаълиқ ёзувидаги кўринишлари:

Кўриниши	Алоҳида	Сўз бошида	Сўз ўртасида	Сўз охирида
Насх				
Настаълиқ				

Талаффузи: Ре ҳарфи ўзбек тилида **р** товушини билдиради. Ре ундоши *касра* билан келганда ингичкароқ ва *фатҳа* ёки *замма* билан келганда йўғонроқ талаффуз қилинади. Ре ҳарфини талаффузида тилнинг ҳолатига эътибор беринг ва расмдагидек бўлишига ҳаракат қилинг. Ре ҳарфи талаффузида тил учи юзасини олдинги юқори тишларнинг милкига қўйиб талаффуз қилинади. Тилнинг учини милкдан ажратилишидан ҳосил бўладиган тирқишдан ўтаётган ҳаво оқими **р** товушини ҳосил қилади.



Изоҳ: Тажвид китобларимизда “Ҳарфларнинг махражини билишни истасангиз уни сукунлик қилиб, олдида васлалик ҳамзани қўшиб ўқинг. Товуш тўхтаган жой ўша ҳарфнинг махражи ҳисобланади” – дейилган. Масалан, **ر** ҳарфининг

махражини аниқлаш учун суқунлик **ر** ҳарфини олдиға васлалик ҳамзани қўйиб **رُ** деб ўқисак, тилнинг учини юқоридаги олд тишларнинг милкига ёпишган жойдан **р** товуши чиқади. Демак, агар ҳарф ёпиқ бўғинни охирида келса, тилнинг ўша ҳарфнинг махражига тегишидан, якка ҳолда, бўғин ўртасида ёки очик бўғин ҳосил қилиб келганида эса, тилнинг ёки лабнинг ўша махраждан ажралиш вақтидаги ҳаво оқимидан ўша ҳарф ифодаляйдиган товуш пайдо бўлади. Масалан: **ر** ҳарфини якка ҳолдаги талаффузида тилнинг учини ўша махражга қўйиб, тилнинг учини милкдан ажратиш керак бўлади. Ана шу вақтда тил учи ва милк орасидан ўтаётган ҳаво оқимидан **ر** товуши ҳосил бўлади.

Машқ № 1: **Ре** ҳарфининг насх ёзувидаги мисоллари:

را آر آرا

Машқ № 2: Юқоридаги мисолларнинг настаълик хатида ёзилиши:

ر ر ر

Вазифа: **Ре** ҳарфининг ҳар икки хат туридаги якка ва боғланган кўринишларини беш қатордан, мисолларининг ҳар бирини ҳар икки хат турида икки қатордан ёзинг.









Зе ҳарфи

Зе алифбодаги ўн учинчи ҳарфдир. Ўзидан олдин – ўнг томонидан келадиган ҳарфларга қўшилиб, кейинги – чап томонидан келадиган ҳарфларга қўшилмайди, икки кўринишли мунфасил ҳарфлардан ҳисобланади.


Имлоси: Ре ҳарфи билан шаклан ўхшаш бўлиб, тепасидаги битта нуқтаси билан фарқ қилади. Алоҳида ва сўз бошидаги шакли сатр чизиғининг юқорироғидан бошланиб, сўнгра пастга қараб ёзилади ва сатр остида яқунланади. Сўз ўртасидаги ва охиридаги шакли сатр чизиғидан бошланиб сатр остида яқунланади. Настаълиқ ёзуви билан насх ёзуви ўртасида назарий жиҳатдан фарқ йўқ, аммо шакл жиҳатидан қисман фарқлар бор.

Масалан: Насх ёзувида ҳарфлар одатда вертикал (тик) ёзилади. Настаълиқда эса юқори қисми ўнг томонга, қуйи қисми эса чап томонга бироз мойил бўлади

Зе ҳарфининг насх ва настаълиқ ёзувидаги кўринишлари:

Кўриниши	Алоҳида	Сўз бошида	Сўз ўртасида	Сўз охирида
Насх				
Настаълиқ				

Талаффузи: Тилимиздаги з товушини ифодалайди. Бу товуш тилнинг олд тарафидан, икки жағнинг бир оз очилиши билан, юқори ва пастки олд тишлар оралиғидан чиқади. Талаффуз



вақтида тилнинг расмдагидек бўлишига эришинг.

Ре ва зе ҳарфлари иштирокида сўз ёзиш машқи:

Зор сўзини ёзиш учун зе – ز , алиф – ا ва ре – ر ҳарфларини оламиз. Бу ҳарфлар барчаси икки кўринишли мунфасил ҳарф бўлганлиги сабабли ўзидан кейинги ҳарфларга уланмай ёзилади. Шунга кўра **зор** сўзида бу ҳарфлар алоҳида кўринишларда келади.

ز + ا + ر ← ز + ا + ر ← ز ا ر

1-Машқ: Зе ҳарфининг насх хати ёзувидаги мисоллари:

زا آز راز زار آزار آراز

2-Машқ: Юқоридаги мисолларнинг настаълиқ ёзувидаги кўринишлари:

Вазифа: Зе ҳарфининг ҳар икки хат туридаги якка ва боғланган кўринишларини беш қатордан, мисолларининг ҳар бирини ҳар икки хат турида икки қатордан ёзинг.

زا آز راز زار آزار آراز

Дол ҳарфи

Дол алифбодаги ўнинчи ҳарфдир. Ўзидан олдинги – ўнг томонидан келган ҳарфга қўшилиб, ўзидан кейинги – чап

томонидан келадиган ҳарфга қўшилмайдиган икки кўринишли мунфасил ҳарфлар қаторига киради.

Имлоси: Дол ҳарфини алоҳида ва сўз бошидаги шаклини ёзишда сатрдан юқоридаги ўрта катакнинг марказига қўйилган қаламни ўнг томонга қияроқ ҳолда пастга ҳаракатлантирилади ва сатр чизиғи устидан чапга қайириб ҳарф бошланган нуқтанинг таг қисмига тўғрилаб чизилади. Дол ҳарфининг сўз ўртасидаги ва охиридаги кўринишлари сатр чизиғидан бошланиб, юқорига чапга қараб ёзилади. Дол ҳарфи ўзидан олдинги ҳарфга қўшилиб ёзилганда ўнг томонида қўшилиш қисми бўлади.

Дол ҳарфининг сўз ўртасидаги ва охиридаги кўринишлари насх ва настаълиқ хат турларида бир мунча фарқланади. Насх ёзувида дол ҳарфининг устки қисми кўпроқ эгик ҳолатда бўлади. Настаълиқ хат турида дол ҳарфи ёзилганда ре ҳарфига ўхшаб кетади, билмасдан уни ре га алмаштирмаслик керак.

Дол баъзан шошилиб ёзувчи хаттотлар томонидан қоидага хилоф равишда ўзидан кейин келадиган ҳарфга қўшиб ёзилиши ҳам учрайди.

Масалан: давр ёки дур - دور дор - دار шода - شاده

Дол ҳарфининг насх ва настаълиқ ёзувидаги кўринишлари:

Кўриниш	Алоҳида	Сўз бошида	Сўз ўртасида	Сўз охирида
СХ				

Талаффузи: Дол ҳарфи ўзбек тилидаги д товушини билдиради. Талаффузида товуш, юқори олд тишларнинг тубига тилнинг учини тегишидан ёки тегиб турган тилнинг учини махраждан ажралаётган пайтида, тил билан тиш орасидан чиқаётган ҳаво оқимидан ҳосил бўлади. Дол ҳарфини талаффуз қилганда тилнинг ҳолати ушбу расмдагидек бўлиши керак.



Дол ҳарфи иштирокида сўз ёзиш бўйича машқ:

Озод сўзини ёзиш учун маддалик алиф, зе, алиф ва дол ҳарфлари керак бўлади. Бу ҳарфлар барчаси ўзидан кейинги ҳарфларга қўшилмайдиган мунфасил ҳарфлар бўлгани учун ҳар бири алоҳида кўринишларда келганлигидан қуйидагича бирикув ҳосил бўлади:

آ + ز + ا + د ← آزاد

1-машқ: Дол ҳарфининг насх ёзувидаги мисоллари:

دار داد زاد آزاد دارا ردا ادا

2-машқ: Юқоридаги мисолларнинг настаълиқ хатида ёзилиши:

دار داد زاد آزاد دارا
ر د ا ا د ا

Вазифа: Дол ҳарфининг ҳар икки хат туридаги кўринишларини беш қатордан, мисолларини эса икки қатордан ёзинг.

Вов ҳарфи


Вов алифбодаги ўттизинчи ҳарфдир. Ўзидан олдинги ўнг томонидан келган ҳарфга қўшилиб, ўзидан кейин – чап томонидан келадиган ҳарфга қўшилмайдиган икки кўринишли мунфасил ҳарфлардан биридир.

Имлоси: **Вов** ҳарфини алоҳида ва сўз бошидаги шаклини ёзиш учун қаламни сатр чизиғига катакнинг ўнг томонидаги пастки бурчагига қўйиб, бир оз чапга, сўнгра юқорига ўнг томонга қияроқ юритиб, ҳарф бошланган нуқта устидан сатр чизиғи остидаги катакнинг қарама-қарши чап бурчагига қараб чизилади. Унинг сўз ўртасидаги ва сўз охиридаги кўринишларининг ўнг томонида қўшилиш қисми бўлади. Ёзувда сатр устидан бошланиб, сатр остида тугайди.

Вов ҳарфининг насх ва настаълиқ ёзувидаги кўринишлари:

Кўриниш	Алоҳида	Сўз бошида	Сўз ўртасида	Сўз охирида

Талаффузи: Вов ҳарфи ўзбек тилидаги **в**, **у** ва **ў** товушларини ифодалайди. **Вов** ундоши араб тилида лаб-лаб ундоши ҳисобланади ва уни талаффуз қилишда фақат лаблар иштирок этади. Талаффуз пайтида икки лаб бир оз чўччайиб юмалоқланиши, тилнинг ҳолати эса расмдагидек бўлиши керак. Араб тилидаги **в** товуши билан ўзбек тилидаги **в** товушининг ҳосил бўлишида фарқ бор. Ўзбек тилидаги **в** лаб-тиш товушидир.



Ҳаракати йўқ **вов** ҳарфи ўзидан олдин келаётган *замма* билан бирга у чўзиқ унлисини беради . Масалан: **بو**

Сўз бошида якка ўзи келиб **в** ундошини билдиради: **وبا**

Сўз ўртаси ва охирида келганда асосан **в** товушини англатади:

ов - آو биров – براو даво – دوا овоза – آوازا

Вов ҳарфининг олдига алифни ортирилиши билан **У** ва **ў** унлилари ҳосил қилинади:

Ур ёки ўр – اور уз ёки ўз - اوز

Сўз ўртаси ва охиридаги у ва ў унлиларини ифодалашда **вов** ҳарфининг ўзи ёзилади, маъносига қараб у, ў ёки в деб ўқилади:

зўр - زور дур ёки давр - دور

Вов ҳарфи иштирокида сўз ёзиш бўйича машқ

Ўроз деган сўзни қандай ёзилишини кўрайлик. Ў товушини ифодалаш учун алиф ва вов ҳарфлари бирикмаси, р товушини ифодалаш учун – ре, сўз ўртасидаги о товушини ифодалаш учун алиф, ҳамда з товушини ифодалаш учун зе ҳарфидан фойдаланамиз.

اوراز ← ا + و + ر + ا + ز

1-машқ: Вов ҳарфининг насх хати туридаги ушбу мисолларини ўқинг ва кўчириб ёзинг.

او داو زاو واو اور اوز اورار اوزار اوراز

دور زور روز اورادور اوزادور

2-машқ: Юқоридаги машқни настаълиқ хатидаги қуйидаги мисолларини ўқинг ва ҳар бир мисолни икки қатордан ёзинг.

او داو زاو واو
اور اوز اورار اوزار اوراز
دور زور روز اورادور اوزادور

Вазифа: **Вов** ҳарфининг ҳар икки хат туридаги кўринишларини беш қатордан, мисолларини икки қатордан ёзинг.

Унутманг: **Вов** ҳарфи настаълиқ ёзувидаги асарларда дол ҳарфига ўхшаб кетади.

Бе ҳарфи


Бе ҳарфи араб алифбосидаги иккинчи ҳарф бўлиб, ўзидан олдин яъни ўнг томонидан ва ўзидан кейин – чап томонидан келадиган ҳарфларга қўшилиб ёзиладиган тўрт кўринишли муттасил ҳарфлар қаторига киради.

Имлоси: **Бе** ҳарфининг барча кўринишлари сатр чизиғининг устида ёзилади ва битта нуқтасигина сатр чизиғидан пастга тушади. Сатр чизиғи устидаги катакнинг юқори бурчагига қўйилган қалам катакнинг вертикал чизиғи бўйлаб сатрга қараб юрғизилади. Чизиғимиз сатр яқинидан ёйсимон шаклда чап томонга чизиқ бўйлаб уч катакка етганида юқорига бир катак баландлигида қайириб ёзилади ва сатр остига битта нуқта қўйилади. Сўз бошидаги ва ўртасидаги кўринишларида **бе** ҳарфининг таниб олиш мумкин бўлган асосий қисмлари ёзилади.*

Бе ҳарфининг насх ва настаълиқ ёзувидаги кўринишлари:

Кўриниши	Алоҳида	Сўз бошида	Сўз ўртасида	Сўз охирида
Насх				
Настаълиқ				

Талаффузи: Бе ҳарфи ўзбек тилидаги б ундошини ифодалайди. Бе ҳарфини талаффузида товуш икки лаб орасида, лабларнинг бир-бирига ёпишишидан ёки бир-биридан ажралиш вақтидаги ҳаво оқимидан ҳосил бўлади. Талаффуз пайтида тилнинг ҳолати ушбу расмдагидек бўлиши керак.



Сўзларни ёзиш бўйича машқ.

Масалан: Боб сўзини қандай ёзиш керак?

Бу сўз учта ҳарф ёрдамида **бе** – ب, **алиф** – ا ва яна **бе** – ب

ҳарфларининг ўзаро боғланиши асосида ёзилади.

Демак биринчи **бе** сўз бошида келганда унинг сўз бошидаги шаклини, **алиф** ҳарфининг сўз ўртасидаги шаклини оламиз. Сўз охирида келаётган **бе** ўзидан кейинги ҳар қандай ҳарфга

қўшилмайдиган **алиф** ҳарфидан сўнг келгани учун унинг алоҳида шаклини оламиз. Чунки ундан кейин бошқа ҳарф йўқ. Натижада қуйидаги бирикув юзага келади:

باب ← ب + ا + ب ← ب + ا + ب

Обод сўзи алифбодаги **алиф** – ا, **бе** – ب, **алиф** – ا ва **дол** – د

ҳарфларининг ўзаро боғланиши асосида ясалади.

“О” товушини ифодалаш учун аввало **алиф** – ا олинади ва унинг

устига мадда белгиси ~ қўйилади: آ . **Алиф** дан сўнг ҳарф

уланмаганлиги сабабли **бе** ҳарфининг сўз бошидаги шакли ب

олинади. Сўнг алифнинг сўз ўртасидаги, яъни ўнг томондан

қўшиладиган шакли ا ни оламиз. **Дол** ҳарфи сўзнинг охирида

келаётган бўлса ҳам ўзидан олдиндаги ҳарф икки кўринишли

бўлганлиги учун алоҳида шакли د оламиз. Натижада

қуйидагича бирикув ҳосил бўлади:

آباد ← آ + ا + ب + د

1-машқ : **Бе** ҳарфининг сўз бошидаги кўринишларини насх хати

туридаги мисоллари:

بار باز باد بابا بازار باردور بازاردور بازار بار اوراز باردور بابا

اورادور اوراز بازار بارور بابا زوردور

2-машқ: Юқоридаги мисолларнинг настаълиқ хатидаги кўринишлари:

بار باز باد
بابا بازار بارودور بازار دور
بازار بار اوراز بارادور بابا اورادور
اوراز بازار بارور بابا زور دور

Бе ҳарфининг насх ва настаълиқ хат турлари орасида деярли фарқлари йўқ.

3-машқ: Бе ҳарфининг ҳар икки хат туридаги кўринишларини беш қатордан дафтарингизга ёзинг.

4-машқ: 1-2 машқларни дафтарингизга кўчириб ёзинг.









***Унутманг:** кейинги мавзуларда ҳарфларнинг сўз бошидаги ва ўртасидаги кўринишларида, - “бу ҳарфнинг таниб олиши мумкин бўлган асосий қисми ёзилади деган”, - сўзни такрор келтирмаймиз.

Ё ҳарфи

Ё алифбодаги ўттиз иккинчи ҳарфдир. Ўзидан олдин ўнг ва кейин чап томонидан келадиган ҳарфларга қўшилиб ёзиладиган муттасил ҳарфлар қаторига кириб, тўрт кўринишга эга.

Имлоси: Ё ҳарфининг алоҳида кўриниши сатр чизиғидан юқорирокдан бошланиб, давоми сатр чизиғидан ярим доира қилиб пастга бир катак, чап томонига эса бир ярим катак узунликда ёзилади. Ё ҳарфининг остида икки нуқтаси бор. Ё ҳарфининг сўз бошидаги ва сўз ўртасидаги шакллари бе ҳарфининг худди шу шаклларига айнан ўхшаш бўлиб, сатр чизиғи устига ёзилади, икки нуқтаси эса сатр чизиғидан пастга тушади. Ё ҳарфининг сўз охиридаги шакли, унинг алоҳида ҳолдаги ёзилишига ўхшаш бўлиб, сатр чизиғидан бошланади ва давоми сатр чизиғидан пастга тушириб ёзилади, аммо нуқталари қўйилмайди.

Ё ҳарфининг насх ва настаълиқ ёзувидаги кўринишлари:

Кўриниши	Алоҳида	Сўз бошида	Сўз ўртасида	Сўз охирида
Насх				
Настаълиқ				

Талаффузи: Йо харфи ўзбек тилидаги й, и, э товушларини ифодалайди. Оғиз бўшлиғида ҳосил бўладиган бу товушларнинг талаффузи



пайтида тилни расмдагидек ҳолатда бўлишига эътибор беринг.

Йо ҳарфи сўз бошида келганида:

- ёлғиз ўзи **й** ундошини; (йўл - يول йил - يىل каби)
- иккинчи **йо** ҳарфи билан боғланиб **е** (ёе) - يى ҳарфлар бирикмасини; (ел - يىل ер - يىر каби)
- давомидан келадиган **во** ҳарфи билан боғланиб **ю** (йу) يو - ҳарфлар бирикмасини; (юр - يور юз - يوز каби)
- давомидан келадиган алиф ёки ҳойи ҳавваз билан боғланиб ё (йо) - يا ёки я (йа) - يه ҳарфлар бирикмасини; (ёй - ياي ёяр - ييار каби) ифодалайди.
- **Йо** ҳарфининг олдида **ا** алиф ҳарфини орттирилиб сўз бошидаги **и** ёки **э** унлиларини ёки **эй** товуш бирикмасини ҳосил қилинади; (Эз ёки из - ايز эр - اير каби)

Сўз бошида и товушини ифодалашда алиф ҳарфидан кейин ёзиладиган **йо** ҳарфи кўпинча тушиб қолади, аммо доимо талаффуз қилинади:

икром - اكرام иқрор - اقرار имкон - امكان каби

– Сўз ўртаси ва охирида келиб, й, е, я ва и товушларини ифодалайди. Бунинг учун йо ҳарфининг ўша кўринишлари ёзилаверади: девор – دیوار бедор - بیدار ёввойи - یاوايى
муяссар - میسر берди - بیردی ёзди - یازدی каби.

Сўз охирида келганида ё ҳарфи нуктасиз ёзилади ва и унлисини ёки ий товуш бирикмасини билдиради:

ойни – آینى, диний - دینی, даврий - دورى каби.

Араб тилидан ўтган : ҳатто - حتى иссо - عيسى муссо - موسى

каби сўзларнинг охирида келган йо - ى ҳарфи о деб талаффуз қилинади.

Ё ҳарфи иштирокида сўз ёзиш бўйича машқ

Ёзар деган сўзни ёзиш учун ё – ي, алиф – ا, зе – ز, яна алиф – ا ҳамда ре – ر ҳарфлари ажратиб олинади. Ё ҳарфининг сўз бошидаги, алиф ҳарфининг сўз ўртасидаги, зе ва алиф ҳарфларининг ҳам сўз ўртасидаги, ре ҳарфининг эса сўз охиридаги шакллари олинади. Уларнинг ўзаро бирикувидан қуйидагича ёзар сўзи ҳосил бўлади:

ي + ا + ز + ا + ر ← يازار

1-машқ: Ё ҳарфининг сўз бошидаги кўринишларини насх хати туридаги мисоллари:

ياز ياد يار يارور يازور ياد دور يادودور يازدور

يازار يايار اويار ياز- دو- رار بابا يار اورا دور يار

ياز دور اوراز بارادور

2-ماشق: Юқоридаги мисолларнинг настаълиқ хатидаги кўринишлари:

ياز ياد يار يارور يازور ياد دور يادودور يازدور
يازار يايار اويار ياز- دو- رار بابا يار اورا دور يار
اوراز بارادور

Вазифа: 1) Ё ҳарфининг ҳар икки хат туридаги кўринишларини беш қатордан ёзинг.

2) 1-2 машқларни дафтарингизга кўчириб ёзинг









Те ҳарфи

Те алифбодаги тўртинчи ҳарф ҳисобланади. Ўзидан олдин ва кейин келадиган ҳар иккала томонидаги ҳарфларга қўшилиб


ёзиладиган тўрт хил кўринишли, муттасил ҳарфлар қаторига киради.

Имлоси: Те ҳарфи бе ҳарфига шаклан ўхшаш бўлиб нуқталарининг сони ва ўрни билан фарқ қилади. Икки нуқтаси ҳарфнинг устига қўйилади. Те ҳарфининг барча кўринишлари сатр чизиғи устига ёзилади.

Те ҳарфининг насх ва настаълиқ ёзувидаги кўринишлари:

Кўриниши	Алоҳида	Сўз бошида	Сўз ўртасида	Сўз охирида
Насх				
Настаълиқ				

Талаффузи: Ўзбек тилидаги т товушини билдиради. Талаффузи пайтида ҳосил бўладиган товуш, тилнинг юқори олд тишларнинг тубига ушбу расмдагидек ҳолатда ёпиштирилишидан ёки ёпиштирилган учини милкдан ажралиши вақтида юзага келадиган ҳаво оқимидан пайдо бўлади.



Те ҳарфининг иккинчи кўриниши ҳам бор. Уни араблар *та марбута*, яъни *боғланган те* деб атайдилар. *Та марбута* фақат **ة** ёки **آ** шаклида ёзилади. *Та марбута* билан ёзиладиган сўзлар ўзбек тилида икки хил ўзгаришга учраган: -айрим сўзлар охиридаги та марбута та мамдудага **ت** чўзиқ ёзиладиган те ҳарфига ўзгариб кетган:

عداوة – عداوت ملة – ملت دولة – دولت

-баъзи муаннас жинсга тегишли сўзларда эса ҳойи ҳавваз ҳарфига айланиб а унлисини ифодалайди:

Масалан:

Жамила	-	جميلة	Жамилатун	-	جميلة
Ҳалима	-	حليمة	Ҳалиматун	-	حليمة
Барака	-	بركة	Баракатун	-	بركة
Мадраса	-	مدرسة	Мадрасатун	-	مدرسة
Хулоса	-	خلاصة	Хулосатун	-	خلاصة

Те ҳарфи иштирокида сўзларни ёзилиш тартибини ўрганамиз:

ت + ا + + ← تار ← تور

1-машқ: **Те** ҳарфининг сўз бошидаги кўринишининг насх ёзувидаги мисоллари:

تار تاز اتا تاتار ياتار باتار اوتار دوتار تاوار اوتاو تارازو اوتادور ياتادور

اتا اوتادور دوتار ياتادور اوتاو تاردور تارازو باردور بازار تاردور

2-ماشқ: Юқоридаги мисолларнинг настаълиқ хатидаги кўринишлари:

تار تاز اتا
تاتار ياتار باتار اوتار دوتار تاوار
اوتاو تارازو اوتادور ياتادور اتا اوتاو
دور دوتار ياتادور اوتاو تار دور تارازو
بار دور بازار تار دور

Қўлёлма ва ташқарида сурашда те харфининг шакли нуктаси кичик чизикча шаклида ҳам келиши мумкин. Бундан ташқари нукталар ёнма-ён эмас, устма-уст ҳам ёзилиши мумкин.

3-ماشқ: Те харфининг кўринишларини беш қатордан ёзиб чиқинг.

Вазифа: 1-2 машқларни дафтарингизга кўчириб ёзинг.

Нун ҳарфи

Нун алифбодаги йигирма тўққизинчи ҳарф бўлиб, ўзидан олдинги ва кейинги ҳарфларга қўшилиб ёзиладиган тўрт хил кўринишли муттасил ҳарфлар жумласига киради.

Имлоси: Нун ҳарфининг алоҳида ҳамда сўз охиридаги кўринишлари сатр чизиғидан пастга ҳамда ёнига бир ярим катак узунликда, нисбатан чуқурроқ, ярим доира шаклида ёзилади. Сўз

охиридаги шаклида олдин келган ҳарфга уланиш қисми бўлади. Устига битта нуқта қўйилади. Сўз боши ва сўз ўртасидаги кўриниш бе ҳарфининг кўринишларига ўхшайди. Устига қўйиладиган битта нуқтаси билан фарқланади.









Нун ҳарфининг настаълиқ хат туридаги сўз охиридаги кўриниши ёй шаклида бўлиб устида битта нуқтаси бўлади.

Масалан: *کاتھ ناته ناته ناته*

Баъзан нуннинг нуқтаси ҳарфнинг асосий қисмига қўшилиб ҳам кетади. Масалан: *چين*

Нун ҳарфининг насх ва настаълиқ ёзувидаги

кўринишлари:

Кўриниши	Алоҳида	Сўз бошида	Сўз ўртасида	Сўз охирида
Насх				
Настаълиқ				

Талаффузи: Ўзбек тилидаги **н** товушини билдиради. **Нун** ҳарфининг талаффузида товуш



милкка тегиб турган тил учи юзасининг расмда кўрсатилганидек милкдан ажралиш вақтида ёки милкка тегиш пайтида ҳосил бўладиган ҳаво оқимидан пайдо бўлади.

Нун ҳарфи иштирокида сўз ёзиш бўйича машқ

Норин сўзини эски ёзувда ёзиб кўрайлик. Бунинг учун керакли ҳарфларни ажратамиз, булар: ن ا ر ي ن **Нун** ҳарфини сўз бошидаги ن шаклини, алифни сўз ўртасидаги ا шаклини, рени иккала томонидан боғлана олмагани учун алоҳида ر шаклини, ёни сўз бошидаги ي шаклини, **нунни** сўз охиридаги ن шаклини олиб ҳарфларни бириктирамиз. **и** қисқа унли бўлгани сабабли, ёни ташлаб юборамиз, **ре** икки кўринишли ҳарф бўлганлиги учун **ре** нинг яқка шакли ر ни ёзамиз. Натижада қуйидагича бирикув ҳосил бўлади: ن + ا + ر + ن ← نارن

2-машқ: Нун ҳарфининг сўз бошидаги шаклини насх хати туридаги мисоллари:

ناو نار ناز انا اونار يانار تانار انار تانادور يانادور انا اوتادور

اوراز تانادور نار بابا بازار بارادور انار باردور نار ياتار

3-машқ: Юқоридаги мисолларнинг настаълиқ хатидаги кўринишлари:

ناو نار ناز انا
اونار يانار تانار انار تانادور يانادور انا اوتادور

4-машқ: Нун ҳарфининг кўринишларини беш қатордан ёзиб чиқинг.

Эски ўзбек ёзувида унлиларнинг ифодаланиши

Араб алифбосида 28 та ҳарф бўлиб, улар 25 та ундош ҳамда учта чўзиқ унли (а, и, у) товушларни ифодалаш учун хизмат қилади. Қисқа (а, и, у) унли товушларини ифодалаш учун фатҳа, касра, замма белгиларидан фойдаланилади.

1. А унлиси

а) **Алиф** ҳарфи сўз бошидаги **а** унлисини ифодалашда ишлатилади ва унинг устига *забар* ҳаракати қўйилади, ёки у бор деб билинади.

Масалан: адабиёт – **أَدَبِيَّات** адаб – **أَدَبٌ** айт – **أَيْت** адо – **أَدَا** ана-**أَنَا**

б) Сўз ўртасида келадиган **а** унлисини ифодалашда фатҳа (забар) белгиси ишлатилиши ёки *алиф* ёзилиши мумкин.

Масалан: товар - تاوار берар-بیرار адаб – آدب – آداب

в) **алиф** ҳам **ҳойи ҳавваз** ҳам сўз охирида келган **а** ни ифодалаш учун ишлатилиши мумкин.

Масалан: ота آنا ёки آنه – да **а** ўрнида иккаласи ёзилиши мумкин.

Сўз охирида, сўз ўртасида келган *Ҳойи ҳавваз*нинг фақат сўз охиридаги ёки алоҳида кўринишигина **а** товушини билдиради. *Ҳойи ҳавваз* дан сўз ўртасидаги **а** ни ифодалаш учун фойдаланилганда, албатта унинг сўз охиридаги **а** шакли ёзилади, ҳойи ҳаввазга икки кўринишли ҳарф сифатида қараб, ундан кейинги ҳарфнинг сўз бошидаги ёки алоҳида кўриниши ёзилади.

2. О унлиси

а) **Алиф** ҳарфини устига мадда белгиси қўйиш йўли билан сўз бошидаги **о** ёзилади.

Масалан: овоз – آواز овора - آوارا овоза - آوازا ота-آتا

б) Сўз ўртасидаги ва охиридаги **маддасиз алиф о** товушини билдиради. Ноз - ناز бор - بار бозор - بازار анор - انار

Масалан: Нор бобо – نار بابا боб – باب

3. У ва Ў унлилари

а) **Алиф** ва **вов** ҳарфлари биргаликда сўз бошида келиб у ва ў унлиларини ифодалайди.

Масалан: ун ёки ўн – اون, ўйнар – اوينار, узун – اوزون,
ўроз - اواراز

б) Сўз ўртасида келадиган у ва ў унлиларини ифодалашда *замма – печ* ҳаракати, баъзан эса вов ҳарфи ишлатилади.

Масалан: тутди – توپدور; тутуб – توتوب; буз – بوز; ёки بُتُّ بُتُّ

Араб ва форс тилидан ўзлашган, бир сўзда иккита у товуши бор сўзларда, биринчиси ўрнида *замма* дан, иккинчисида эса **ВОВ** ҳарфидан фойдаланилади.

Масалан: қулуб – قلوب

в) **Вов** ҳарфи билан доимо сўз охирида келган у ва ў унлиларини ифодаланилади.

Масалан: бу – بو, абу – ابو тарозу - تارازو

4. И ва Э унлиси

а) *алиф* ва ё ҳарфларининг сўз бошидаги кўринишларини кетма-кет ёзилишидан, сўз бошидаги и ва э унлиларини ҳосил бўлади.

Масалан: ит ёки эт – ایت ин ёки эн-این эритди- ايريتدى

Алиф ва ё бирикмаси билан гап бошида келадиган **эй** ёки э ундов бирикмаси ясалади.

Масалан: эй бобо – اى بابا

Арабча сўзларда сўз бошидаги **и** ни ифодалаш учун алифнинг ўзи ҳам ишлатилиши мумкин. У ҳолда алифнинг остига *зер* ҳаракати қўйилади ёки **ё** ҳарфи бор деб фараз қилинади.

Масалан: Исбот – اثبات

б) Сўз ўртасидаги **и** ва **е** товушларини ифодалаш учун *зер* ҳаракати ишлатилади, ҳаракатлар кўп ҳолларда қўйилмайди, аммо у бор деб тасаввур этилади, баъзида **ё** ҳарфининг сўз ўртасидаги кўринишидан фойдаланилади.

Масалан: бит ёки бет - بيت **ё**зиб - يازيب **ё**ниб-يانب

в) Сўз охиридаги **и** ва **й** ни ифодалаш учун доимо **ё** ҳарфи ишлатилади. Масалан: бурай - تورای **ё**раи - بورای

уйи – اويى **ё**йи – بويى, етти – يتي , тутди – توتدى

г) Сўз охирида келган **э** ни ифодалаш учун, **ё** ҳарфи ишлатилади. Масалан: тут ёе – توت يى, бе – بي Сўз олдида **бе** ҳарфи келганда кўпинча ажратиб ёзилади.

Масалан: беўрин – بي اورين

Ҳ а р а к а т л а р

Араб тилида алиф, вов ва йо ҳарфлари чўзиқ унлиларни ифодалайди. Қисқа а, и, у унлилари эса араб тилида ҳарф билан кўрсатилмаган. Шу сабабли ёзувда бу товушлар ҳарфларнинг устига ва остига қўйиладиган маълум белгилар билан ифодаланади. Бу белгилар ҳаракатлар деб аталади ва қуйидагича қўлланилади:

1. *fatḥa* (арабча) ёки *zabar* (форсча) белгиси. Бирор бир ҳарфдан кейин қисқа **а** унлисини ифодалаш учун ўша ҳарфнинг устига фатҳа белгиси қўйилади ва у а деб ўқилади.

Масалан: наво — نَوا даво - دَوا

2. *kasra* (арабча) ёки *zer* (форсча) белгиси қайси ҳарф остига қўйилса, ўша ҳарфдан кейин **и** ёки **е** товуши борлиги билинади:

Масалан: бит ёки бет — بَيت пит — پَيت

3. *zamma* (арабча) ёки *pech* (форсча) белгиси қайси ҳарф устига қўйилса, ўша ҳарфдан сўнг **у** ёки **ў** товуши борлиги билинади:

Масалан: بُت تُّت تُّپ бут, тут, туп ёки тўп каби

4. *sookun* ёки *sookin* қайси ҳарф устида бўлса, ўша ундош ҳарфнинг ўзи талаффуз қилиниб, ундан сўнг ҳеч қандай унли товуш талаффуз қилинмайди, яъни бўғин ёпиқлигини билдиради.

Масалан: تُّت تُّپ тут, туп ёки тўп дол — دال каби

5. *taashdid*. Ташдид белгиси сўз ўртасида ёнма-ён келган иккита бир хил ундош ҳарфнинг фақат бирини ёзиб, иккилантириб ўқилиши учун устига қўйилади.

Агар ташдиднинг устида забар, печ ёки сокин белгилари бўлса, иккита бир хил товуш талаффузидан кейин, ўша ҳаракатлар англатадиган товушлар талаффуз этилади.

Масалан: битта, етти, катта каби **بته** **یتی** **کته**

6 \simeq *мадда* - арабча сўз бўлиб, *узайтириши*, *чўзиши* маъноларини англатади. Мадда белгисини унли ҳарф миқдори чўзилиши лозим бўлган ўринларда қўйилади.

Сўз бошида келган алиф **o** унлисини ифодалайдиган бўлса устига албатта мадда белгиси қўйилади:

Масалан: от, ота, **آتا** **آت** ойдин – **آیدین** ортди – **آرتدی**

7. **◌◌◌** *танвин* белгиси. Ҳаракатларнинг иккилантириб нунлан- тирилиши танвин дейилади. Танвин араб тилида келишик белгиларини билдиради. Танвин уч хил бўлади:

Танвин замма: Замма ҳаракатининг қўшалок ҳолда ёзилишидан “ун” товуш бирикмасини ифодалайдиган танвин замма пайдо бўлади. Танвин замма билан тугалланган араб тилидаги исмлар бош келишикда бўлади.

Ўзбек тилида танвин замма билдирган “ун” товуш бирикмаси сукунлаштирилади ва ўқилмайди:

Бобун – **باب** боб - **باب** вовун - **واو** вов - **واو**

Танвин касра: Касра ҳаракатининг қўшалок ёзилишидан “ин” товуш бирикмасини ифодалайдиган танвин касра пайдо бўлади. “Ин” билан тугайдиган арабча сўзлар ҳам ўзбек тилида учрамайди.

Танвин фатҳа: Фатҳа ҳаракатининг қўшалок ёзилишидан “ан” товуш бирикмасини ифодалайдиган танвин фатҳа пайдо бўлади.

Танвин фатҳа сўзларнинг охирида *алиф* билан бирга ёзилади **ا** ва **ан** деб ўқилади:

خصوصاً تقريباً شخصاً مثلاً بعضاً شكلاً
اساساً تصادفاً اعتباراً تقريباً حقيقتاً ذاتاً مضموناً

8. **ا** *васла* белгиси. *алиф* устига қўйилади. Унинг вазифаси ҳақида “араб изофаси” мавзуси ўтилганда батафсил сўзланади.

УНУТМАНГ:

1. Ҳаракатлар ёзувда қўйилмаган ҳолатларда, уларни бор деб тасаввур қилиниб талаффуз қилинаверади.
2. *Маодда* ва *танвин* белгилари доимо ишлатилиши шарт.
- шунингдек ҳарфлар қаторига ҳам, ҳаракатлар қаторига ҳам қўшилмайдиган **ء** *ҳамза* деб аталувчи белги ҳам мавжуд.

5- машқ: **Pe** ва **Ze** ҳарфларининг сўз ўртасидаги ва охиридаги кўринишларининг насх хатидаги мисоллари:

بر ياز بر اتا بر انا بر بابا بر دانا باتر بز بار بز يار بز باتر بز دانا بر بر بز
اوتاو بر تارا ترازو بر دانا يازادور نار بابا اوتادور بز باروربز بر باتر بازار بارور بر
ترازو انار بار

6- машқ: Юқоридаги мисолларнинг настаблиқ хатидаги кўринишлари:

برياز برآتا برآنا بربابا بردانا باتر
بزبار بزبار بزباتر بزردانا براوتاو برتارا

7-машқ: Вов ва Дол ҳарфларининг сўз ўртаси ва охиридаги насх хатидаги кўринишларининг мисоллари.

يور ايدور بور بوز تور توز يوز نور اوتور بورار بوزار يوتار توتار يورار تورار
بويدار تويدور يوريدور اوريدور يوندور اويوندور يار بابا يورادور نور بابا بايدور بر
يوز تايدور اير بابا يوروبدور تارازو توروبدور

8-машқ: Юқоридаги мисолларнинг настаълиқ хатидаги кўринишлари:

يور ايدور
بور بوز تور توز يوز نور اوتور
بورار بوزار يوتار توتار يورار تورار
بويدار تويدور يوريدور اوريدور يوندور اويوندور
يار بابا يورادور نور بابا بايدور بر يوز تايدور
اير بابا يوروبدور تارازو توروبدور

9- машқ: Бе ҳарфининг алоҳида, сўз ўртаси ва охиридаги насх хатидаги кўринишларининг мисоллари:

اتبدور ياتبدور باريدور ياريدور يازيدور باتبدور اتبدور باريب ياريب ازيب

يازيب يانب اوياتب يوب توب اوروب اوتوب توتوب يوتوب باروب يوبارور يازيب

تورادور يوب يوبارور اورونباياتبدور توتوب

تورادور تاوار يانوب بارادور

10- машқ: Юқоридаги мисолларнинг настаълиқ хатидаги

кўринишлари:

آتبدور يانبدر
باريدور ياريدور يازيدور باتبدور آتبدور
باريب ياريب ازيب يازيب يانب اوياتب
يوب توب اوروب اوتوب توتوب يوتوب
باروب يوبارور يازيب تورا دور يوب يوبارور
اورونبا ياتبدور توتوب تورادور تاوار يانوبارور

11- машқ: Ё ҳарфининг алоҳида, сўз ўртаси ва охиридаги

наسخ ёзувидаги кўринишларининг мисоллари:

بير بانى بيز تيز تير بيرار تيرار بيرادور تيرادور يانى تار نانى بار اونى بار يونى بار

تونى بار آى باى ياي تاي اوراي توراي آى يورادى باى تورادى بورانباي اوياتدى

تايى بيرادى انارنى تيرادى اوينى اتى بوزدى

12- машқ: Юқоридаги мисолларнинг настаълиқ хат туридаги

ёзипиши:

بانى

بير

13- машқ: Те ҳарфининг сўз боши, сўз ўртаси ва охиридаги кўринишларининг насх ёзувидаги мисоллари:

ایتار بیتار ایتادور بیتادور ایتدی بنیدی ایرتیدی بیتوردی ایت بیت

بربیت باروب ایت یوروب یت آت بات یات یوت توت اویات توزات

اوی نی توزاتدی آت باروب یات دی بیردی نی اونتا اناری بار توردی بای نی

ایتوب یوباردی

14-машқ: Юқоридаги мисолларнинг настаълиқ хат туридаги ёзилиши:

ایتار بیتار
ایتادور بیتادور ایتدی بنیدی ایرتیدی بیتوردی

15-машқ: Нун ҳарфининг сўз боши, сўз ўртаси ва охиридаги кўринишларининг насх ёзувидаги мисоллари:

оينادى ايرينادى اوينار ايرينار اورينار اوتينار ايرينور اوتينور آيدين
بايدين تايدين يايدين اوندين اوزى دين تان دان بان تاوان باردان ناردان
اوتون تونى اوزون دور اوزى بارور بواون بازارى دور نان اوندين دور توردي
باي اوتون نى ياردى

16-машқ: Юқоридаги мисолларнинг настаъликдаги ёзилиши:

اوينادى ايرينادى
اوينار ايرينار اورينار اوتينار ايرينور اوتينور
ايدين تايدين يايدين اوندين اوزى دين
تان دان بان تاوان باردان ناردان اوتون
تونى اوزون دور اوزى بارور بواون بازارى دور
نان اوندين دور توردي باي اوتون نى ياردى

Вазифа: юқоридаги машқларни дафтарингизга кўчириб ёзинг.

Эски ўзбек ёзувида унлиларнинг ифодаланиши

Араб алифбосида 28 та ҳарф бўлиб, улар 25 та ундош ҳамда учта чўзиқ унли (а, и, у) товушларни ифодалаш учун хизмат қилади. Қисқа (а, и, у) унли товушларини ифодалаш учун фатҳа, касра, замма белгиларидан фойдаланилади.

1. А унлиси

а) **Алиф** ҳарфи сўз бошидаги **а** унлисини ифодалашда ишлатилади ва унинг устига *забар* ҳаракати қўйилади, ёки у бор деб билинади.

Масалан: адабиёт – *أدبيات* адаб – *أَدَبٌ* айт – *أَيْت* адо – *أدا* ана-*انا*

б) Сўз ўртасида келадиган **а** унлисини ифодалашда фатҳа (забар) белгиси ишлатилиши ёки *алиф* ёзилиши мумкин.

Масалан: товар - *توار* берар-*بیرار* адаб – *أَدَبٌ*

в) **алиф** ҳам **ҳойи** **ҳавваз** ҳам сўз охирида келган **а** ни ифодалаш учун ишлатилиши мумкин.

Масалан: ота *آنا* ёки *آنه* – да **а** ўрнида иккаласи ёзилиши мумкин.

Сўз охирида, сўз ўртасида келган *Ҳойи ҳавваз*нинг фақат сўз охиридаги ёки алоҳида кўринишигина **а** товушини билдиради. *Ҳойи ҳавваз* дан сўз ўртасидаги **а** ни ифодалаш учун фойдаланилганда, албатта унинг сўз охиридаги ⁴ шакли ёзилади,

ҳойи ҳаввазга икки кўринишли ҳарф сифатида қараб, ундан кейинги ҳарфнинг сўз бошидаги ёки алоҳида кўриниши ёзилади.

2. О унлиси

а) **Алиф** ҳарфини устига мадда белгиси қўйиш йўли билан сўз бошидаги **о** ёзилади.

Масалан: овоз – آواز овора - آوارا овоза - آوازا ота- آتا

б) Сўз ўртасидаги ва охиридаги **маддасиз алиф о** товушини билдиради. Ноз - ناز бор - بار бозор - بازار анор - انار

Масалан: Нор бобо – نار بابا боб – باب

3. У ва Ў унлилари

а) **Алиф** ва **вов** ҳарфлари биргаликда сўз бошида келиб у ва ў унлиларини ифодалайди.

Масалан: ун ёки ўн – اون, ўйнар – اوينار, узун – اوزون, ўроз - اواراز

б) Сўз ўртасида келадиган у ва ў унлиларини ифодалашда *замма – печ* ҳаракати, баъзан эса **вов** ҳарфи ишлатилади.

Масалан: тутди – تويدور; тутуб – توتوب; буз – بوز; ёки بُتْ تُتْ

Араб ва форс тилидан ўзлашган, бир сўзда иккита у товуши бор сўзларда, биринчиси ўрнида *замма* дан, иккинчисида эса **вов** ҳарфидан фойдаланилади.

Масалан: қулуб – قلوب

в) **Вов** ҳарфи билан доимо сўз охирида келган у ва ў унлиларини ифодаланилади.

Масалан: бу – بو, абу – ابو тарозу - ترازو

4. И ва Э унлиси

а) **алиф** ва **ё** ҳарфларининг сўз бошидаги кўринишларини кетма-кет ёзилишидан, сўз бошидаги **и** ва **э** унлиларини ҳосил бўлади.

Масалан: ип ёки эп – ايپ ин ёки эн - اين эритди- ايريتدى

Алиф ва **ё** бирикмаси билан гап бошида келадиган **эй** ёки **э** ундов бирикмаси ясалади.

Масалан: эй бобо – اى بابا

Арабча сўзларда сўз бошидаги **и** ни ифодалаш учун алифнинг ўзи ҳам ишлатилиши мумкин. У ҳолда алифнинг остига *зер* ҳаракати қўйилади ёки **ё** ҳарфи бор деб фараз қилинади.

Масалан: Исбот – اثبات

б) Сўз ўртасидаги **и** ва **е** товушларини ифодалаш учун *зер* ҳаракати ишлатилади, ҳаракатлар кўп ҳолларда қўйилмайди, аммо у бор деб тасаввур этилади, баъзида **ё** ҳарфининг сўз ўртасидаги кўринишидан фойдаланилади.

Масалан: бит ёки бет - بيت ёзиб - يازيب ёниб- يانب

в) Сўз охиридаги **и** ва **й** ни ифодалаш учун доимо **ё** ҳарфи ишлатилади. Масалан: бурай - بوراى турай - توراى

уйи – **اوي** бўйи – **بوي**, етти – **يتي**, тутди – **توتدى**

г) Сўз охирида келган э ни ифодалаш учун, ё ҳарфи ишлатилади. Масалан: тут йе – **توت يي**, бе – **بي** Сўз олдида бе ҳарфи келганда кўпинча ажратиб ёзилади.

Масалан: беўрин – **بي اورين**

Х а р а к а т л а р

Араб тилида алиф, вов ва йо ҳарфлари чўзиқ унлиларни ифодалайди. Қисқа а, и, у унлилари эса араб тилида ҳарф билан кўрсатилмаган. Шу сабабли ёзувда бу товушлар ҳарфларнинг устига ва остига қўйиладиган маълум белгилар билан ифодаланади. Бу белгилар ҳаракатлар деб аталади ва қуйидагича қўлланилади:

1. **ـ** *фатҳа* (арабча) ёки *забар* (форсча) белгиси Бирор бир ҳарфдан кейин а қисқа унлисини ифодаламоқчи бўлсак ўша ҳарфнинг устига қўйилади ва ўша ҳарфдан сўнг “а” товуши б

Масалан: наво – **نَوا** даво – **دَوا** пат – **پَـت**

2. **ـِ** *касра* (арабча) ёки *зер* (форсча) белгиси қайси ҳарф остига қўйилса, ўша ҳарфдан кейин и ёки е товуши борлиги билинади:

Масалан: бит ёки бет – **بِـت** пит – **پِـت**

3. **ـُ** *замма* (арабча) ёки *печ* (форсча) белгиси қайси ҳарф устига қўйилса, ўша ҳарфдан сўнг у ёки ў товуши борлиги билинади:

Масалан: **بُتُ تُتُ تِپُ** бут, тут, туп ёки тўп каби

4. **◌ْ** *суқун* ёки *соқин* қайси ҳарф устида бўлса, ўша ундош ҳарфнинг ўзи талаффуз қилиниб, ундан сўнг ҳеч қандай унли товуш талаффуз қилинмайди, яъни бўғин ёпиқлигини билдиради.

Масалан: **تُتُ تِپُ** тут, туп ёки тўп **دال** – **دال** каби

5. **◌ّ** *ташдид*. Ташдид белгиси сўз ўртасида ёнма-ён келган иккита бир хил ундош ҳарфнинг фақат бирини ёзиб, иккилантириб ўқилиши учун устига қўйилади.

Агар ташдиднинг устида забар, печ ёки соқин белгилари бўлса, иккита бир хил товуш талаффузидан кейин, ўша ҳаракатлар англатадиган товушлар талаффуз этилади.

Масалан: битта, етти, катта каби **بِتَّة** **يِتِّي** **كِتَّة**

6. **◌َ** *мадда* - арабча сўз бўлиб, *узайтириш*, *чўзиш* маъноларини англатади. Мадда белгисини унли ҳарф миқдори чўзилиши лозим бўлган ўринларда қўйилади.

Сўз бошида келган алиф **o** унлисини ифодалайдиган бўлса устига албатта мадда белгиси қўйилади:

Масалан: ой, от, ота, **آت** **آتا** ойдин – **آيدين** ортди – **آرتدى**

7. **◌ّ◌** *танвин* белгиси. Ҳаракатларнинг иккилантириб нунлан-тирилиши танвин дейилади. Танвин араб тилида келишик белгиларини билдиради. Танвин уч хил бўлади:

Танвин замма: Замма ҳаракатининг қўшалок ҳолда ёзилишидан “ун” товуш бирикмасини ифодалайдиган танвин замма пайдо бўлади. Танвин замма билан тугалланган араб тилидаги исмлар бош келишиқда бўлади.

Ўзбек тилида танвин замма билдирган “ун” товуш бирикмаси сукунлаштирилади ва ўқилмайди: **كتاب** - китабун **كتاب** - китоб

Бобун – **باب** боб - **باب** вовун - **واو** вов - **واو**

Танвин касра: Касра ҳаракатининг қўшалок ёзилишидан “ин” товуш бирикмасини ифодалайдиган танвин касра пайдо бўлади. “Ин”билан тугайдиган арабча сўзлар ҳам ўзбек тилида учрамайди.

Танвин фатҳа: Фатҳа ҳаракатининг қўшалок ёзилишидан “ан” товуш бирикмасини ифодалайдиган танвин фатҳа пайдо бўлади. Танвин фатҳа сўзларнинг охирида *алиф* билан бирга ёзилади **ا** ва **ан** деб ўқилади:

خصوصاً تقريباً شخصاً مثلاً بعضاً شكلاً

اساساً تصادفاً اعتباراً تقريباً حقيقتاً ذاتاً مضموناً

8. **ا** *васла* белгиси. *алиф* устига қўйилади. Унинг вазифаси ҳақида “араб изофаси” мавзуси ўтилганда батафсил сўзланади.

Эслатма:

1. Ҳаракатлар ёзувда қўйилмаган ҳолатларда, уларни бор деб тасаввур қилиниб талаффуз қилинаверади.
2. *Мадда* ва *танвин* белгилари доимо ишлатилиши шарт.









- шунингдек ҳарфлар қаторига ҳам, ҳаракатлар қаторига ҳам қўшилмайдиган *ء* ҳамза деб аталувчи белги ҳам мавжуд

Қоф ҳарфи


Қоф алифбодаги йигирма тўртинчи ҳарф бўлиб, ўзидан олдинги ва кейинги ҳарфларга қўшилиб ёзиладиган тўрт хил кўринишли муттасил ҳарфлар қаторига киради. Устида иккита нуқтаси бор.

Имлоси: *Қоф*нинг якка ва сўз охиридаги шакллари бошланишидаги думалоқ қисми сатр чизиғи устида ёзилиб, давоми сатр чизиғидан пастга нун шаклида тушириб ёзилади. Сўз бошида ва сўз ўртасидаги шакли сатр чизиғида ёзилади. Юқорисига икки нуқта қўйилади.

Қоф ҳарфининг насх ва настаълиқ хати туридаги кўринишлари:

Кўриниши	Алоҳида	Сўз бошида	Сўз ўртасида	Сўз охирида
Насх				
Настаълиқ				

Талаффузи: Ўзбек тилидаги **Қ** товушини ифодалайди. *Қоф* ҳарфи талаффузида ҳосил бўладиган товуш, тилнинг тубини танглай охирига тегишидан ёки тегиб турган тилнинг тубини танглайдан ажратиш вақтидаги ҳаво оқимидан ҳосил бўлади. Талаффуз пайтида тилнинг ҳолати юқоридаги расмдагидек бўлиши керак.



1-машқ: **Қоф** ҳарфи иштирокида сўзлар ёзишни ўрганинг:

Яқин деган сўзни ёзиб кўрайлик. Бунинг учун **ё** ҳарфининг сўз бошидаги шакли, **алиф**нинг сўз ўртасидаги шакли, кейинги **қоф** ҳарфининг сўз ўртасидаги шакли, кейинги **ё** ҳарфининг сўз ўртасидаги шакли, **нун** ҳарфининг эса сўз охиридаги шакларини оламиз. Сўз бошидаги **я** қисқа унли бўлганлиги учун алифни ташлаб юборамиз, натижада қуйидагича бирикув ҳосил бўлади.

ي + ا + ق + ي + ن ← يقين

Қуйидаги ҳарфларни ўзаро бириктириб сўзлар ҳосил қилинг:

آي ق ي ز ق و ن د و ز اورت اق ق و و ن ا ق

2-машқ: **Қоф** ҳарфининг кўринишларини беш қатордан ёзинг.

3-машқ: **Қоф** ҳарфининг насх хати туридаги қуйидаги

жумлаларни ўқинг ва ёзинг:

قارى قاقى باقى تاقي قارىن توقوز يوقدور ايقان اتقان يوتقوز توتقوز
 اوتقوز ياتقوز ايق قايق آرىق يارىق يازىق آرتق تارتق آق اوراق قوراق
 توزاق بوقاق اورتاق قوناق اوتون قوروق دور آي ياروق دور قارى يوقدور
 قارىن توقدور آرتق اوقويدور قوناق قوروق دور تاقي آق دور

4-машқ: Юқоридаги мисолларнинг настаълик ёзувидагидаги
 қуйидаги кўринишларини ўқинг ва кўчириб ёзинг:

قارى قاقى باقى تاقي قارىن توقوز يوقدور
 ايقان اتقان يوتقوز اوتقوز ياتقوز
 ايق قايق آرىق يارىق يازىق آرتق تارتق
 آق اوراق قوراق توزاق بوقاق اورتاق قوناق
 اوتون قوروق دور آي ياروق دور قارى
 يوقدور قارىن توقدور آرتق اوقويدور قوناق
 قوروق دور تاقي آق دور

Вазифа: Қоф ҳарфининг кўринишларини беш қатордан
 ҳамда 3 ва 4- машқларни кўчириб ёзинг.

Жим ҳарфи


Жим алифбодаги олтинчи ҳарф бўлиб, ҳар икки томонидан келадиган ҳарфларга қўшилиб ёзиладиган тўрт хил кўринишли муттасил ҳарфлар қаторига киради.

Имлоси: **Жим** ҳарфи шаклан икки қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисми сатр чизиғи устига, иккинчи қисми эса сатр чизиғи остига ярим ой шаклида тушириб ёзилади. Ҳарф тагига бир нуқта қўйилади. **Жим** шаклидаги ҳарфларнинг алоҳида ва сўз охиридаги шакллари сатр чизиғи устида бошланиб, сатр чизиғи остида тугайди. Сўз бошидаги ва сўз ўртасидаги кўринишлари эса сатр чизиғи устида ёзилиб, битта нуқтаси сатр остига қўйилади.

Жим ҳарфининг насх ва настаълиқ хатидаги кўринишлари:

Кўриниши	Алоҳида	Сўз бошида	Сўз ўртасида	Сўз охирида
Насх				
Настаълиқ				

Талаффузи: Ўзбек тилидаги *жўра*, *жун* сўзларидаги **ж** товушини билдиради. **Жим** ҳарфининг талаффузида тилнинг ҳолати



расмдагидек бўлиши керак. Бу ҳарф талаффузида товуш тилнинг ўртасини рўпарасидаги танглайга тегишидан ёки танглайдан ажралиш вақтида ҳосил бўладиган ҳаво оқимидан пайдо бўлади.

Сўзларни ёзиш бўйича машқ

Жим ҳарфи иштирокидаги **тождор** сўзини ёзиш учун те, алиф, жим, дол, алиф ва ре ҳарфлари керак бўлади. Бунинг учун те ҳарфининг сўз бошидаги, алиф, жим, дол ва алиф ҳарфларининг сўз ўртасидаги, ре ҳарфининг эса сўз охиридаги шаклини оламиз. Ҳарфларнинг ўзаро қуйидагича бирикувидан **тождор** сўзи ҳосил бўлади:

ت + ا + ج + د + ا + ر ← ت + ا + ج + د + ا + ر ← تاجدار

1-машқ: **Жим** ҳарфининг насх хати туридаги мисолларини ўқинг ва кўчириб ёзинг:

جان جاي جور جانان جاندار جائز جاني بار جونادي ايجان بايجان باقيجان

بيجان انديجان قاريجان برنج تورنج نارنج رايج آرنج برنج بار باج تاج

رواج باقيجان بازار جونادي قوزي بای قوندوز بيردي آرتق ني رواجي بار

بو جانان توقوز تين دور

2-машқ: Юқоридаги мисолларнинг настаълиқда ёзилиши:









جان جاي جور
جانان جاندار تاجدار جائز جاني بار جونادي
ايجان بايجان باقيجان بيجان انديجان قاريجان

Чим ҳарфи


Чим ҳарфи алифбодаги еттинчи ҳарф ҳисобланади. У ўзидан олдинги ва кейинги ҳарфларга қўшилиб ёзиладиган тўрт хил кўринишли муттасил ҳарфлар қаторига киради. Соф ўзбекча ва тожикча сўзлардагина ишлатилади. Араб ёзувига форслар томонидан кейин киритилган.

Имлоси: Ёзилиши ва кўринишлари **жим** ҳарфи билан билан бир хил бўлиб остига учта нуқта қўйилади.

Чим ҳарфининг насх ва настаълиқ хатидаги кўринишлари қуйидагича:

Кўриниши	Алоҳида	Сўз бошида	Сўз ўртасида	Сўз охирида
Насх				
Настаълиқ				

Талаффузи: Бу харф бизнинг ўзбек тилимиздаги **ч** товушини ифодалайди ва **жим** ҳарфидан бир оз пастдан талаффуз қилинади. Талаффуз пайтида тилнинг расмдагидек бўлишига эътибор қилинг.



Эски ўзбек имлосида **чим** ҳарфи жуда кам қўлланилган. Унинг ўрнига асосан **жим** ҳарфидан фойдаланиб мазмунга қараб **ч** деб ўқиладиган.

Чим ҳарфи иштирокида сўзлар ёзишни машқ қиламиз

ا + و + ر + ا + ق + چ + ي ← اوراقچى

1-машқ: Чим ҳарфининг насх хати туридаги куйидаги

мисолларини ўқинг ва дафтарингизга кўчириб ёзинг:

چاي چوري چو قور چوتور قاچدي آچدي چاچدي آچادور اوراقچي

قاراقچي توزاقچي بوزاقچي ايچيچي تينچينچ چاي ايچ تون بي

چ قاچ قداقچي جاناني توزاتدي اوزاقچي قوناقني اوردى باقيجان تون

بيچيب بيردي

2-машқ: Юқоридаги мисолларнинг настаъликда ёзилиши.

چاي چورى چوقور
 چوتور قاچدى آچدى چاچدى آچادور
 اورقچى قاراچى نوزا- قچى بوزا- قچى
 چ قاچ قداقچى جانانى توزاتدى اوزاقچى قوناقنى اوردى باقيجان تون بيچيب بيردى

- Вазифа:** 1) **Чим** ҳарфининг кўринишларини 5 қатордан ёзинг.
- 2) **Чим** ҳарфи иштирокида йигирмата сўз ясанг.
- 3) 1-, 2- машқларни кўчириб ёзинг.

Ғайн ҳарфи

Ғайн ҳарфи алифбодаги йигирма иккинчи ҳарф бўлиб, ўнг ва чап томонидан келган ҳарфларга қўшилиб ёзиладиган тўрт хил кўринишли муттасил ҳарфлар қаторига киради.


Имлоси: **Ғайн** ҳарфининг алоҳида ва сўз охиридаги шакллари сатр чизиғи устидаги қисми чуқурроқ ярим ой шаклида бошланади. Унинг иккинчи қисми сатр чизиғидан пастга икки катак баландлигида янги ойсимон ҳолда ёзилади ва устига битта нуқта қўйилади. Сўз бошидаги ва ўртасидаги шакллари сатр чизиғида ёзилади.

Ғайн ҳарфининг насх ва настаълиқ хати туридаги

кўринишлари:

Кўриниш	Алоҳида	Сўз бошида	Сўз ўртасида	Сўз охирида

Талаффузи: Бу ҳарф ўзбек тилида ғ товушига мос келади. Талаффуз вақтида ҳосил бўладиган товушни халқумнинг аввалидан қисилиброқ чиқадиган ҳаво оқими ҳосил қилади. Талаффуз вақтида тилнинг ҳолати ушбу расмда кўрсатилганидай бўлиши керак.



Эски ўзбек тилида ҳозир қ ҳарфи билан ёзиладиган сўзлар ғ деб талаффуз қилинган ва ёзилган.

Масалан: аччиғ(қ) – اچيغ балиғ(қ) – بليغ қаттиғ(қ) – قتيغ

Ғайн ҳарфи иштирокида сўз ёзишни машқ қиламиз:

چ + ғ + ل + ز + ل + ق ← چغاناق

1-машқ: Қуйидаги ҳарфларни қўшиб сўз ясанг:

غ ا ي ر ا ت ت ا غ غ ا ز

2-машқ: Ғайн ҳарфининг насх хати туридаги қуйидаги

сўзларни ўқинг ва дафтарингизга кўчириб ёзинг:

غار غاز غاو نوغاي تاغاي ايرغاي قاراغاي اوغور چغاناق اويغاق تاغاق

اويغات اويغاندى ياريغ چاريغ آريغ تاريغ اوچاو ياريغ دور تاغ ياغ باغ

داغ باغ اوزاق دور آريغ چوقردور آتا اويغاق دور قاراغاي اوزون دور

قارى اويغاق دور قوزى آريغ دور

3-машқ: Юқоридаги мисолларнинг настаъликдаги ёзилиши:

غار غاز غاو
نوغاي تاغاي ايرغاي قاراغاي اوغور
چغاناق اويغاق تاغايغاق اويغات اويغاندى
ياريغ چاريغ آريغ تاريغ اوچاو ياريغ دور
تاغ ياغ باغ داغ باغ اوزاق دور آريغ
چوقردور دور آتا اويغاق دور
قاراغاي اوزون دور قارى اويغاق دور قوزى آريغ

Вазифа: Ғайн ҳарфининг кўринишларини беш қатордан ёзинг.

2-3 машқларни дафтарингизга кўчиринг

Мим ҳарфи









Мим ҳарфи алифбодаги йигирма саккизинчи ҳарф бўлиб, ўзидан олдинги ўнг ва кейинги чап томондаги ҳарфларга қўшилиб ёзиладиган тўрт хил кўринишли муттасил ҳарфлар қаторига киради.

Имлоси: Мимнинг думалоқ қисми сиёҳ билан чапланмасдан митти доирача шаклида сатр чизиғи устидан бошланади ва давоми сатр чизиғидан пастга уч катакка тушириб ёзилади.


Тошбосма ва ёзма нусхаларда мимнинг думалоқ қисми сиёҳ билан чапланиб, катта нуқта ҳосил қилинган ҳолда ифодаланади. Бу ҳарфнинг сўз бошидаги ва ўртасидаги шакллари эса сатр устида ёзилади.

Мим ҳарфининг насх ва настаълиқ хати ёзувидаги

кўринишлари:

Кўриниши	Алоҳида	Сўз бошида	Сўз ўртасида	Сўз охирида
Насх				
Настаълиқ				

Талаффузи: Бу ҳарф тилимиздаги м товушини билдиради. “Мим” ҳарфини талаффуз қилганда



тилнинг ҳолати ушбу расмдагидек бўлиши керак. Яъни, бир-бирига ёпишиб турган икки лабнинг ажралишидан, ёки икки лабнинг бир-бирига ёпишишидан бўладиган талаффузда бу товуш ҳосил бўлади

Мим ҳарфи иштирокида сўз ёзишни машқ қиламиз

آ + م + ل + چ ← آماج

1-машқ: Қуйидаги ҳарфларни қўшиб сўз ясанг:

ب ي م ا ر م ا ي م و ن

اوزب ي ك ي ا ز د ي م ب ا غ ي م د ي ن

2-машқ: Қуйидаги сўзларни ўқинг ва дафтарингизга кўчириб ёзинг:

ماي آماج مازار أمبار مينا ميرزا اورماق يورماق تورماق ايمدي ايمادي تيمور

جيمتور اجمادي جيميور جانيم قانيم جاييم باغم جاجم نانم ايم جاييم

اورتاغم انام انام بابام تاغام بادام توردوم اوزوم يوردوم آماج اوزون دور

بوزاق ايمادور اورتاغم تورادور بابام بادام بيرادور ميرزا جيمتورادي تاغام جاييني

ايچ مادي باغيمدين اوتوب بارديم

4-машқ: Юқоридаги мисолларнинг настаълиқ хат туридаги

ёзилиши

ماي آماج مازار
امبار مينا ميرزا اورماق يورماق تورماق
ايمدي ايمادي تيمور جيمتور اجمادي جيميور

Вазифа: Мим ҳарфининг кўринишларини беш қатордан ёзинг.

2-3 машқларни дафтарингизга кўчиринг

Коф ҳарфи

Коф ҳарфи алифбодаги йигирма бешинчи ҳарф ҳисобланади. Ўзидан олдин – ўнг ва кейин – чап томонидан келадиган ҳарфларга қўшилиб ёзиладиган тўрт хил кўринишли муттасил ҳарфлар қаторига киради.


Имлоси: **Коф** ҳарфи сатр чизиғида ёзилади. Алоҳида ва сўз охиридаги шакли юқоридан пастга сатр чизиғигача туширилиб чапга бир ярим катакка давом эттирилиб ёзилади. Алоҳида ва ўзидан олдинги ҳарфга қўшилгандаги шакли икки хил ёзилиши мумкин.

Коф ҳарфининг насх ва настаълиқ хати туридаги

кўринишлари:

Кўриниши	Алоҳида	Сўз бошида	Сўз ўртасида	Сўз охирида
Насх				
Настаълиқ				

Талаффузи: Бу ҳарф тилимиздаги **К** товушини ифодалайди. Коф ҳарфи талаффуз қилинганида тилнинг ҳолати ушбу расмдагидек бўлиши керак. Тил тубининг бир оз қуйи қисмини юқорисидаги танглайга тегишидан чиқадиган ҳаво оқими **к** товушини ҳосил қилади.



Коф ҳарфи иштирокида сўз ёзишни машқ қиламиз

ك + و + ر + د + ي ← كوردى

1-машқ: Қуйидаги ҳарфларни қўшиб сўз ясанг:

ك ا ر و ا ن م ا ك ت ا ب

2-машқ: Насх хатидаги қуйидаги сўзларни ўқинг ва дафтарингизга кўчириб ёзинг.

کور کوز کوب کون کوچ کوردی کیردی کیتدی کاروان ایکیدی چیکدی
تیکیدی تیکدور تیریکدور ایک بیک تیک تاجک چریک یریک تریک تاک ناک
حاک اوروک اوتوک اوزوک توزوک بوغداي ایکیدی کاروان کوبدور بادام
یریکدور باغبان ناکنی تیردی بو جای توزوکدور قورباننی کوزی کوکدور

3-машқ: Юқоридаги мисолларнинг настаълиқ хатидаги ёзилиши:

کور کوز کوب
کون کوچ کوردی کیردی کیتدی کاروان
ایکیدی چیکدی تیکدی تیکدور تیریکدور
ایک بیک تیک تاجک چریک یریک تریک
تاک ناک چاک اوروک اوتوک اوزوک توزوک
بوغداي ایکیدی کاروان کوبدور بادام یریکدور
باغبان ناکنی تیردی بو جای توزوکدور قورباننی کوزی کوکدور

Вазифа: Коф ҳарфининг кўринишларини беш қатордан ёзинг.









2- ва 3- машқларни кўчириб ёзинг.

Лом ҳарфи


Лом ҳарфи алифбодаги йигирма еттинчи ҳарф ҳисобланади. Ёзувда ўзидан олдин – ўнг ва кейинги чап тарафидан келадиган ҳарфларга қўшилиб ёзиладиган тўрт хил кўринишли муттасил ҳарфлар қаторига киради.

Имлоси: **Лом** ҳарфи икки унсурли бўлиб биринчи унсур сатр устига **алиф** ҳарфидек чизилади . Иккинчи унсур худди **нун** ҳарфи сингари сатр чизиғи остига туширилади. **Лом** ҳарфининг якка ҳолати ҳамда сўз охиридаги кўриниши сатр чизиғидан пастга тушириб ёзилади. Сўз бошидаги ва сўз ўртасидаги кўринишлари сатр чизиғи устида бўлади.

Лом ҳарфининг насх ва настаълиқ ёзувидаги кўринишлари:

Кўриниши	Алоҳида	Сўз бошида	Сўз ўртасида	Сўз охирида
Насх				
Настаълиқ				

Талаффузи: Тилимиздаги **л** товушини билдиради. Бу ҳарф ифодалаган товуш, талаффуз пайтида тилнинг олдини юқори тишларнинг милкига ёпишишидан ёки ундан ажралиш вақтида ҳосил бўладиган ҳаво оқимидан пайдо бўлади.



Лом ҳарфини талаффуз этаётганда тилнинг ҳолати ушбу расмдагидек бўлиши керак:

Лом ҳарфи иштирокида сўз ёзишни машқ қиламиз

كاكل ← ل + ك + ل + ك

1-машқ: Қуйидаги ҳарфлардан фойдаланиб сўзлар ясанг:

م ا ق ب و ل ق و ز ي ل ا ر ل ا ي ل ا ك

2-машқ: Лом ҳарфининг насх хати туридаги мисолларини

ўқинг ва дафтарингизга кўчириб ёзинг:

لوم اوج بولدي تولدي يولدي اولدي اوزولدي بيلدي يلديم كيلديم اجيلدي

جاجلدي يقيلدي قايل قابل قاتل مايل كابل كاكل ناقل كيل بيل لاي لاک لام

اولان جولاق قولاق اولاق آل جال مال تال قال اورال قورال يوتال قابل بازاردين

كىلدى كامىل مکتبىدىن كىلدى باقى بىلىب كىتىدى باقى نى كاكلى اوزولدى بابام

كونكلى تولدى اوزومنى يولدى اكامنى

3-ماشق: Юқоридаги мисолларнинг настаълиқдаги ёзилиши.

لوم لوج بولدى تولدى يولدى اولدى اوزولدى
بىلدى بىلدىم كىلدىم اچىلدى چاچىلدى يقىلدى
قائل قابل قاتل مائل كابل كاكل ناقل كىل بىل
لاى لاک لام اولان جولاق قولاق اولاق
آل چال مال مال قال اورال قورال يومال
قائل بازار دىن كىلدى كامىل مکتب دىن كىلدى
باقى بىلىب كىتىدى باقى نى كاكلى اوزولدى
بابام اوزومنى يولدى اكامنى كونكلى تولدى

Вазифа: Лом ҳарфининг кўринишларини беш қатордан ёзинг.

2- ва 3- машқларни кўчириб ёзинг.

Қуйидагиларни араб ёзувига ўғиринг:

Болалар чаманзордан лола тердилар. Далада лайлак бола очди. Лобар ва Аброр айикни кўрди.

Айн ҳарфи

Айн ҳарфи алифбодаги йигирма биринчи ҳарф ҳисобланади. Ўзидан олдин – ўнг ва кейин – чап томонидан келадиган ҳарфларга қўшилиб ёзиладиган тўрт хил кўринишли муттасил ҳарфлар қаторига киради

Имлоси: **Айн** ҳарфининг ёзилиши **ғайн** ҳарфи билан бир хил бўлиб, юқорисида нуқтаси йўқлиги билан фарқ қилади. Алоҳида ва сўз охиридаги шакллари сатр чизиғи устидан бошланиб, сатр чизиғидан пастга тушириб ёзилади. Сўз бошидаги ва ўртасидаги шакллари эса сатр чизиғи устида ёзилади.


Фақат араб тили орқали кириб келган сўзлардагина учрайди ва ёзилишда қандоқ бўлса ўзбек тилида ҳам ўшандай ёзилади. **Аъ, еъ, иъ, уъ, эъ** товуш бирикмаларини ифодалашга ҳам хизмат қилади.

Айн ҳарфининг насх ва настаълиқ хати туридаги

кўринишлари куйидагича:

Кўриниш	Алоҳида	Сўз бошида	Сўз ўртасида	Сўз охирида
Насх				
Иқ				

Талаффузи: Бу ҳарф араб тилидан тилимизга кириб қолган сўзлардагина ишлатилгани учун, у ифода этадиган товуш ўзбек тилида йўқ. **Айн** араб тилидаги ўта қийин, портловчи бўғиз товушидир. **Айн** ни талаффуз қилиш учун ҳалқум мушакларини ҳаво йўлини беркитиб қўядиган даражада қаттиқ қисиб бирдан қўйиб юборилади. Чуқур ҳалқум деворлари бири-бирига тегади ва ўпкадан келаётган ҳаво шу ердан қисилиб сирпаниб ўтади. Рус тилидаги ы товуши уни қисман ифодалайди. Бунда тилнинг ҳолати ушбу расмдагидек бўлиши керак.



Айн ҳарфини **ҳамза** каби талаффуз этилса, маъно ўзгариб кетади. Бу ҳарфларнинг талаффузида тилларнинг мана бу расмлардагидек бўлишига



эришинг. Араб тилида қисқа унлилар ҳарф билан ифода этилмасдан маълум бир белгилар, ҳаракатлар билан кўрсатилади. Ўзбек тилида унинг қандай талаффуз қилиниши қайси ҳарф ёки ҳаракат билан ёнма-ён келганлигига қараб аниқланади. У эски ёзувда фақат белги сифатида ишлатилади. **Айн** билан бошланган сўзларда, **айн**дан кейин қайси қисқа унли келган бўлса, сўз ўша унли билан талаффуз қилинади. Масалан: **айн** ҳарфи араб тили

орқали кириб келган ва тилимизга ўзлашиб кетган айрим сўзларни бошида “а”товуши сифатида талаффуз қилинади ва ёзилади:

аҳд - عقد анқо - عنقا араб – عرب адад – عدد

Баъзи бир сўзларда эса **и** унли товушини англантиб келади:

Ибрат - عبرت илм - علم иморат - عمارت ишқ - عشق

Айрим сўзларда у ёки ў товушларини ифодалайди:

ушр - عشر убайд - عبید умр - عمر

Айндан кейин чўзиқ унли **алиф** келса ҳар доим **о** деб талаффуз қилинади:

олим - عالم одат – عادت обид - عابد олий – عالی

Сўз бошидаги алифдан кейин **айн** ҳарфи келса у ҳозирги ёзувимиздаги айириш белгиси (ъ) ни ифодалайди:

эътиқод – اعتقاد эълон - اعلان аъло - اعلا эътибор - اعتبار

эътироз - اعتراض аъзам – اعظم аълам - اعلم

Сўз ичида **а** ва **и** унлисидан кейин келган **айн** ҳам айириш белгиси (ъ) ни ифодалайди.

Неъмат - نعمت маърифат - معرفت маъқул - معقول

маълум - معلوم меъмор - معمار

Баъзи бир сўзларда айн ҳарфи **ҳ** товушини ифодалайди.

عيد – ҳайит (ъийд) عصا – ҳасса (ъасо)

Сўз таркибида ёпиқ бўғиндан кейин келган **айн** ҳарфи кейинги бўғинни олдингисидан ажратади ва бу ҳолда ҳам айриш белгиси (ъ) билан ифодаланилади:

бидъат-بدعت суръат-سرعت санъат-صنعت хилъат-

خلعت

Сўз охирида келган **айн** ҳарфи эса талаффуз қилинмайди:

ман-منع Жам-جمع шам-شمع жоме-جامع тобе-تابع

Айн ҳарфи иштирокида сўз ёзишни машқ қиламиз

ع + ل + ا + م ← عالم

1-машқ: Насх хати ёзувида **айн** ҳарфининг мисолларини ўқинг ва дафтарингизга ёзинг:

عابد عالم عاقل عامل اعتبار اعتقاد اعتماد معمار معجون معمور نعمت

نعت انعام معبود مانع فانع واقع راجع مایع لامع راکع شایع جوع

رجوع مجموع مرفوع عالم انعام ني الوب کیلدي عاقل اوقوماق اوچون

باردي ذاکر عامل ايکاووي مکتب دين کیلدي لار عابد نماز اوқوب بولدي

عمر توزوك ملا بولدي

2-машқ: Юқоридаги машқнинг қуйидаги настаълик хат туридаги мисолларини ўқинг ва ёзинг.

عابد عالم عاقل عامل اعتبار اعتقاد اعتماد

معمار معجون معمور نعمت نعت انعام معبود

Вазифа: Айн ҳарфининг кўринишларини беш қатордан ёзинг.

Айн ҳарфи қатнашган сўзлардан йигирмата топиб ёзинг.

1- ва 2- машқларни кўчириб ёзинг.

Шин ҳарфи

Шин ҳарфи алифбодаги ўн олтинчи ҳарф. Ўзидан олдинги–ўнг ва кейинги – чап томонидан келадиган ҳарфларга қўшилиб ёзиладиган тўрт хил кўринишли муттасил ҳарфлар қаторига киради.


Имлоси: **Шин** ундошининг сўз бошида ва сўз ўртасидаги кўринишлари сатр устида ёзилади. Унинг алоҳида сўз бошидаги кўринишлари сатр устида бошланиб, биринчи қисми икки тишли қилиб ёзилади, иккинчи қисми эса **нун** ҳарфи шаклида сатр остига туширилади. Тишли қисмининг устига учта нуқта қўйилади.

Шин ҳарфининг насх ва настаълиқ хати туридаги

кўринишлари қуйидагича

Кўриниши	Алоҳида	Сўз бошида	Сўз ўртасида	Сўз охирида
Насх				
Настаълиқ				

Талаффузи: Бу ҳарф бизнинг тилимиздаги **ш** товушини ифодалайди. Тилнинг ўртасини ўзининг рўпарасидаги танглайга яқинлашишида ҳосил этилган тор тирқишдан ўтадиган ҳаво оқимидан **ш** товуши пайдо бўлади. Талаффуз пайтида тилнинг ҳолати расмдагидек бўлиши керак.



Шин ҳарфи иштирокида сўз ёзишни машқ қиламиз

ب + ي + ش + ي + ك ← بيشيك

Қўлёзма асарларда устига кўйиладиган учта нуқта бирлаштирилиб ^ шаклда ҳам қўлланилади; **Шин** ҳарфининг сатр устида ёзиладиган бир қисми настаълиқ хатидан (иккита тиш) баъзида бирлаштириб, тўғри чизиқ шаклида ҳам ёзилади:

Бир сўзда иккита **шин** келса бирини тишсиз иккинчисини тишли қилиб ёзилади;

Шин ҳарфи сўз охирида кўпинча бир томондан қўшилиб ёзилувчи ҳарфлардан кейин келганда ҳарф устига миндириб ёзилади:

باش

Қуйидаги сўзларни кирилл ёзувида кўчиринг:

شاه شاخ آتش حشرات

1-машқ: Насх хати ёзувидаги **шин** ҳарфининг ушбу

мисолларини ўқинг ва дафтарингизга ёзинг:

شاكر شالى شال شولكون اوشبو توشدى ايشدى يشىدى ايشيتدى

ايشيتوب بيشيك باش باقش ياقش آقش ياتش باتش آش باش اتش

ياش قاش ماش شاكر آش الوب كىلدى غلام شول كون جونادى عالم

اوشبو كون ايشيتوب كيتدى شكورباى ماشنى بريب يوباردى كامل اشيكنى

آچدى

2-машқ: 1- машқнинг настаълиқ хат турида ёзилиши:

شاكر شالى شال شوكون اوشبو نوشد
ايشدى يشدى ايشيدى ايشتوب بيشك
ايش قيش قيش قيش قيش قيش
ايش ايش قيش قيش قيش قيش
شاكر ايش آتوب كيدى علام شول كون
جونادى عالم اوشبو كون ايشتوب كيدى
شكورابى ماشنى بريب يوباردى كامل ايشكىنى اچدى

Вазифа: Шин ҳарфининг кўринишларини беш қатордан ёзинг.

Шин ҳарфи қатнашган сўзлардан йигирмата мисол ёзинг.

1 – ва 2 – машқларни кўчириб ёзинг.









Син ҳарфи

Син ҳарфи алифбодаги ўн бешинчи ҳарф. Шин ҳарфига ўхшаш бўлиб, ўзидан олдин ўнг ва кейин чап томондан келадиган ҳарфларга боғланади. Ундан устига қўйиладиган учта нуқтаси йўқлиги билан фарқ қилади. Тўрт хил ёзилиш шаклига эга бўлиб муттасил ҳарфлар қаторига киради.


Имлоси: Шин ҳарфи билан бир хил ёзилади. Устида учта нуқта бўлмайди. Шин ҳарфига хос хусусиятлар кўп жиҳатдан синга ҳам тегишлидир. Айрим ҳаттотлар настаълиқ ёзувида қоғоздаги бўшлиқни тўлдириш ва ёзувни чиройли бўлишини назарда тутиб, сўзлардаги ҳарфларни бир-бирига қўшилиш



чизиғини атай чўзиб ёзадилар. Бунда син ҳарфининг сўз ўртасидаги шакли ҳосил бўлади.

Син ҳарфининг насх ва настаълиқ хати туридаги кўринишлари

Кўриниши	Алоҳида	Сўз бошида	Сўз ўртасида	Сўз охирида
Насх				
Настаълиқ				

Талаффузи: Бу ҳарф ўзбек тилидаги с товушини билдиради. Син ҳарфини талаффуз қилинганида ҳосил бўладиган товуш тилнинг ҳолати ушбу расмда кўрсатилганидек тилнинг олд тарафи ва икки жағнинг бир оз очилиши билан юқори ва паст олд тишлари оралиғидан чиқади.



Масалан: ҳижрон –  Жамъ – 

каби. Аммо буни **син** деб ўқимаслик керак.

Қўлёзма ва тошбосма асарларда **син** ҳарфи **шин** ҳарфи билан бир хил хусусиятларга эга бўлиши билан бирга қўлёзма китобларда баъзан қайси ўринларда келишидан қатъий назар

остига уч нукта қўйилган холда ҳам ёзилади. Аммо **син** ҳарфининг тагига қўйилган уч нуктага қараб, уни **пе** ҳарфи билан алмаштириб юбормаслик лозим. Хусн – **حسین**

Син ҳарфи иштирокида сўз ёзишни машқ қиламиз

آ + س + م + ل + ن ← آسمان

1-машқ: Насх хати ёзувидаги **син** ҳарфининг қуйидаги мисолларини ўқинг ва дафтарингизга ёзинг.

سامان اسان سوک سوت سوپوق سزنی آلسام ساتسام يوقاتسام کورسام
 قورقسام باغستان مس اولمس بولمس قوتولمس قرقمس کيسدی ناس لاس ماس
 قياس سوکنی تریقدين قيلور بو کتابدين اوقوماق آساندور کيم اقوماس ناداندور
 آتام نی کورسام ایتامن بول سوزوم انیق راستدور

2-машқ: Юқоридаги мисолларнинг настаълиқдаги ёзилишини ўрганинг:

سامان اسان سوک سوت سوپوق سزنی
 آتام ساتسام يوقاتسام کورسام قوتام عيتامن
 مس اولمس بولمس قوتولمس قرقمس کيسدی
 ناس لاس ماس بیتاس سوکنی تریقدين قيلور
 بو کتابدين اوقومان آساندور کيم اقوماس نادان دور
 آتام نی کورسام ایتامن بول سوزوم انیق راستدور

Вазифа: Син ҳарфининг кўринишларини беш қатордан ёзинг.









1 – ва 2 – машқларни кўчириб ёзинг.

Фе ҳарфи.


Фе ҳарфи алифбодаги йигирма учинчи ҳарф ҳисобланади. Ўздан олдин ўнг ва кейин чап томонидан келадиган ҳарфлар билан қўшилиб ёзиладиган муттасил ҳарфлар жумласидан бўлиб тўрт хил кўринишга эга.

Имлоси: Шаклан **қоф** ҳарфига ўхшашроқ бўлиб барча кўринишлари сатр устида жойлашади. **Фе** ҳарфининг устида битта нуқтаси бўлади. Думалоқ қисми ёзилганидан кейин, бу қисмга **бе** ҳарфининг алоҳида шакли сатр чизиғи бўйлаб алиф узунлиги баробарида уланиб ёзилади. Тўрттала кўриниши ҳам сатр чизиғи устида ёзилади.

Фе ҳарфининг насх ва настаълиқ ёзувидаги кўринишлари қуйидагича:

Кўриниш	Алоҳида	Сўз бошида	Сўз ўртасида	Сўз охирида
Насх				
Настаълиқ				

Талаффузи: Бу харф тилимиздаги **ф** товушини англатади. Эски ўзбек ёзуви ёдгорликларида **п** товушини ифодалашда **фе** ҳарфидан фойдаланилган. **Фе** ҳарфини талаффуз қилганда тилнинг ҳолати расмдагидек бўлиб, товуш пастки лабнинг юқори олд тишларга тегишидан ёки лабнинг юқори олд тишлардан ажралишидан ҳосил бўладиган ҳаво оқимидан пайдо бўлади.



Қўлёзма ва тошбосма асарларда **фе** ҳарфининг сўз ўртасидаги шакли **ғайн** ҳарфининг сўз ўртасидаги шаклига ўхшатиб ёзилган. Уларнинг ўзаро фарқларини сўзнинг мазмунидан аниқлаш мумкин.

Фе ҳарфи иштирокида сўз ёзишни машқ қиламиз

ا + ي + ف + ل + ر ← ايفار

1-машқ: Насх хати ёзувида **фе** ҳарфининг мисолларини ўқинг ва дафтарингизга ёзинг.

فال فاي فاك فوچ تافدي يافدي فيشدي چفان شفا ئاشفز تاشفولاد ايف

قاف تاف شاف ساف ياف غلاف آشفز آشني ايف شريف سيف تيف واقف

تاشفولاد توزوك اوقودي شريف بريوز قاف آلدي شاكر فنارني فيشوردي

ياقدي

2-машқ: Юқоридаги мисолларнинг настаълиқдаги

ёзилишини ўрганинг:

قال فامى فاك فوچ فافدى يافدى فيشدى
چفار ايفار چفان پيفال شفا اشفر ماشفولاد
ايف ايف شريف سيف تيف واقف
قان تان شاف سان يان علاف
اشفر اشنى فيشوردى ماشفولاد توزوك اووود
شريف بريوز قان الدى شاكرفنار نى ياقدى

Вазифа: Фе ҳарфининг кўринишларини беш қатордан ёзинг.

1 – ва 2 – машқларни кўчириб ёзинг.

Ҳе (ҳойи хуттий) ҳарфи

Ҳе ёки **ҳойи хуттий** ҳарфи алифбодаги саккизинчи ҳарфдир.


Ўзидан олдин ўнг ва кейин чап томонидан келадиган ҳарфларга қўшилиб ёзиладиган муттасил ҳарфлар қаторига киради. Тўрт хил кўриниши мавжуд. Эски ўзбек ёзувида **ҳойи хуттий** шаклида тўртта ҳарф бор. Улар бир-биридан нуқтаси бор ёки йўқлиги, агар бўлса у қаерга қўйилгани билан фарқ қилади. **Ҳе** ҳарфи фақат араб тилидан ўтган сўзлардагина учрайди.

Имлоси: Шаклан жим ҳарфига ўхшаш тўрт кўринишли бўлиб, сўз боши ва сўз ўртасидаги кўринишлари сатр чизиғида, қолган шакллари эса сатр чизиғидан пастга тушириб ёзилади.

Ҳойи ҳуттий ҳарфининг насх ва настаълиқ хати туридаги кўринишлари:

Кўриниш	Алоҳида	Сўз бошида	Сўз ўртасида	Сўз охирида
Насх				
Настаълиқ				

Талаффузи: Хе ҳарфи тилимиздаги х товушини ифодалайди. Бу ҳарфнинг араб тилидаги талаффузи қуйидагича: Тўғри талаффуз қилиш учун томоқни кичик тил (лак-лук) пастроғидан ҳалқум ўртасидан қисамиз, шунда ҳосил бўлган тор бўшлиқдан ўта қисилиб лекин тўсиққа учрамай (қирилмай) ўтаётган ҳаво оқими бизга х товушини беради. Бунда тил мана бу расмда кўрсатилган ҳолатда бўлиши ва томоқ қирилиб кетмаслиги керак.



Қўлёзма ва тошбосма китобларда. **Хойи хуттий** харфининг тагига қуйидагидек белги ء кўйилади. **حلم** Бу унинг шу шаклдаги харфлардан фарқлаш ва юмшоқ талаффуз этилиши зарурлигини билдиради. Бу белги **хойи хуттий** харфининг сўз бошидаги ҳамда сўз ўртасидаги шаклларида кўпроқ учраши кузатилади.

Хе харфи иштирокида сўз ёзишни машқ қиламиз

م + ح + م + و + د ← محمود

1-машқ: Насх хати ёзувида **хе** харфининг мисолларини ўқинг ва дафтарингизга чиройли кўчириб ёзинг.

حامد حاکم حاجی حامل حامی حاسد حور احرام محمود مسحی سحر
تحریر تحسین تحلیل تحقیق راجح فاتح مالح رایح تراویح قبیح تراویح نی
اوقودی روح ارواح مراح مفتاح حامد حاجی بولوب کیلدی حاجری احرام
توتادور محمود ریجان آلوب کیتدی

2-машқ: Юқоридаги мисолларнинг настаълиқдаги ёзилишини

ўрганинг:

حامد حاکم حاجی حامل حامی حاسد حور احرام
محمود مسحی سحر تحریر تحسین تحلیل تحقیق
راجح فاتح مالح رایح تراویح قبیح تراویح نی اوقودی
روح ارواح مراح مفتاح حامد حاجی بولوب
کیلدی حاجری احرام توتادور محمود ریجان آلوب کیتدی

Вазифа: **Хе** харфининг кўринишларини беш қатордан ёзинг.

1 – ва 2 – машқларни кўчириб ёзинг.

Ҳойи ҳавваз ҳарфи.

Ҳойи ҳавваз алифбодаги ўттиз биринчи ҳарф ҳисобланади. Ўзидан олдинги – ўнг ва кейинги – чап томонидан келадиган ҳарфларга қўшилиб ёзилади. Тўрт хил кўринишли муттасил ҳарфлар жумласидан ҳисобланади.


Имлоси: Алоҳида кўриниши сатр устига катак ичига доира ◦ шаклида ёзилади. Ҳойи ҳавваз бир кўзлик аммо сўз бошида ва ўртасида шу ҳолда ёзилса мим ҳарфига ўхшаб қолади. Шунинг ҳисобга олган ҳолда сўз боши ва ўртасидаги кўринишлари икки кўзлик шаклда ёзилади. Ёзишда аввал дол га ўхшатиб бошланади ва айлана ҳосил қилиб давом эттирилади.

Ўзидан кейинги ҳарфга қўшилганда ўзига хос шаклга эга бўлади ва у ҳам катак ичига ◡ кўринишда сатр устига ёзилади. Икки ёндан қўшилганда икки хил шаклга эга бўлиши мумкин ва сатр остига бир оз тушириб ёзилади: ◡

Ҳойи ҳаввазнинг насх ва насталиқ хати туридаги кўринишлари:

Кўриниши	Алоҳида	Сўз бошида	Сўз ўртасида	Сўз охирида
Насх				
Насталиқ				

Талаффузи: Ўзбек тилидаги Х товуши араб ёзувида икки ҳарф – ҳойи хуттий (ح) ва ҳойи ҳавваз (ه) ҳарфлари билан ифода этилади. Уларни бир-биридан



фарқлаш учун шундай номланган. Талаффузда доимо (ح) ни (ه) дан фарқлаш лозим. Бу товушлар ҳалқум ичкарасида ҳосил бўлиб, **ҳойи ҳаввазнинг** талаффузида ҳаво оқими ҳеч қандай тўсиққа учрамай чиқади. Талаффуз вақтида тилингиз мана бу расмларда кўрсатилган ҳолда бўлсин, акс ҳолда маъно ўзгариб кетади. Бу ҳарфлар билан ёзилган арабча ва форсча сўзлар аслида қайси **хе** билан ёзилган бўлса, ўзбек тилида ҳам ўша ҳарфларда ёзилиши шарт. **Ҳойи ҳавваз** ўзбек тилидаги бир неча товушни ифодалашга хизмат қилади:

ҳойи ҳавваз ҳарфи сўз бошида ва ўртасида **х** товушини ифодалайди:

هزل هنر مهر بهار هديه

ҳойи ҳавваз ҳарфи айрим сўзларнинг охирида **х** товушини билдиради:

شاه ماه همراه

Ҳойи ҳавваз ҳарфи сўз охирида келганида кўпинча алиф билан бир хил вазифани бажариб, **а** унлисини ифодалайди:

لاله ناله نادره حبیبه فریده بهانه بهره

Ҳойи ҳавваз ҳарфи ҳозирги тилимиздаги форс тили орқали кириб келган баъзи сўзларнинг охирида келганда и (аслида э) қисқа унли товушини ҳам ифода этади:

کیمکه یاکه بلکه نیکه

Қўлёзма ва тошбосма асарларда сўз бошида **ه** сўз ўртасида **ه** ва сўз охирида **ه** кўринишларида ёзилади.

Ҳойи ҳавваз ҳарфи иштирокида сўз ёзишни машқ қиламиз

ه + ل + ا + ر ← بهار

1-машқ: Насх хати ёзувидаги **ҳойи ҳавваз** ҳарфининг қуйидаги мисолларини ўқинг ва дафтарингизга чиройли кўчириб ёзинг:

هادي هاشم هرات هيچکيم اهمال اهتمام هوکوز بهار نهار مهمان بهرام
مهربان بهادر نهايت مهر يورمه تورمه اورمه سورمه بالغه ماهيانه نامه هدايه
ماه جاه شاه فادشاه روباه کلاه بهار بولادي مهمان کيلدي ماهيانه آلديم
يادنامه اوجون کلاه بيردي بهارده بادام آجيلور حاکم مهريني باسدي هاشم
روباهدين قاجدي فادشاه بوکون انعام بردي

2-машқ: Юқоридаги мисолларнинг настаълиқ хат туридаги

ёзилиши:

بادى باشم هرات بېچكېم اېھمال استمام بھوكون
بھار نھار مھمان بھرام مھربان بھادر نھایت مھر
پورم تورم اورم سورم بالغه ماھيانہ نامہ ہدا یہ
ماہ چاہ شاہ پادشاہ روباه کلاه بھار بولادی
مھمان کیندی ماھيانہ آلدیم یادنامہ اوچون کلاه بھرد
بھارده بادام جھلور حاکم مھربانی بھمدی باشم
روباهدین قاجدی بادشاہ بھوکون انعام بھردی

Вазифа: Ҳойи ҳавваз ҳарфининг кўринишларини беш

қатордан ёзинг.

Қуйидаги сўзларни эски ўзбек алифбоси асосида ёзинг:

Ҳумо, меҳмон, меҳрибон, ҳижрон, моҳир, ҳўкиз, баҳо,
хид, ҳайкал.

1 – ва 2 – машқларни кўчириб ёзинг.

Се ҳарфи.

Се алифбодаги бешинчи ҳарф ҳисобланади. Ёзувда ўзидан
ўнг ва чап томонидан келадиган ҳарфга уланади. У тўрт хил

кўринишга эга, юқорисига кўйиладиган учта нуқтаси билан бе дан фарқ қилади. Бу ҳарф фақат араб тилидан ўтган сўзлардагина учрайди.

Имлоси: Се ҳарфининг барча кўринишлари бе ҳарфига ўхшаб сатр чизиғи устига ёзилади, сўнгра устига аввал иккита нуқта, унинг устига эса учинчи нуқта кўйилади.

Се ҳарфининг насх ва настаълиқ хати туридаги ўринишлари

Кўриниш	Алоҳида	Сўз бошида	Сўз ўртасида	Сўз охирида
Насх				
Настаълиқ				

Талаффузи: Араб тилида бу ҳарф ўша тилга хос бўлган ва ўзбек тилида йўқ бўлган товушни ифодалайди. Се товушининг талаффузида тил учи мана бу расмда кўрсатилганидек бироз тишланган ҳолда бўлиши керак. Шунда тил олди ва юқори тиш оралиғидан



чиқадиган ҳаво оқими с товушини ифодалайди. Бироқ ўзбек тилига кириб, ўзлашиб кетган сўзларда бу ҳарф иштирок этган бўлса, уни тилимиздаги“с” товуши сифатида талаффуз этилади.

Се ҳарфи иштирокида сўз ёзишни машқ қиламиз

م + ن + ق + ل + ل ← مثقال

1-машқ: се ҳарфининг насх хати туридаги қуйидаги

мисолларини ўқинг ва кўчириб ёзинг:

ثاقب ثابت ثالث اثبات ثبوت ثواب ثور عثمان مثقال مثال مثل امثال

امثال اڪثار ثالث تثليث توريث تلويث مبحث بحث وارث ميراث حادث

غياث عثمان بر مثقال چای آلدی غياث وارث بولوب كوب آلدی شاكرنی

امثالی كوبدور هاشم نى ميراثى كوبدور

2-машқ: Юқоридаги мисолларнинг настаъликдаги кўринишлари:

ثاقب ثابت ثالث اثبات ثبوت ثواب ثور
عثمان مثقال مثال امثال امثال اڪثار
ثالث تثليث توريث تلويث مبحث بحث
وارث ميراث حادث غياث عثمان بر مثقال
چای آلدی غياث وارث بولوب كوب آلدی
شاكرنی امثالی كوبدور هاشم نى ميراثى كوبدور

3- машқ: се ҳарфининг кўринишларини беш қатордан ёзиб чиқинг:

1 – ва 2 – машқларни кўчириб ёзинг.









Пе ҳарфи.

Пе ҳарфи алифбодаги учинчи ҳарф ҳисобланади. У ўзидан олдин – ўнг ва кейин – чап томондан келадиган ҳарфларга қўшилиб ёзиладиган муттасил ҳарфлардан бўлиб, тўрт кўринишлидир.


Имлоси: Ёзилиши услуби **бе** ҳарфининг ёзилиш услубига ўхшайди. Барча кўринишлари сатр чизиғи устида ёзилади. Учта нуқтаси ҳарфни ёзиб бўлгандан кейин остига қўйилади.

Бу ҳарф араб тилида йўк, форс-тожик ва ўзбек тиллари заминиди шаклланган ҳарфлар сирасига киради.

Пе ҳарфининг насх ва настаълиқ хати туридаги кўринишлари:

Кўриниши	Алоҳида	Сўз бошида	Сўз ўртасида	Сўз охирида
Насх				
Настаълиқ				

Талаффузи: Тилимиздаги **п** товушини ифодалайди. Устки ва пастки лабларнинг бири-бирига қаттиқ қисилиб кескин ажралишидан ҳосил бўлади.



Бу ҳарфнинг кўлёма шаклларида нуқталари кўпинча бошқача кўринишларида ҳам ёзилиши мумкин.

Унутманг: ёдгорликларнинг аксариятида **п** товушини ифодалаш учун **бе** ҳамда **фе** ҳарфлари ёзилган ҳолатлар учрайди.

Пе ҳарфи иштирокида сўз ёзишни машқ қиламиз

پ + ل + م + ن + ل + پ ← پاسبان

1- машқ: Насх хати туридаги қуйидаги мисолларни ўқинг ва кўчириб ёзинг:

پای پاک پارسى پامال پاکیزه پاسبان پیچت چپان قلیاق لامپه قلیاقنی ساتب

آلدم شالینی سپیدی آت اسحاقنی تپیدی

چپار قچپ لاپ پادشاه پرات سپیدی تپیدی سپیدی تپیدی سپیتور

تپیتور شاپ لاپ ساپ غلاپ باپ یاپ قاپلان پورین ساتوب آلدی

عثمان قاری بولدی باغبان توزوک پایلاب اوزومنی پیشوردی

1- машқ: Юқоридаги мисолларнинг настаълиқ хат туридаги кўринишлари:

پای پاک پرسی پامال پاکیزه پاسبان بچیت
چان قلیاق لامپه قلیاق می پساتوب الدیم شالی
سپدی آت ایچاق نی تپیدی کیتینه الدیم
قاپلان پورین نی ساتوب آدی عثمان نی اولی
پاکیزه چقدی باعبان توزوک پایلاب اوزومنی پیورد
قابل قلیاقی ساندی چوپ سیندی ثاقب لامپه یاقه

3- машқ: пе ҳарфининг кўринишларини беш қатордан ёзинг:

1 – ва 2 – машқларни кўчириб ёзинг.

Гоф ҳарфи.

Гоф ҳарфи алифбодаги йигирма олтинчи ҳарф ҳисобланади. Араб тилига хос бўлган ҳарфлардан эмас. У ўзидан олдин ўнг ва кейин чап томонидан келадиган ҳарфларга қўшилиб ёзиладиган муттасил ҳарфлардандир. Бу ҳарф форс-тожик ва ўзбек тилидагина учрайди. Бу ҳарф коф ҳарфи асосида шаклланган, тўрт кўринишли ҳарфлар жумласидандир.


Имлоси: Гоф ҳарфининг коф ҳарфидан ёзилишидаги фарқи кейинчалик чизиқ шаклида ифодалана бошлаган учта нуқтаси борлигидандир. Гоф ҳарфи аслида учта нуқтали бўлган. Демак гоф ни коф дан ажратувчи омил ҳарф тепасига яна бир чизиқча қўшиб ёзишдир.

*Гоф ҳарфининг насх ва настаълиқ хати
туридаги кўринишлари:*

Кўриниши	Алоҳида	Сўз бошида	Сўз ўртасида	Сўз охирида
Насх				
Настаълиқ				

Эски ўзбек ёзувида “гоф” ҳарфи ёзилмасдан “коф” ҳарфи қўллана берган.

Талаффузи: тилимиздаги г товушини билдиради. Коф ҳарфининг махражидан бир оз пастрокдан бу товуш пайдо бўлади. Талаффуз вақтида тилнинг расмдагидек ҳолатда бўлишига эътибор қилинг



Гоф ҳарфи иштирокида сўз ёзишни машқ қиламиз

ب + پ + ل + گ + پ + ن ← بیلگین

1-машқ: “Гоф” харфининг насх хати туридаги қуйидаги мисолларини ўқинг ва кўчириб чиқинг:

گياه ينگ بيرينگ نوگ گواه گناه گورگاو گاوران گوريچ گل گلدار
آلگوچى قالگوچى آلگيل قالگيل بيلگين قالگان آلگان تورينگ يورينگ
كيلينگ بارينگ قوينگ كورينگ دوگ اوروگ توزوگ اوزوگ دوگ
سيندى گواه كيلدى گورينچنى آيب كيلينگ بازارگا باريب تورينگ
عثمان گلزاردين چيقدى

2-машқ: Юқоридаги мисолларнинг настаълиқ хати туридаги кўринишлари:

گواه گناه گياه گورگاو گاوران گوريچ گل گلدار
آلگوچى قالگوچى آلگيل قالگيل بيلگين قالگان آلگان
تورينگ يورينگ بارينگ كيلينگ بيرينگ توينگ
دوگ نوگ دوگ سيندى گواه كيلدى باغده گل كوپ
گورينچنى آيب كيلينگ بازارگا باروب توينگ
عثمان دين پلنى آيب قوينگ بهرام گلزاردين
بهرام گلزاردين بهرام گلزاردين بهرام گلزاردين

3- машқ: “Гоф” ҳарфининг кўринишларини беш қатордан ёзинг:

1 – ва 2 – машқларни кўчириб ёзинг.ёзувида ёзинг.

Хе ҳарфи.

Хе алифбодаги тўққизинчи ҳарф ҳисобланади. У ўзидан олдинги ўнг ва кейинги чап томонидан келадиган ҳарфларга қўшилиб ёзилади. У **жим, чим, ҳе** ҳарфларига ўхшаш, тўрт кўринишли муттасил ҳарфлардан бўлиб, улардан юқорисига қўйиладиган биргина нуқтаси билан фарқ қилади.


Имлоси: **хе** ҳарфининг якка холдаги ва сўз охиридаги шакллари сатр устида бошланиб, сатр чизиғидан пастга тушириб ёзилади. Бу ҳарфнинг сатр устидаги унсури ёнига бир ярим катак, бўйига бир катак бўлиб, сатр остига икки катак миқдорида туширилади. Сўз бошидаги ва сўз ўртасидаги шакллари сатр чизиғи устида ёзилади.

Хе ҳарфининг насх ва настаълиқ хати туридаги кўринишлари:

Кўриниши	Алоҳида	Сўз бошида	Сўз ўртасида	Сўз охирида
Насх				

Хе ҳарфини ёзма ва босма турлари орасида сезиларли фарқ йўқ.

Талаффузи: Халқумнинг аввали, яъни оғиз бўшлиғига яқин жойидан бир оз қирилиб чиқади. Талаффуз пайтида оғиз бўшлиғининг расмдагидек бўлишига эришинг.



Хе ҳарфи иштирокида сўз ёзишни машқ қиламиз

خ + ل + ل + ق ← خالق

1-машқ: Бухоро сўзини ёзиш учун керакли ҳарфларни ажратиб оламиз ва сўзда келиш ўрнига қараб уларни қуйидагича жойлаштирамиз: **ب و خ ا ر ا** Биринчи ҳарф **бе** бўлиб, уни сўз бошидаги шаклини оламиз, иккинчи ҳарф қиска **у** унлиси бўлгани учун уни тушириб қолдирамиз, учинчи ҳарф **хе** ни сўз ўртасидаги шаклини оламиз. Кейинги ҳарф чўзиқ унли бўлгани учун **алиф** ҳарфини сўз ўртасидаги шаклини оламиз. Бешинчи ҳарф **ре** ни олдидаги ҳарф ўзидан кейинги ҳарфга қўшилмайдиган икки кўринишли ҳарф бўлгани учун **ре** ни

алоҳида шаклини оламиз. Охирги **о** унлисини **алиф**ни алоҳида шакли билан ифодалаймиз. Натижада қуйидагича бирикув ҳосил бўлади:

ب + خ + م + ر + ا ← بخارا

2-машқ: насх хатида **хе** ҳарфи қатнашган қуйидаги

мисолларни ўқинг, дафтарингизга кўчириб ёзинг:

خار خان خام خال خاقان خالق خوقند اخوند خواجه نخور مخدوم مخنار

بخار مخلوق مختوم استخوان بلخ تلخ ميخ سيخ ناسخ تاريخ نسخ ناسخ

فسخ سرخ سماخ نوخ خالق خوقند دين كيلىدى مختار نخود الديو خواجه

خان حاكيمغه باردى مختوم كلنى اليب كيلىدى توره خواجه توختاب قالدى

عثمان خان يىخشي اوقودى خال محمد اويالدى

3-машқ: юқоридаги мисолларни настаъликдаги

ёзилиши қуйидагича:

خار خان خام خال خاقان خالق خوقند اخوند نخور
مخدوم مخنار بخار مخلوق مختوم استخوان
بلخ تلخ ميخ سيخ ناسخ تاريخ نسخ ناسخ
فسخ سماخ منوخ خالق خوقند دين كيلىدى مختار
نخود الديو خواجه خان حاكيمغه باردى مختوم
كلنى اليب كيلىدى توره خواجه توختاب قالدى

4- машқ: **хе** ҳарфини кўринишларини беш қатордан ёзинг.

1 – ва 2 – машқларни кўчириб ёзинг.





Сод ҳарфи.

Сод ҳарфи алифбодаги ўн еттинчи ҳарф бўлиб, ёзувда ўзидан олдинги ўнг ва кейинги чап томонидаги ҳарфга уланади. Тўрт хил кўринишли муттасил ҳарфлар жумласидандир. Бу ҳарф фақат араб ва форс-тожик тилларидан бизга кириб келган сўзлардагина ишлатилади холос.


Имлоси: **сод** ҳарфининг сўз боши ўртасидаги шаклларигина сатр чизиғида ёзилади. Уларни алоҳида ва сўз охиридаги кўринишлари эса сатр устида бошланиб, сатр остида тугайди. Сатр устидаги шакли ёнига бир ярим катак миқдорида кўз шаклида бўлиб, сатрдан пастки қисми эса нун шаклида ёзилади.

Сод ҳарфининг насх ва настаълиқ хати туридаги

кўринишлари:

Кўриниши	Алоҳида	Сўз бошида	Сўз ўртасида	Сўз охирида
Насх				

Талаффузи: Бу ҳарф ўзбек тилида с тарзида талаффуз қилинади. Сод ҳарфи ифодалайдиган товуш ўзбек тилида йўқ. Бинобарин бу ҳарф ифодалаган товуш араб ва форс-тожик тилларда бошқача талаффуз қилинади. Сод ҳарфи ундош бўлиб, у фақат араб тили орқали кириб келган сўзларда учрайди.



Талаффузда тилни учи олдинги икки тепа тишнинг ички милкига тегиб туради ва тилнинг олдинги қисми билан юқори танглай орасида тор тирқиш пайдо бўлади. Бу ундошни ҳосил қилиш жараёнида пайдо бўлган ҳаво шу тирқишдан куч билан сирғаниб чиқади. У анча бўғиқ, талаффузи эса хира бўлади.

Қуйидаги сўзларни эски ўзбек ёзувида кўчиринг:

Садо, сабр, собир, хусусият, хос.

Сод ҳарфи иштирокида сўз ёзишни машқ қиламиз

ن + ص + ي + ح + ت ← نصيحت

1-машқ: Сод ҳарфининг насх хати туридаги қуйидаги

мисолларини ўқинг ва кўчириб ёзинг:

صابر صادق صالح صاحب مقصود منصور نصيحت خالص تلخيص تحريص
قرص خرص عارف خالص توروب ايشني بيتوردي صادق مقصودني جاقيردى
صالح برپوط اون آلدى

2-машқ: Юқоридаги мисолларни настаълиқ хат туридаги

ёзилиши:

صابر صادق صالح صاحب مقصود منصور نصيحت
خالص تلخيص تحريص قرص خرص
عارف خالص توروب ايشني بيتوردي صادق
مقصودني جاقيردى صالح برپوط اون آلدى

3- машқ: сод ҳарфини кўринишларини беш қатордан ёзинг;

1 – ва 2 – машқларни кўчириб ёзинг.









Зод ҳарфи.

Зод ҳарфи алифбодаги ўн саккизинчи ҳарф ҳисобланади. Ёзувда ўзидан олдинги ўнг ва кейинги чап томонидаги ҳарфларга қўшилиб ёзилади. Сод ҳарфига шаклан монанд бўлиб,


ундан устига қўйиладиган бир нуқтаси билан фарқ қилади. Бу ҳарф ҳам тўрт хил кўринишли муттасил ҳарфлардандир. Зод ҳарфи асл ўзбекча сўзларда ишлатилмайди. У бизнинг тилимизга з товушини билдирувчи ҳарф сифатида кирган. Тилимизга кириб ўзлашиб кетган араб сўзларидагина ишлатилади.

Имлоси: ёзув шакли икки қисмдан иборат. Биринчи қисм сатр чизиғи устида ёзилади, иккинчи қисм эса сатр чизиғидан пастга тушириб ёзилади, устига битта нуқта қўйилади. Сод ва зод ҳарфларининг ёзма ва босма шаклларида бир-биридан деярли фарқи йўқ.

Зод ҳарфининг насх ва настаълиқ хати туридаги кўринишлари:

Кўриниши	Алоҳида	Сўз бошида	Сўз ўртасида	Сўз охирида
Насх				
Настаълиқ				

Талаффузи: бу ҳарф ифодаладиган товуш араб тилига хос бўлиб, уни талаффуз қилишда тилнинг олдинги қисмини юқори танглайга қаттиқ тираш



лозим. Бу товушлар талаффузида тилингиз расмда кўрсатилган

ҳолда бўлишига эришинг. Акс ҳолда маъно бутунлай ўзгариб кетади. Овоз тилнинг ўнг ёки чап ён томони билан жағ тишлари орасида ҳосил бўлади. Бу товуш бошқа тилларда йўқ. Араб тилидан кириб келган сўзларда қандай бўлса ўшандай ёзилади.

Зод ҳарфи иштирокида сўз ёзишни машқ қиламиз

ضمـن ← ض + م + ن

1-машқ: Зод иштирокидаги насх хати туридаги

қуйидаги мисолларни ўқинг ва кўчириб ёзинг:

ضمـن ضايـع فضيل بضاعـت حضرت تلخيـص مريض بعض تفويـض صابر

منصوركا عرض قـيلدى عرض قرض فضيل حضرتكا باردى حضرت انكا

نصيحت قـيلدى

2- машқ: юқоридаги мисолларнинг настаълиқда ёзилиши;

ضمـن ضايـع فضيل بضاعـت حضرت تلخيـص
مريض بعض تفويـض صابر منصوركا عرض قـيلدى
عرض قرض فضيل حضرتكا باردى
حضرت انكا نصيحت قـيلدى

Вазифа: зод нинг кўринишларини беш қатордан ёзинг;

1 – ва 2 – машқларни кўчириб ёзинг.

Қуйидаги матнни эски ўзбек ёзувида ёзинг: Зобит чегарани кўриқлади. Собит садо берди. Собир баёз тузди. Ҳабиба ҳозир боради. Озода ва Сурайё рубобчи эди.









То ҳарфи.

То (итқи)ҳарфи алифбодаги ўн тўққизинчи ҳарф ҳисобланади. Бу ҳарф ўздан олдин ва ўздан кейин келадиган ҳарфларга қўшилиб ёзиладиган муттасил ҳарфлар жумласига киради. Тўрт хил ёзилиш шаклига эга. Оддий **ت** ҳарфидан фарқлаш учун **ط** ҳарфини *итқи* деб ҳам айтилади.


Имлоси: **То** ҳарфи **сод** ҳарфининг бошланғич биринчи қисмига тепадан бир алифга ўхшаш чизиқ тушириб ёзилади. Сўз бошидаги, сўз ўртасидаги ва охиридаги кўринишларида ёнидаги ҳарфларга қўшилиш қисми бўлади.

То ҳарфининг насх ва настаълиқ хати туридаги

кўринишлари:

Кўриниш	Алоҳида	Сўз бошида	Сўз ўртасида	Сўз охирида
Насх				
Настаълиқ				

Талаффузи: Бу ҳарф ифодаладиган товуш ҳам араб тилидан кириб келган сўзлар учун хосдир. Ўзбек тилида т товуши сифатида ўқилади. Ҳеч қачон қаттиқ ط ҳарфини оддий ت ҳарфидек талаффуз қилиб бўлмайди. Бу



товушлар талаффузида тилингиз мана бу расмларда кўрсатилган ҳолда бўлишига эришинг. Акс ҳолда маъно бутунлай ўзгариб кетади. То ҳарфи ўзбек тилида т товуши сифатида ўқилади. Демак араб тилида ط ундошини талаффузида тилнинг олдинги ярим қисми юқори тишларга томон кўтарилган ва танглай томонга йўналтирилган ҳолда юқоридаги расмда кўрсатилганидек бўлиши керак:

То ҳарфи иштирокида сўз ёзишни машқ қиламиз

ط + ل + ه + ر ← طاهر

1-машқ: То ҳарфининг насх хати туридаги мисолларини ўқинг ва кўчириб ёзинг:

طاهر طالب طالع طوفان خطيب خطبه ربط سخط غلط مربوط مضبوط

طاهر خطبه او قودي خطيب بولكون يوق ايدي

2-машқ: Юқоридаги мисолларнинг настаълиқ ёзувидаги

кўринишлари:

طاهر طالب طالع طوفان خطيب خطبه
رابط سخط غلط مربوط مضبوط طاهر خطبه او قود
طاهر خطبه او قود خطيب بوكون يون ایدی

3 - машқ: То ҳарфининг кўринишларини беш қатордан ёзиб

чиқинг:

1 – ва 2 – машқларни кўчириб ёзинг.

Зо ҳарфи.

Зо (изғи) ҳарфи **То** (итқи) ҳарфига шаклан ўхшаш бўлиб, алифбодаги йигирманчи ҳарф ҳисобланади. **То** дан устига кўйиладиган бир нуқтаси билан фарқланади. Ёзувда ўзидан олдинги ўнг ва кейинги чап томонидаги ҳарфларга уланади. Бу ҳарф ҳам арабча сўзларга хос бўлиб, ўзбек тилидаги **З** товушидан биров фарқ қилади. **Зо** (изғи) ҳарфи иштирокида ёзилган сўз, албатта, араб тилидан кирган сўздир.

Зо (изғи) ҳарфи ҳам тўрт кўринишли муттасил ҳарфлар жумласидандир.


Имлоси: **То** ҳарфи билан бир хил ёзилиб, устидаги бир нуқтаси билан фарқ қилади. Ўрнига қараб уланиш қисмлари бўлади.

Зо ҳарфининг насх ва настаълиқ хати туридаги

кўринишлари

Кўриниши	Алоҳида	Сўз бошида	Сўз ўртасида	Сўз охирида

Талаффузи: Нутқ пайтида ظ ундоши тилнинг олдинги ярим қисмини юқори томон кўтариб, танглай томонга йўналтирилган ҳолда талаффуз қилиш керак бўлади. Арабий талаффуз пайтида тилнинг ҳолатини расмдагидек бўлишига аҳамият беринг. Ўзбекча талаффузда оддий з деб ўқилаверади.



Зо ҳарфи иштирокида сўз ёзишни машқ қиламиз

ظ + ل + ه + ر ← ظاهر

1-машқ: То ва Зо ҳарфи иштирокидаги қуйидаги сўзларни араб алифбоси асосида ёзинг:

ظاهر ظالم ظريف احظلاط نظم عظيم نظام مظلوم نفظ غليظ حافظ

حفيظ ملحوظ ملفوظ ظريف ملاحظه قيلدى نظام حافظ ليك قيلدى طالب

ظالمدين قاجدى ظالم كشيدين هركيم قاجور عظيم خطبه ني غلط اوقوماس

2-ماشқ: Юқоридаги мисолларнинг настаълиқ ёзувидаги

кўринишлари:

ظاهر ظالم ظريف احظلاط نظم عظيم نظام مظلوم
نفظ غليظ حافظ حفيظ ملحوظ ملفوظ ظريف ملاحظه قيلدى
نظام حافظ ليك قيلدى طالب ظالمدين هركيم قاجور
عظيم خطبه ني غلط اوقوماس

3- машқ: Зо (изғи) ҳарфининг кўринишларини беш қатордан

ёзиб чиқинг:

1 – ва 2 – машқларни кўчириб ёзинг.

Зол ҳарфи.

Зол ҳарфи алифбодаги ўн биринчи ҳарф ҳисобланади. **Зол** ҳарфи **дол** ҳарфига шаклан ўхшаш бўлиб, ундан устига кўйиладиган бир нуктаси билан фарқланади. Бу ҳарф ҳам **дол** ҳарфидек ўзидан олдинги ўнг томондаги ҳарфларга кўшилиб


ёзиладиган мунфасил ҳарфлар қаторига кирадиган икки кўринишли ҳарфдир.

Имлоси: Фақат араб тилидан ўзбек тилига ўзлашган сўзлардагина ёзилади. Барча кўринишлари дол ҳарфи билан бир хилда сатр чизиғи устига ёзилиб, устидаги битта нуқтаси билан фарқланади. Сўз ўртасида ва охиридаги кўринишларида олдинги ҳарф билан сатр чизиғи бўйлаб уланиш қисми бўлади.

Зол ҳарфининг насх ва настаълиқ хати кўринишлари куйидагича:

Кўриниш	Алоҳида	Сўз бошида	Сўз ўртасида	Сўз охирида
Насх				
Настаълиқ				

Талаффузи: Бу ҳарф ифодалаган товуш ўзбек тилида йўқ. З товушини ҳосил қилиш учун тилнинг учини мана бу расмда кўрсатилганидек бироз, енгил олдинги ост-уст тишлари орасига қўйган ҳолда з деб талаффуз қилинади. Ўзбек тилида эса з деб ўқилаверади.



Зол ҳарфи иштирокида сўз ёзишни машқ қиламиз

م + ذ + ك + و + ر ← مذکور

1-машқ: Насх хати ёзувида **зол** ҳарфининг мисолларини ўқинг ва дафтарингизга ёзинг.

ذکر نافذ ذاکر ذکر ذهن ذنوب ذکور ذاهب کاغذ

نافذ ناجذ تلمیذ ایشان بوکون کوب ذکر قیلدی

طالب بر طوب کاغذ ساتدی

2-машқ: Юқоридаги мисолларнинг настаълиқдаги ёзилишини ўрганинг.

ذاکر ذکر ذهن ذنوب ذکور ذاهب ذکا ذنب
مذکور مذموم کاغذ نافذ ناجذ تلمیذ
ایشان بوکون کوب ذکر قیلدی منصور

3-машқ: **Зол** ҳарфининг кўринишларини беш қатордан ёзинг.

1 – ва 2 – машқларни кўчириб ёзинг.

Же ҳарфи.

Же ҳарфи алифбодаги ўн тўртинчи ҳарф бўлиб, **ре** ва **зе** ҳарфларига шаклан ўхшаш, юқорисидаги учта нуқта билан

фарқланади. Араб алифбосига форслар томонидан киритилган ҳарфлардан биридир.

Имлоси: икки кўринишли, ўздан олдинги ҳарфларга кўшилиб, кейингиларига кўшилмай, **ре** ҳарфига ўхшаб, сатр чизиғидан пастга тушириб ёзиладиган ҳарфлардан бўлиб, устидаги учта нуқтаси билан фарқланади.



Же ҳарфининг насх ва настаълиқ хати туридаги кўринишлари

Кўриниши	Алоҳида	Сўз бошида	Сўз ўртасида	Сўз охирида
Насх				
Настаълиқ				

Талаффузи: же ўзбек тилига форс ва рус тилларидан қабул қилинган сўзлардагина учрайди. Ўзбек тилидаги сирғалувчи **ж** товушини ифодалайди. **Же** журнал, жюри каби сўзлардаги **ж** товушига мос келади.

Же ҳарфи иштирокида сўз ёзишни машқ қиламиз

ژ + و + ر + ن + ل + ل ← ژورنال

1-машқ: Насх хати ёзувида же ҳарфининг мисолларини ўқинг ва дафтарингизга ёзинг.

اژدارحا ژورنال واژكون ژاله ژاده ژاژخای مذکور مذموم کاغذ ناجذ تلمیذ مژده
پارژ ایشان بوکون کوب ذکر قیلدی منصورده ژورنال کوب دور ذاکر بر سارژین
اوتون آدی طالب بر طوب کاغذ آدی قاسم پاریزدین کیلدی حافظ یخشی
اوقودی اژدارها قورقوب قاچدی الحمد لله بیزار اوشبو ایتلگان ۳۲ ساباقد
حرف اوقوماق نی تمام قیلدوک

2-машқ: Юқоридаги мисолларнинг настаълиқдаги ёзилишини ўрганинг.


اژدرها ژورنال واژكون ژاله ژاده ژاژخای
مذکور مذموم کاغذ ناجذ تلمیذ مژده پاریز
ایشان بوکون کوب ذکر قیلدی منصورده ژورنال
کوب دور ذاکر بر سارژین اوتون آدی طالب بر
طوب کاغذ آدی قاسم پاریز دین کیلدی حافظ
یخشی اوقودی اژدرها قورقوب قاچدی
الحمد لله بیزار اوشبو ایتلگان ۳۲ ساباقد
حرف اوقوماق نی تمام قیلدوک

3-машқ: же ҳарфининг кўринишларини беш қатордан ёзинг.

1 – ва 2 – машқларни кўчириб ёзинг.

“Ҳамза” белгиси.

Араб ёзувида биз юқорида ўрганган, 32 та ҳарфдан ташқари **ҳамза** деб аталган ҳарфлар қаторига ҳам ҳаракатлар қаторига ҳам қўшилмайдиган белги бор. Шивирлаган ҳолда ёки жуда паст овозда **а, и, у** унли ҳарфларини талаффуз қилсак, бу товушларни бошқа бир товуш сўнгидан эшитилаётганини ҳис қиламиз, ёки ўзбек тилидаги “ака”, “ука” сўзларида сўз олдидаги “а”, “у” товушларидан олдин, “масъулият”, “муаллиф” сўзларида с ва у товушларидан кейин бу товушнинг борлиги сезилади. Унли ҳарфни талаффуз этиб бошлаш ва шу ҳарфнинг ўзида тўхташда билинувчи товуш “ҳамза” деб аталади. У икки хил : *қатъий*, яъни талаффуз қилинадиган ҳамзага ва *васлалӣ*, яъни талаффуз қилинмайдиган ҳамзага бўлинади.



Агар **ҳамза** сўзнинг ўзак ҳарфларидан бўлса, у *қатъий* дейилади. Сўзнинг ўзак қисмига сиртдан ортдириб қўшилган **ҳамза** га *васлалӣ* дейилади.

Араб тилида **ҳамза** ўзига хос товушни ифодалайди, лекин ўзбек тилида **ҳамза** ўзининг бу хусусиятини бутунлай йўқотган ва **айн** ҳарфи сингари рамзий бир белгига айланиб қолган.

Имлоси: – *Қатъий* ҳамзани ёзувда ء (ҳамза) белгиси билан ифодаланади. Одатда ҳамза **алиф**, **вов** ёки **ё** ҳарфларидан бирининг устига ёки остига қўйилади:

أ و ئ

- ё ҳарфининг устига қўйилганда ёзувда ё ҳарфининг нуқталари қўйилмайди: **ئ**

- Баъзан **ҳамза** мустақил ҳолда ҳам ишлатилади. **ء**

1. Агар **ҳамза** товушидан кейин *а, у* унлиси келса, забарлик ёки печлик **ҳамза** алиф ҳарфи устига қўйилади

Агар **ҳамзанинг** олдидаги ҳарфнинг ёки **ҳамзанинг** ўзининг ҳаракати забар бўлса, **ҳамза** алифнинг устига қўйилади:

Масалан: таъкид - **تأكيد** таъсис **تأسيس**

журъат - **جرات**

2. **Ҳамзадан** олдинги ҳарфнинг ёки **ҳамзанинг** ўзининг ҳаракати зер бўлса **ё** ишлатилади.

Масалан: масоил - **مسائل**

3. Агар **ҳамзадан** олдинги ҳарфнинг, ёки **ҳамзанинг** ўзини ҳаракати **печ** бўлса **вов** ишлатилади.

Масалан: муаллиф - **مؤلف** муассаса - **مؤسسة**

масъул - **مسئول**

Ҳамза белгиси талаффузда унли товушни ундош товушдан фарқлашни ҳамда қатор келган икки унлини қўшилиб кетмаслигини таъминлайди.

Масалан: **مسئله** – масала, **تأسيس** – таъсис,

تأثرات – таассурот, **عائلة** – оила.

Ҳамза ёзувда икки унли ёнма-ён келганда иккинчи унлининг устига қўйилади.

Араб тилида айрим сўзлар васлани ҳамза билан бошланади. Бундай сўз алоҳида келганида ёки гапнинг бошида келганида васлани ҳамза ўзидан кейинги қисқа унли ҳисобига ўқиладиган қатъий ҳамзага айланади.

Масалан: исм - اسم ибн - ابن

1-Машқ: Қуйидаги сўзларни ҳозирги ўзбек алифбоси асосида ёзинг:

تأسف 'تأريخ' انشأت ' مؤرخ ' تأكيد ' غرائب ' مؤلف ' تأثير ' تأمين

عجائب ' تأمل ' مأمور ' عائله ' قرائت ' تألف

Араб изофаси

Марказий Осиёга VII асрда кириб келишни бошлаган ислом дини VII-IX асрларда ўзининг илмий ривожланиш даврини ўтади. Арабистон ярим оролидан Хуросон орқали кириб келган ислом илмлари Мовароуннаҳр уламолари томонидан ривожлантирилиб, ўзининг энг юқори чўққисини эгаллади ва Шарқ уйғониш даври деб аталган IX-XII асрларда алломаларимиз томонидан дунёга машҳур асарлар яратилди.

Ислом илмлари билан бир вақтда Қуръони карим тили деб улуғланган араб тили ва унинг ёзуви ҳам халқимиз томонидан чиройли тарзда қабул қилинган. Натижада кўпгина араб сўз ва бирикмалари ўзбек тилимизга кириб, кундалик ҳаётимизда

ўрнашиб қолган. Ана шундай бирикмалардан бири *араб изофаси* бўлиб, бу *изофа* араб тилида қандай бўлса, бизнинг тилимизда ҳам ўшандай қўлланилади. *Изофа* сўзининг луғавий маъноси қўшиш, орттириш, боғлаш демакдир. Классик олимларимиз, шоирларимиз ва тарихчиларимиз томонидан яратилган асарларда *араб изофаси* кўплаб учрайди. Ўзбек тилидаги қаратқичли аниқловчиларга (“олма дарахти”, “мадрасанинг биноси” каби) кўпроқ мос келадиган бирикма араб изофасидир. Бу бирикма ўзбек тилида мослашмаган аниқловчи билан аниқланмишдан ташкил топган бўлиб, уни ташкил этувчи аниқланмиш - *музоф*, мослашмаган аниқловчи эса *музофун илайҳи* деб аталади.

Бир отни бошқа бир отга ҳеч бир воситасиз бириктириб, ҳосил қилинган бирикмага *изофа* дейилади. Кўрдикки *изофа* бирикмасининг таркибий қисмига кирувчи биринчи от – *музоф* дейилиб, ўзбек тилида *аниқланмиш* ёки *қаралмиш* дейилади. Изофанинг биринчи қисми *музоф* иккинчи отга, яъни *музоф илайҳ* ҳисобланган - *қаратқич аниқловчи* ёки *қаратқичга* тобеъ бўлади. *Музоф* -ал *ال* артиклини қабул қилмайди. *Музоф*нинг аниқ-ноаниқлиги *музоф илайҳининг* ҳолатига боғлиқ. Агар *музоф илайҳи* –ал артикли аниқ ҳолатда бўлса *музоф* ҳам аниқ ҳолатда ҳисобланади.

Масалан: хайрат-улаброр-*حیرت الابرار* дорулфунун - *دار الفنون*
маҳбуб-улқулуб - *محبوب القلوب* каби. Араб тилида кўплаб исм,

яъни предмет номларининг олдига **آل** кўшимчаси кўшиб ёзилади. Бу **آل** нинг ҳамзаси васлани бўлиб, бундай сўз алоҳида ҳолда келганида васлани алифни **фатҳа** билан ҳаракатлантириб ал – **آل** деб ўқилади:

алқамару - القمر алохирату - الآخرة алғайбу - الغيب

алҳаққу – الحق алфазлу - الفضل

Васл қилиш қондасига кўра васлани “ҳамза” билан келган сўз ўзидан олдинги сўз билан кўшиб ўқилганда **а** тушириб қолдирилади ва олдидаги сўзнинг охириги унли ҳаракатига кўшилиб ўқилади.

кал-қамари كالقمر вабил-ахирати - وبالآخرة бил-ғайби - بالغيب

Изофаларнинг изофалик белгиси ёки кўрсаткичи икки ёнма-ён келган сўз ўртасидаги **آل** кўшимчаси эканлигини кўрдик.

Масалан: **ملك الكلام** да **آل** кўшимчаси **كلام** сўзига кўшиб ёзилади. Худди шундай:

шайх-улислом - شيخ الاسلام фарид-уддин – فريدالدين каби.

Изофа шаклида келган бирикмаларнинг таркибига кирувчи **آل** кўшимчанинг ломи ҳар доим ҳам талаффуз қилинавермайди. Унинг қайси ҳолатда талаффуз қилиниб, қандай ҳолатда

талаффуз қилинмаслигини билиш учун *шамсий* ва *қамарий* ҳарфларни билиб олиш керак бўлади.

Шамсий ва қамарий ҳарфлар.

ل қўшимчаси билан келган сўзлардаги ل ҳарфининг қачон ўқилиб, қачон ўқилмаслиги ўзидан кейин келаётган сўзнинг қандай ҳарф билан бошланганлигига боғлиқ. Агар сўз **қамарий** деб аталадиган ҳарф билан бошланган бўлса ل ўқилади ва у **сукунли** бўлади.

Агар сўз *шамсий* деб аталадиган ҳарф билан бошланган бўлса ل ҳарфи ёзилади, аммо ўқилмайди, ўша *шамсий* ҳарфга идғом қилинади.

Хар бир ҳарфнинг махсус махражи, яъни талаффуз қилиш ўрни борлигини юқорида кўрган эдик. **Лом** ҳарфидан кейин келган араб алифбосидаги 28 та ҳарфнинг 14 тасини лом ҳарфининг махражидан тилни қимирлатмасдан талаффуз этиш мумкин, бундай ҳарфлар **қамарий** ҳарфлар дейилади. Улар 14 та бўлиб, қуйидагилардир:

ا ب ج ح خ ع غ ف ق ك م ه و ي



Бу ҳарфларни аниқ билиб олишнинг араб изофасини тўғри ўқишда фойдаси катта эканлиги юқорида айтилди. Қуйидаги гапда **ابغ حجك وخف عقيمه** қўлланилган ҳарфларнинг барчаси қамарий ҳарфлар бўлиб, агар бу гапни ёдлаб олинса, изофа шаклидаги бирикмаларни ўқиш осонлашади .

Қолган 14 та ҳарфни эса *ломнинг* махражидан тилни қимирлатмасдан талаффуз этиб бўлмайди. Мисол учун л дан сўнг **ш** ёки **т** ни айтиб кўрайлик. Бундай ҳолатларда ёзувда **ل** ўз ўрнида қолиб, юқорида таъкидлаганимиздай, ўқишда тушириб кетилади. Аммо кейинги ҳарфга ташдид белгиси қўйилади ва у иккилантирилиб ўқилади. Бундай ҳарфлар **шамсий** дейилади.

Шамсий ҳарфлар ҳам 14 та бўлиб, улар қуйидагилардир:

ت ث د ذ ر ز س ش ص ض ط ظ ل ن



Табиий ҳар қандай қизиқувчан, талабчан кишида бу ҳарфларни билишга иштиёқ пайдо бўлади:

- Нима сабабдан ҳарфлар қуёшли ёки ойли деб аталади?
- Бу ҳарфларнинг қуёш билан ойга нима алоқаси бор?... каби саволларга жавоб истаиди.

Ушбу саволга Қашқарда яшаб ўтган машҳур мулла Рўзи Охун домланинг ўғиллари Абдулбоқий Махсум дада (икковларини ҳам Аллоҳ раҳматига олсин) шундай жавоб қилган эдилар:

Бу ўхшатиш рамзий бўлиб, бунинг маъноси – изофалик белгиси бўлган ل нинг ل ни юлдузга қиёс қилинган. Маълумки, қуёш чиқиб оламни ёритган вақтда юлдузлардан таралаётган нурлар қуёш нурлари билан бирлашиб кўринмай, қуёш нурлари ичига сингиб кетади. Худди шу каби, юлдузмисол ل ҳам, қуёшга нисбат берилган ҳарфлар билан ёнма-ён келган вақтда, ёзилсада талаффуз вақтида қўшилиш ҳисобига гўёки “кўринмай” кетади ва унинг ўрнига шамсий ҳарфни иккилантириб талаффуз қилинади: ват-тийни – والتين ваш-шамси - والشمس Арроҳман – الرحمن каби.

Худди шу каби ل нинг ل ини ёнида ойга нисбат берилган ҳарфлар гўёки тўлин ой ёнида турган юлдузлар кўриниб, ёрқин нур сочиб тургани каби, қамарий ҳарф ёнида келган ل ҳарфи ҳам талаффузда гўёки “кўриниб” туради, яъни ўқилади:

дастур – уламал - دستور العمل Алхоразмий - الخوارزمي

байнал – милал - بين الملل мажма-улмақсуд - مجمع المقصود каби.

Ажойиб ўхшатиш, шундай эмасми...?

Ҳозирги ўзбек тилидаги жуда кўп одам отлари яъни атоқли отлар араб изофаси шаклидадир. Чунончи: абд сўзи билан бошланганлари: Абдурраҳмон – عبد الرحمن Абдулфаттоҳ - عبدالفتاح
Абдулқодир - عبد القادر Абдуссалом - عبد السلام ва ҳоказо.

Уддин билан тугаган отлар: Садруддин - صدر الدين

Зайнуддин - زين الدين Шамсуддин - شمس الدين каби.

Уллоҳ билан тугаган отлар: Ҳабибуллоҳ - حبيب الله

Раҳматуллоҳ - رحمت الله Абдуллоҳ - عبد الله каби бундай сўзлардаги иккинчи қисми **Аллоҳ** сўзи бўлиб ҳамма холларда ҳам ана шундай ёзилади.

Нисо сўзи билан тугаган отлар: Хойруннисо - خيرالنسا

Лутфуннисо - لطف النساء Бахруннисо - بحرالنساء каби.

Вазифа: Шамсий ва камарий ҳарфларни ёд олинг. Араб изофасига йигирмата сўз топиб эски ўзбек ёзувида ёзинг.

Қуйидаги атоқли отларни эски ўзбек ёзувига айлантинг:

Абдуллоҳ, Абдулҳай, Абдулбоқий, Абдусаттор, Абдулатиф,
Шукруллоҳ, Иззатуллоҳ, Хайруллоҳ, Муҳибуллоҳ, Абдуллоҳ,
Қудратуллоҳ, Ҳикматуллоҳ, Исматуллоҳ, Убайдуллоҳ, Асадуллоҳ
Бадриддин, Баҳриддин, Фаҳриддин, Садриддин, Жамолиддин,
Ҳусниддин, Фазлиддин, Шамсиддин, Муҳиддин, Зайниддин.

Форс изофаси

Форс тилида ҳам аниқланмиш билан аниқловчи ўртасидаги боғланиш изофа йўли билан ифодаланади.

Форс изофаси ҳам араб изофасидагидай *аниқланмиш* билан *аниқловчининг* ёки *қаратқич* билан *қаралмишининг* ўзаро қўшилишидан ҳосил бўлиб, ўша шаклда ўзгармай ўзбек тилига кириб келган бирикмадир.

Музоф билан **музофун илайҳни** бир-бирига боғлаб, **изофа** ҳосил бўлишини англатувчи **-йи** ва **-и** қўшимчалари изофанинг **музоф** қисмига қўшилади. **Изофа** белгиси қўшилиши билан талаффузи пайтида орасини ажратиб бўлмайдиган, шу билан бирга изофадаги сўзнинг жойлашиши тартибини ўзгартириб ҳам бўлмайдиган қатъий тартибли боғланиш юзага келади. Агар бирикма таркибидаги сўзларнинг жойлашиши тартибини ўзгартирилса ёки изофалик белгиси ҳисобланган **-йи** ва **-и** қўшимчалари **-а** ёки **-у** деб ўқилса бирикма ифодалайдиган сўзнинг мазмуни ҳам ўзгариб кетади.

Ўзбек тилида ҳам бирикмалардаги сўз тартибининг бузилиши билан, аниқловчи билан аниқланмиш муносабатлари ўзгариб, эга кесим муносабати юзага келади.

Масалан: қизил о л м а – олма қизил.

аниқловчи аниқланмиш эга кесим

Ўзбек тилидаги аниқловчи билан аниқланмиш муносабатларидаги сўз таркиби форс тилидаги аниқловчи билан аниқланмиш муносабатлари билан бир хил тартибининг тескарасидир. Ўзбек тилида аниқловчи олдин аниқланмиш эса кейин келади:

бодомқовоқ, гулбадан, гулчехра, қизил олма каби.

Изофали бирикмалар форс тилида энг кўп қўлланиладиган аниқловчили бирикма ҳисобланади. Изофали бирикмада аниқланмишга *сифат* билан ифодаланган аниқловчи боғланиб келади:

1. Сифат билан отдан иборат бўлган бирикма:

Масалан: Гули сиёҳ – گل سیاہ, дарёйи шўр – دریای شور
хусни хат - حسن خط.

Аниқланмишга от билан ифодаланган аниқловчи боғланиб келганда, у *қарашлилик*, *эгалик* маъноларини билдиради ва изофанинг қаратқич қисмига *-нинг* қўшимчаси қўшилади:

2. Қаратқич билан қаралмишдан иборат бирикма:

Масалан: дарди сар – درد سر бошнинг оғриғи, подшоҳи олам -
پادشاه عالم оламнинг подшоҳи, рўйи замин - روی زمین ернинг юзи
каби.

Унли товушларнинг ёзувда ифодаланиши қоидасига мос келмайдиган иборалардан бири форс изофасидир.

Форс изофасининг имлоси.

Изофа таркибидаги сўзларнинг биринчи қисми бўлган музоф, ундош товушини ифодаловчи ҳарф билан тугаган бирикмаларда, изофали белгиси талаффуз қилинсада, ёзувда махсус ҳарф билан ифода этилмайди. Баъзан изофанинг музофига зер ۋ- белгиси қўйилади.

Масалан: дардисар - درد سر, сарви гул – سرو گل каби.

Изофали бирикманинг таркибий қисми бўлган *музоф* алиф ^ا ҳарфи ёки талаффузда *у* ёки *ў* деб ўқиладиган *вов* *و* ҳарфи билан тугаган бўлса, шу ҳарфлардан кейин *ё* *ي* ҳарфи орттирилади ва *-йи* деб ўқилади:

Дарёйи шўр - *دریای شور*, рўйи замин - *روی زمین*

рўйи зебо - *روي زیبا*

Изофа таркибидаги сўзларнинг биринчи қисми бўлган музаф *а* деб ўқиладиган ҳойи-ҳавваз билан тугаган ҳолларда ҳойи-ҳаввазнинг устига ҳамза *ء* белгиси қўйилади, талаффузда изофали белгиси - *йи* ни қўшиб ўқилади:

Таржимаи ҳол- *كلبه ویران* кулбайи вайрон, *ترجمهٔ حال*

1-машқ: Қуйидаги изофали сўз бирикмаларини ўқинг, кўчириб ёзинг ва ўқилишини изоҳланг:

حسن جمال، سد اسکندری، روی راست، سرو روان، قامت زیبا،

سرو قد، لب خندان، کان فایدا، نقطهٔ نظر، درد بیدوا

2-машқ: Қуйидаги сўз бирикмаларини эски ёзувга айлантинг:
оби ҳаёт, айна пайт, чархи фалак, садди Искандар, кони фойда,
марди майдон, оби дийда, шоҳи Машраб, кони зарар,
Бухоройи шариф, ошиқи беқарор, оби равон, садқай сар

Эски ёзувдаги рақамлар

Эски ёзувдаги рақамлар араблардан айнан олинган рақамлар бўлиб, мураккаб ва каср сондаги рақамлар чапдан ўнгга томон

ёзилади. Эски ўзбек тили ёдгорликларида саҳифани рақамлаш икки усулда: биринчиси – рақамлар, иккинчиси – пойгир орқали амалга оширилган.

Ёзма ёдгорликлардаги ноль, бир, тўққиз рақамлари ҳозирда биз қўллаётган рақамларга ўхшайди. Араб тилида ноль сифр деб аталади. Қуйида бирдан ўнгача бўлган рақамларни келтирамиз:

• ۱ ۲ ۳ ۴ ۵ ۶ ۷ ۸ ۹

Худди араб ҳарфларидек тўрт, беш ва олти рақамларининг ёзма ва босма турлари ёзилиш тарзи жиҳатидан бир мунча фарқ қилади:

• ۱ ۲ ۳ ۴ ۵ ۶ ۷ ۸ ۹

Ёзма ёдгорликларда саҳифаларни рақам билан белгилаш кам учрайди. Одатда саҳифалар **пойгир** усулида белгиланган.

Пойгир – янги очилаётган саҳифадаги биринчи сўзни тугалланаётган саҳифа тагига ёзиб қўйишни билдиради. Ўша қайд қилиб ёзиб қўйилган сўз саҳифаларни чалкаштириб юбормаслигимизнинг олдини олади. Демак пойгир ёзма ёдгорликларда рақамлар ифодалаш мумкин бўлган вазифани ҳам бажариб келган.

1-машқ: Қуйидаги рақамларни ҳозирги шаклига айлантинг:

۲۸۵۰۰۰۰ ۹۵۶۲۱ ۱۴۴۱ ۲۰۱۱ ۱۹۹۱ ۲۰

2-машқ: Мазкур рақамларни эскича шаклга айлантинг:

59.25, 36, 64, 639, 786, 1441,2011, 28500, 93586, 268479.

Абжад ҳисоби

Тарих - Шарк классик адабиётининг энг мўжаз, IX асрда вужудга келиб кенг тарқалган жанрларидан бири ҳисобланади. X-XI асрларда тарихнинг жанр сифатида шаклланиш даври бўлиб, бир байт ёки тўртликда у ёки бу тарихий сана, бирон бир буюк шахс - давлат арбоби, адиб машойихнинг туғилган йили, вафот етган санаси қайд этилади.

Ҳозирги кунда саналар оддий ва бевосита сон билан кўрсатилади. Мисол учун, Алишер Навоий 1441 йилда туғилган, Намангандаги Мулла Қирғиз мадрасаси ҳижрий 1330 (милодий 1912) йилда қурилган деймиз. Шарқда ҳижрий саналарни белгилашнинг абжад ҳисобига асосланган бошқа нафис усули ҳам қўлланилган.

Абжад ҳисобининг моҳияти шундан иборатки, ҳар бир ҳарф муайян бир рақамни, яъни алиф - бирни, бе - иккини, жим – учни, дол - тўртни ифода этади. Қуйида араб алифбосидаги 28 та ҳарфнинг ҳар бири ифодалаган 1 дан 1000 гача бўлган сон қийматларини ўсиш тартибида келтирилган:

ط	ح	ز	و	ه	د	ج	ب	ا
9	8	7	6	5	4	3	2	1
ص	ف	ع	ث	ن	م	ل	ك	ي
90	80	70	60	50	40	30	20	10

غ	ظ	ض	ذ	خ	س	ت	ش	ر	ق
1000	900	800	700	600	500	400	300	200	100

Бу ерда харфлар тартиби алифбодадан фаркли, қадимий **финикия** алифбоси тартибида келтирилган. Харфларнинг **абжад** ҳисобидаги сон қийматларини эса тутиш енгил бўлиши учун қуйидаги 8 та сунъий сўзга бириктирилади: абжад, ҳавваз, ҳуттий, каламан, саъуфас, қарашат, саххаз, заззоғ.

كَلَمَنْ	حُطِي	هَوَزْ	أَبْجَدَ
ضَطَّعْ	تَخَذْ	قَرَشَتْ	تَعَفَّصْ

Абжад туркумига кирувчи юқоридаги атамалар ҳеч қандай маънони билдирмайди. Унда бирдан минггача бўлган рақамлар муайян тартибда, бирдан ўнгача – бирлик туркумида, ўндан юзгача ўнлик системасида, юздан минггача юзлик санок системасида берилган. Бу сўзларнинг биринчиси **абжад** сўзи бўлганлиги учун бу ҳисоб **абжад ҳисоби** деб юритилади.

Абжад ҳисоби тарих санъатида ўз ўрнини топган бўлиб, бирор тарихий воқеа ёки шахс билан боғлиқ йилга мослаб шундай жумла тузиладики, ундаги харфларнинг сон қийматлари қўшиб чиқилса, кўзда тутилган ҳижрий йил ҳисоби ҳосил бўлади.

Бундан кўринадики абжад ҳисоби бўйича тузилган жумлада баён қилинаётган воқеа билан унинг тарихи мазмунан боғлиқ бўлиб, жумла бир вақтнинг ўзида ҳам воқеа ҳақида, ҳам воқеа содир бўлган тарих ҳақида сўзлайди.

Масалан, шоир қуйидаги тўртликда бир сўзга ўқувчи диққатини қаратиб, унинг таърих моддасига

Сару саркадаи арбоби сухан,

Аз ғамободи жаҳон хуррам рафт.

Гуфт таърихи вафоташ озод,

“Мирзо Бедил аз олам рафт”

сўз мулки арбобларининг саркардаси бу жаҳон ғамхонасидан шод кетди. унинг вафоти таъриhini озод رفت
مرزا بيدل از عالم сўзини абжад ҳисобидаги қийматини кўшиб
чиқилса 1153 ҳижрий йил чиқади “Мирзо Бедил оламдан кетди”
деб таъкидлади

Атоуллоҳ маҳмуд ҳусайни Алишер Навоий ниҳоятда
муҳташам қилиб қурдирган мадрасанинг 1486 йилнинг 9-
июлида бўлиб ўтган очилиш маросимини шундай таърих
қилади

Чун мадраса сохт мир бо илму адаб

Фармуд маро ифодаи аҳли талаб

Чун дар шашуми моҳи ражаб кард ижлос

Тарих талаб аз “Шашуми моҳи ражаб”

Мир Алишер навоий илму адаб билан мадраса куриб, мени
унга мударрис қилиб тайинлади. Бу воқеа ражаб ойининг
олтинчисида бўлгани учун унинг тарихини ششوم ماه رجب
“шашўми моҳи ражаб” дан топ.

Дарҳақиқат – “шашўми моҳи ражаб”нинг тарих моддаси
ҳижрий 891-йил ражаб ойининг олтинчиси, мелодий 1486-йил
9-июл бўлади .

Қуйидаги тўртликда А. Навоийнинг астрабодга ҳоким этиб
юборилишининг санаси битилган:

Он мири олисайр-Алишер

К-ўрост камоли фазлу тадбир

Чун кард қабул боз аморат

Тарих шудаш: амороти Мир

Фазли тадбирда камол бўлмиш ул олийжаноб мир алишер яна амирликни қабул қилганда тарихи **امارت مير** “Аморати мир” бўлди.

Бу ерда “Аморати Мир” сўзининг абжад ҳисобидаги қиймати 892 бўлиб, бундан Алишер Навоий Астрободга 892 йилда амир қилиб юборилганликлари билинади. Аморати Мир сўзи ўзи бошқарувни ёки амирликни қабул қилиш деган маънони ҳам англатади.

Навоий ҳазратлари вафот этганда унинг шогирдларидан бири шундай марсия ёзганки, марсиянинг ҳар бир байтида биринчи мисра Навоий таваллудининг, иккинчи мисра эса вафотининг тарихидан иборат бўлган.

Тарих санъатининг XV асрда Хуросон ва Мовароуннаҳрда жуда ривож топганини кўрамиз. Маданий ҳаёт юксалишида Алишер Навоийнинг таъсири умуман юқори бўлганлиги билан изоҳланади. Хусусан, буюк шоир ва мутафаккир ҳаётдан кўз юмганда замондошлари Навоийга чексиз ҳурматини қайд қилувчи кўплаб тарих ёзишган, улардан бири ҳатто Навоий умрига мослаб 62 та тарих йиққан.

Ҳозирги кунда Наманган шаҳар “Мулла Қирғиз” ўрта махсус ислом билим юртида жойлашган Ҳазрати Мажзуб Намонгонийнинг гумбазли хонақоҳларининг таъмирлаб,

қурилиш тарихини Мулла Йўлдошхўжа Отахўжа ўғли Доғий қуйидагича шеърий мисрада ифода қилган:

Вар бижуй тарихи ин хонақоҳ,
Солий итмомаш биёб аз “Лой у-хишт”.

“Лой у-хишт” сўзини эски ёзувда ёзиб **لای خشت** буни абжад ҳисобидаги сон қийматини қўшиб чиқсак 1341-ҳижрий сана келиб чиқади.

Улуғ тожик шоири, Алишер Навоийнинг устози ва дўсти Абдурахмон Жомий вафот этган йилни кўрсатиш учун, замондошлари мана шундай мисра битганлар:

خراساندىن دود چىقدى

Бу жойда Жомий вафот этган йилни топиш учун жумланинг мазмунига кўра **خراسان** сўзидаги харфлар сон қийматлари йиғиндисидан **دود** сўзи билдирган сон қийматини чиқариб ташлаш керак, яъни $912 - 14 = 898$. Демак ҳижрий 898 йилда Абдурахмон Жомий вафот этган эканлар.

Худди шундай Дукчи Эшон кўзғолонининг қачон бўлганлигини кўрсатиш учун ўзбек шоири Убайдуллоҳ Завқий қуйидагича тарих битган эди:

**هر كشي سورسه نیشان بو شورایشی فرغانه دین
ذوقی ایتور جان چیقیب تاریخی دور اغوا ایشان**

Ишорага кўра **ایشان اغوا** иғво эшон сўзлари билдирган рақам 1370 дан **جان** сўзи билдирган 54 сон қийматини чиқариб ташлаш керак. Шунда Дукчи эшон кўзғолонининг бўлиб ўтган йили келиб чиқади: $1370 - 54 = 1316$

Эски ўзбек ёзувидан лотин, сўнгра кириллица асосидаги алифбога ўтилгач, тарих жанри ўз қимматини йўқотди.

Аммо баъзи эски ёзув анъаналарини яхши билган Собир Абдулла, Ҳабибий, Чархий каби ғазалнавис шоирлар ижодида бу ҳолни учратиш мумкин.

Араб алфавитига кирмаган ўзбек тилидагина бўлган, **пе, чим, же, гоф** ҳарфлари улар қайси ҳарф базасида шаклланган бўлсалар ўша ҳарфлар англатган сонларни ифодалайди.

Абжад математик ҳисоблашларда ишлатилмайди. Юқорида кўрганимиздек жамиятда содир бўлган уруш, исён, кўзғолонлар бўлиб ўтган саналарни, тарихда бўлиб ўтган воқеа-ҳодисалар йилини кўрсатиш, бирор кишининг туғилган ёки вафот этган йилларини билдириш, бирор бинонинг қурилган йилини кўрсатиш учун абжад ҳисобидан фойдаланилган. Ўтмишда ҳатто баъзан ўқимишли кишилар ўз фарзандларига шундай номларни ҳам танлаганларки, бу номдаги ҳарфлар йиғиндиси ўша фарзанди туғилган кунини англатган.

1-Машқ: ўз исмингизни ёзинг ва уни абжад ҳисобидаги сон қийматини нечага тенглигини аниқланг.

2-машқ Ўзингиз бирор йилни яширган сўз ёки сўзлар бирикмасини тузинг.

3-машқ: Қуйидаги сўзларнинг **абжад** ҳисобидаги сон қийматини аниқланг:

ماہ پیکر سروکل کل سیاہ جوانمرد شاعر خوش زبان

Ҳижрий қамарий тақвим ойлари

Ҳижрий қамарий йил 12 ойдан иборат. Тоқ ойлар 30, жуфт ойлар 29 кун деб қабул қилинган. Бу ойларнинг ёзилиши, тартиби, ўқилиши ва ўзбекча номланиши қуйида кўрсатилган:

Арабча ёзилиши:	Ўқилиши:	Ўзбекча номланиши:
1. محرم	Муҳаррам	Ашур ойи
2. صفر	Сафар	Сафар ойи
3. ربيع الاول	Робеъ ул-аввал	Мавлуд ойи
4. ربيع الثانى	Робеъ ус-соний	Мавлуд ойи
5. جمادى الاولى	Жумод ул-аввал	
	Жумод ул-авло	Мавлуд ойи
6. جمادى الاخرة	Жумод ус-соний	
	Жумод ул-охира	Мавлуд ойи
7. رجب	Ражаб	Ражаб ойи
8. شعبان	Шаъбон	Барот ойи
9. رمضان	Рамазон	Рўза ойи
10. شوال	Шаввол	Ҳайит ойи
11. ذوالقعدة	Зулқаъда	Ора ойи
12. ذوالحجة	Зулҳижжа	Қурбон ойи

Ҳижрий қамарий ойлар 29 ва 30 кундан иборат бўлганлиги учун ҳижрий янги йил ҳар йили олдингисидан 11 кун олдин келади, бинобарин ойлар турли йилларда турлича фаслларда келиши мумкин. Масалан Рамазон ойи 2011 йилда август ойига тўғри келган бўлса, яна 32 йилдан кейин худди ўша вақтга, яъни август ойига тўғри келади.

Вазифа: 1. Оилангиздагиларни қайси хижрий йилда

туғилганликларини ҳисобланг.

2. Ҳижрий қамарий ойларнинг номларини эски ёзувда

ёзиб чиқинг ва уни ёдланг.

Мучал ҳисоби

Мучал ҳисоби 12 йилни ўз ичига олувчи даврий йил ҳисобланиб, ундаги ҳар бир йил бирор хайвон номи билан аталади. Мучал ҳисоби жуда кўп юртларда бор. Қизиғи шуки бир биридан йироқ масофада яшайдиган халқлардаги мучал исмлари бир-бирига жуда яқин ва бирор халқда мучал ҳисоби балиқ йили бўлса бошқаларда ҳам ўша йил ўшандай ном билан аталади.

Мучал ўрта Осиё халқлари ўртасида ҳам жуда кенг тарқалган эди, хозер ҳам кекса отахон ва онахонларимиз ўз ёшларини мучал билан ҳисоблаб юрадилар. Биздаги мучал йиллари қуйидаги хайвонлар номлари билан аталади:

- | | | |
|-----|----------------|----------------|
| 1. | Сичқон | муш |
| 2. | Сигир | бақар |
| 3. | Йўлбарс | фаланг |
| 4. | Қуён | ҳаргўш |
| 5. | Балик | наханг |
| 6. | Илон | мор |
| 7. | От | асп |
| 8. | Қўй | гўсфанд |
| 9. | Маймун | ҳамдуна |
| 10. | Товуқ | мурғ |
| 11. | Ит | сак |

12. Тўнғиз хўк

Ўтмишда одамлар бола қайси мучал йилида туғилса, унинг феъл атвори ўша йил номини билдирувчи ҳайвон феъл атвориға ўхшаб кетади деб ишонганлар.


Айрим тарихий манбаларда мучал ҳисобининг келиб чиқиши тотемизмга, ҳайвонларга чўқинишга боғланади. Бошқа олимларнинг фикрига кўра бу ходиса астраномия тушунчаларига алоқадор. Ҳозирча бу фикрлардан қайси бири ҳақиқатга яқин эканлиги ҳал этилмаган муаммолардан ҳисобланади. Одатда мучал йили кўпгина мамлакатларда шу жумладан, Ўрта Осиё халқлари орасида 22 мартдан бошланади ва келгуси йилнинг 21 мартада тугайди.

Шу вақтга қадар мучал йили календаримизнинг қайси йилига тўғри келишини ҳисоблашга мўлжалланган кўпгина жадваллар ишлаб чиқилган. Ана шундай жадваллардан бирини куйида келтирамиз:

Кўй	Тғиз	куён	11	23	35	47	59	71	83	95	-
От	Ит	Йўлбарс	10	22	34	46	58	70	82	94	-
Илон	Товук	Сигир	09	21	33	45	57	69	81	93	-
Балиқ	Маймун	Сичқон	08	20	32	44	56	68	80	92	-

0,3,6,9,12,15,18,21,24,27,30	Маймун	Товук	Ит	Тўнғиз	Сичқон	Сигир	Йўлбарс	Қуён
1,4,7,10,13,16,19,22,25,28,31,34,37,40,43,46,49,52,55,58,61,64,67,70,73,76,79,82,85,88,91,94,97,100	Сичқон	Сигир	Йўлбарс	Қуён	Балиқ	Илон	Ит	Кўй
2,5,8,11,14,17,20,23,26,29,32,35,38,41,44,47,50,53,56,59,62,65,68,71,74,77,80,83,86,89,92,95,98,101	Балиқ	Илон	От	Кўй	Маймун	Товук	Ит	Тўнғиз
1-10 йил-лар	00	01	02	03	04	05	06	07
11-20 йил-лар	12	13	14	15	16	17	18	19
21-30 йил-лар	24	25	26	27	28	29	30	31
31-40 йил-лар	36	37	38	39	40	41	42	43
41-50 йил-лар	48	49	50	51	52	53	54	55
51-60 йил-лар	60	61	62	63	64	65	66	67
61-70 йил-лар	72	73	74	75	76	77	78	79
71-80 йил-лар	84	85	86	87	88	89	90	91
81-90 йил-лар	96	97	98	99	-	-	-	-

Харфларнинг махражлари



Имлоси (ёзилиши) умумий қоидага тушмайдиган сўзлар

Эски ёзувда кўпгина сўзлар борки, улар бизнинг тилимизга араб ва форс-тожик тилларидан кирган. Ўша сўзлар бизнинг тилимизда баъзан ёзилганидек, баъзан эса ўша тилларда қандай талаффуз қилинса, ўшандай талаффуз қилинади, яъни уларнинг талаффузи билан ёзилиши ўртасида маълум фарқлар мавжуд. Шулардан айримлари билан танишамиз:

1. Сўз охиридаги **ё** ҳарфи **и** эмас **о** деб ўқилади. масалан:

حتى عيسى موسى عيسى لیلی معنی یحیی اعلیٰ

Агар бундай сўзларга бирор қўшимча қўшилса, бу холда ўша қўшимча алоҳида ёзилиши керак, ёки сўз охиридаги ё | алиф билан алмаштирилиши лозим.

Масалан: موسا نى معنا گه موسى نى معنی گه

2. Айрим – холларда сўз охиридаги **ҳойи-ҳавваз** а товушини эмас и товушини ҳам англатади. Масалан:

که – ки ياکه – ёки بلکه – балки زیراکه – зероки

3. Айрим сўзлардаги унли товушларнинг ифодаланиши қоидага мос келмайди. яъни баъзи ҳарфлар ёзувда ифодаланса ҳам, оғзаки нутқда талаффуз қилинмайди. Масалан: сўзи араб ёзувида **вов** ҳарфи қўшиб ёзилади аммо ўқилмайди.

Худди шундай:

خواجه خواه خواهش خوارزم خواب استخوان

4. Муаннас (женский род)ни билдирувчи **а** қўшимчаси учун ҳар доим **ҳойи-ҳавваз** ёзилади. Масалан:

کریم – کریمه شاعر – شاعره مریه – مریه

Бу сўзларга қўшимчалар қўшилганда ўша қўшимчалар ажратиб ёзилади.

Айрим сўзлар таркибидаги унлиларнинг ифодаланиши:

Айрим сўзлар таркибидаги унлиларни ёзилиш ёки ёзилмаслигини аниқлаш учун шу сўзнинг ёзилиш шаклини ёдда сақлаш лозим. Форма учун шартли равишда арабча “китоб” сўзининг асоси бўлган К,Т,Б ўзагини оламиз.Бу ҳарфларнинг ўрнида исталган ундош ҳарф келавериши мумкин.

Катб шаклидаги сўзлар

Бу формадаги сўзларда **а** товуши **забар** ҳаракати билан ифодаланади. Масалан:

Шайх - شيخ	Қасд – قصد	Бахт - بخت
Тахт - تخت	Дарс - درس	Шарқ- شرق
Ғарб – غرب	Қаср – قصر	Файз – فيض
Фазл - فضل	Фахр - فخر	Қалб - قلب

Кутб шаклидаги сўзлар

Бу формадаги сўзларда **у** товуши **печ** ҳаракати билан ифодаланади. Масалан:

Нутқ – نطق	Лутф – لطف	Урф – عرف
Қулф – قلف	Қутб – قطب	Нуқс - نقص

Катаб шаклидаги сўзлар

Бу формадаги сўзлар ҳар иккала **а** товуши забар ҳаракати орқали ифодаланади. Масалан:

Мадад – مدد	Нафас – نفس	Зарар - ضرر
Қафас – قفس	Қадар - قدر	Зафар – ظفر

Қамар – قمر Сафар – صفر Шараф - شرف

Катуб шаклидаги сўзлар

Бу формадаги сўзларда **а** товушини забар ҳаракати билан **у** товушини эса **вов** (و) ҳарфи орқали ифодаланади. Масалан:

Жасур – جسور Жануб – جنوب

Расул – رسول Қабул – قبول

Катбат ёки катба шаклидаги сўзлар

Бу формадаги сўзлар ҳар иккала **а** товушини забар ҳаракати орқали ифодаланади. Масалан:

Раҳбар – رهبر Равшан – روشن Жавҳар - جوهر

Равнақ – رونق Рағбат – رغبت Шабнам - شبّنام

Санжар – سنجر Раҳмат – رحمت Ҳазрат – حضرت

Зарба – ضربه Шарпа - شریه Шафқат - شفقت

Катиб ёки катиба шаклидаги сўзлар

Бу формадаги сўзларда биринчи **а** товушини забар ҳаракати, **и** товушини ё ҳарфи, охириги **а** товушини ҳойи хавваз ҳарфи ифодалайди. Масалан:

Нафис – نفیس Нафиса – نفیسه

Жамил – جمیل Жамила – جمیله

Фарид – فرید Фарида – فریده

Катабат шаклидаги сўзлар

Бу формадаги сўзларда ҳар уччала **а** товуши забар ҳаракати орқали ифодаланади: Масалан:

Ҳаракат – حرکت Баракат - برکت

Китбат шаклидаги сўзлар

Бу формадаги сўзларда **и зер** ҳаракати билан **а** товуши **забар** ҳаракати оркали ифодаланади: Масалан:

Рифъат – رفعت Ибрат – عبرت Неъмат – نعمت

Фитрат – فطرت Ҳикмат – حکمت Иллат – علت

Нисбат – نسبت Ҳижрат - هجرت

Кутбат шаклидаги сўзлар

Бу формадаги сўзларда у товуши **печ** ҳаракати билан **а** товуши **забар** ҳаракат оркали ифодаланади: Масалан:

Улфат – ألفت Қудрат – قدرت Фурқат – فرقت

Журъат – جرأت Суръат – سرعت Рухсат - رخصت

Шухрат – شهرت

Катобат шаклидаги сўзлар

Бу формадаги сўзларда биринчи ва учинчи бўғиндаги **а** товуши “забар” ҳаракати оркали, “о” товуши эса “алиф” ҳарфи билан ифодаланади: Масалан:

Фароғат – فراغت Садоқат – صداقت Малоҳат – ملاحه

Маломат – ملامت Башорат – بشارت Камомат – كمامت

Даросат – دراست Адолат – عدالت Ҳаловат - حلاوت

Назофат - نظافت

Катоба шаклидаги сўзлар

Бу формадаги сўзларда биринчи бўғиндаги **а** товуши **забар** ҳаракати орқали, **о** товуши **алиф** билан, охириги **а** товушини эса **ҳойи ҳавваз** ҳарфи орқали ифода этилади. Масалан:

Замона – زمانه Хароба – خرابه Камола – كماله
Жамоа - جماعه Ҳавола - حواله

Китобат шаклидаги сўзлар

Бу формадаги сўзларда **и** товуши “зер” ҳаракати билан, “о” товуши “алиф” ҳарфи билан, охириги **а** товуши **забар** ҳаракати орқали ифодаланади: Масалан:

Рисолат – رسالت Тиловат – تلاوت Иноят – عنایت
Тижорат – تجارت Қироат – قراءت Иморат – عمارت
Тиловат – تلاوت Зиёрат – زیارت Ибодат – عبادت
Инобат – عنابت

Мактаб шаклидаги сўзлар

Бу формадаги сўзларда ҳар иккала **а** товуши **забар** ҳаракати орқали ифодаланади: Масалан:

Мактаб - مكتب Маслак – مسلک Матлаб - مطلب
Мармар – مرمر Мансаб – منصب Мақсад - مقصد

Мактабат шаклидаги сўзлар

Бу формадаги сўзларда ҳар уччала **а** товуши **забар** ҳаракати орқали ифодаланади: Масалан:

Марҳамат - مرحمت Маслаҳат - مسلحت
Мамлакат - مملکت Машварат - مشورت

Котиб шаклидаги сўзлар

Бу формадаги сўзларда **о** товуши **алиф** ҳарфи билан, **и** товуши эса **зер** ҳаракати билан ифодаланади: Масалан:

Зобит – ضابط	Тоҳир – طاهر	Олим – عالم
Толиб – طالب	Шокир – شاکر	Ғофир – غافر
Одил – عادل	Оқил – عاقل	Зоҳид -

Мактуб ва мактуба шаклидаги сўзлар

Бу формадаги сўзларда **а** товуши **забар** ҳаракати орқали, **у** товуши **вов** ҳарфи орқали, сўз охиридаги **а** товуши **ҳойи ҳавваз** ҳарфи орқали ифода қилинади. Масалан:

Махбуб – محبوب	Махбуба – محبوبه
Мақсуд - مقصود	Мақсуда – مقصوده
Манзур – منظور	Манзура – منظوره
Маъмур – مأمور	Маъмура – مأموره

Тактиб шаклидаги сўзлар

Бу формадаги сўзларда **а** товуши **забар** билан, **и** товуши **ё** ҳарфи билан ифодаланади. Масалан:

Танқид – تنقيد	Ташриф – تشریف	Танқис - تنقيص
Тақдир - تقدير	Тадқиқ – تدقيق	Таклиф - تکليف

Мукааттиб шаклидаги сўзлар

Бу формадаги ҳамма унлилар ҳаракатлар орқали ифода этилади. Масалан:

Мубашшир – مبشر Муаллим – معلم Мусаввир – مصور
Мужаввид - مجود Мураббий – مربّي Муқаллид - مقلد
Мударрис – مدرّس Мунажжим - منجم

Муқаттаб шаклидаги сўзлар

Бу формадаги сўзларда ҳамма унлилар ҳаракатлар орқали ифода этилади. Масалан:

Муқаддас – مقدّس Муҳаббат – محبت Мусаллам – مسلم
Мунаввар – منور Музаффар – مظفر Мухаммад - محمد
Мураккаб - مركب Муваффақ – موفق Муқаддам – مقدم
Мушарраф - مشرف Мужассам - مجسم

Мукотабат шаклидаги сўзлар

Бу формадаги сўзлар ҳам қисқа унлилар ҳаракатлар билан ифодаланади, **о** эса **алиф** билан ёзилади. Масалан:

Муносабат – مناسبت Мурожаат – مراجعت Мухолафат – مخالفت

Мукотаба шаклидаги сўзлар

Бу формадаги сўзларда **у** товуши **печ** ҳаракати билан, **о** товуши **алиф** ҳарфи билан, охирги **а** товуши **ҳойи ҳавваз** ҳарфи билан ифодаланади. Масалан

Муболаға – مبالغه Мудофаа – مدافعه Муҳокама - محاکمه

Мунозара - مناظره Мусобақа – مسابقه

Китоб шаклидаги сўзлар

Бу формадаги сўзларда **и** товуши **зер** билан, **о** эса **алиф** ҳарфи билан ифодаланади. Масалан:

Китоб – كتاب	Хилоф – خلاف	Хитоб - خطاب
Фироқ – فراق	Висол – وصال	Мисол – مثال
Нифоқ – نفاق	Лико – لقاء	Шикор - شكار

Мукотиб шаклидаги сўзлар

Бу формадаги сўзларда **у** товуши **печ** билан, **о** товуши **алиф** билан, **и** эса **зер** билан ифода этилади. Масалан:

Муносиб – مناسب	Мусофир – مسافر	Мунофиқ – منافق
Мувофиқ – موافق	Мубошир - مباشر	Мухолиф - مخالف

Мукотаб ва мукотаба шаклидаги сўзлар

Бу формадаги сўзларда ҳам **у** товуши **печ** билан, **о** товуши **алиф** ҳарфи билан, **а** эса **забар** ҳаракати билан ифодаланади. Масалан:

Муборак – مبارك муҳофаза - محافظة мудофаа - مدافعه

Иктоб шаклидаги сўзлар

Бундай сўзларда **и** унлиси **алиф** билан, **о** унлиси ҳам **алиф** билан ифода этилади. Масалан:

Ихлос – اخلاص	Илҳом - الهام	Эълон - اعلان
Инсоф - انصاف	Инсон – انسان	Икром – اكرام
Иқбол - اقبال	Иснод - اسناد	

Муктиб шаклидаги сўзлар

Бу формадаги сўзлардаги **у** товуши **печ** билан, **и** товуши **зер** ҳаракати билан ифодаланади. Масалан:

Мудҳиш – مدهش Мужрим – مجرم Мухлис - مخلص

Мушфиқ – مشفق Мўмин - مؤمن

Муктаб шаклидаги сўзлар

Бу формадаги сўзларда ҳам у товуши **печ** билан **а** товуши **забар** билан ифодаланади. Масалан

Мулзам – ملزم Мужмал – مجمل Музтар – مضطر

Мусбат – مثبت Мухлат - محلت

Такатгуб шаклидаги сўзлар

Бу формадаги сўзлардаги биринчи ва иккинчи **а** товушлари **забар** билан, у унлиси **печ** билан ифодаланади.

Табассум – تبسم Такаллуф – تكلف Талаффуз - تلفظ

Такаллум – تكلم Табаррук – تبرك Тасаддуқ – تصدق

Мутакаттиб шаклидаги сўзлар

Бу формадаги сўзлардаги ҳамма унли товушлар ғарактлар ёрдами билан ифодаланади. Масалан:

Мутахассис – متخصص Мутакаббир - متكبر

Мутавалли – متولي Мутаассиф – متأسف

Такотуб шаклидаги сўзлар

Бу формадаги сўзларда **а** ва **у** унлисини **забар** ва **печ** ҳаракатлари билан, **о** унлисини эса **алиф** ифодалайди. Масалан:

Тафовут – تفاوت Тажовуз - تجاوز

Инкитоб шаклидаги сўзлар

Бу формадаги сўзларда биринчи **и** унлиси **алиф** билан, иккинчи “и” унлиси **зер** ҳаракати билан, **о** унлиси эса **алиф** билан ифодаланади. Масалан:

Инқилоб – انقلاب Интиқом – انتقام Инжисом - انجسام

Иктитоб шаклидаги сўзлар

Бу формадаги сўзларда биринчи **и** унлиси **алиф** билан, иккинчи **и** унлиси **зер** ҳаракати билан, **о** унлиси **алиф** ёрдамида ифодаланади. Масалан:

Эҳтимол – احتمال Интизор – انتظار Эътиқод – اعتقاد

Эҳтиром - احترام Эътироз - اعتراض Интизом - انتظام

Муктатиб ёки **Муктатаб** шаклидаги сўзлар

Бу формадаги сўзларда ҳамма унли товушлар ҳаракатлар ёрдамида ифодаланади. Масалан:

Муштарий – مشتری Мунтазир - منتظر

Муштарак – مشترك

Истиктоб (истектоб) шаклидаги сўзлар Бу формадаги сўзларда биринчи **и** унлиси **алиф** билан, иккинчи **и** ёки **е** унлиси **зер** ҳаракати билан, **о** унлиси **алиф** билан ифодаланади. Масалан:

Истиқбол – استقبال Истеҳком – استحکام

Истеъмол – استعمال

Мустақтиб ёки **мустактаб** шаклидаги сўзлар

Бу формадаги сўзларда унлиларнинг барчаси ҳаракатлар ёрдамида ифодаланади. Масалан:

Мустаҳкам – مستحکم

Хаттотлик санъати.

Маълумки араб ёзуви азалдан санъатнинг бир тури бўлиб келган. Чиройли ва тез ёзиш маҳоратини эгаллаш, ёзувни кичкина жойга сиғдириб ёзиш ва ҳар хил шаклда (қуш, гул ва бирорта ҳайвон шаклида) ёзиш учун кишилар жуда узоқ вақт меҳнат қилганлар ва охири катта санъаткор котиблар бўлиб етишганлар.

Бунда биз юқорида ўрганган ёзиш қоидаларидан четга чиқиш ҳоллари бўлган. Кейинчалик эса бундай четга чиқишлар қоидага айланиб **лигатуралар** деб атала бошланди. Чиройли ёзишга интилиш натижасида ҳарфларнинг махсус бириккан қуйидагича шакллари пайдо бўлди:

يٰۤاَيُّهَا الَّذِيْنَ اٰمَنُوْا لِمَ خٰلَجْتُمْ فِيْ فِئْتِكُمْ بِيْ بِي
يٰۤاَيُّهَا الَّذِيْنَ اٰمَنُوْا لِمَ خٰلَجْتُمْ فِيْ فِئْتِكُمْ بِي
يٰۤاَيُّهَا الَّذِيْنَ اٰمَنُوْا لِمَ خٰلَجْتُمْ فِيْ فِئْتِكُمْ بِي

Мисоллар: سماوات تخت □ ادر □ رام □ بخت يحيى □ زاد

تجريبه بخارا محبوب يخشى تجارت مجلس محبت يخشى بجا تخته

Хаттотлик санъатидан намуналар:




وكلنا لله

ابن محمد

Муҳаққак хати - бу хатнинг кўпроқ қисми текисдир, қолган бўлаклари юмалоқ шаклдадир. Шунинг учун бу хатнинг маъқалий ва кўфий хатларига ўхшашлиги бошқа хатларга нисбатан кўпроқдир. Шу сабабдан Ибн Муқла бу хатга муҳаққак деб ном берди. Бошқа турдаги хатлардан биринчи деб билди.

Кўфий хати




Девоний хати – Девонхона, дафтардор, котибларнинг бир турли шикаста хати бўлиб унда турли фармонлар ёзилади. Бу ёзув гажак қилиб ёзилгани учун ўқилиши анча мушкулдир.



Сулс хати - Бир нарсанинг учдан бир ҳиссаси ёки учинчи ҳиссаси демакдир. Сулс хати дейилишига сабаб шуки, бунда қаламнинг учинчи ҳиссаси ишлатилади ёки сулс хати таълимида қаламнинг учдан бир ҳиссаси кўпроқ ишга солинади. Ибн Баввоб биринчи бўлиб сулс хати ҳарфларининг шаклини нуқта ўлчовларига асослаган ва сулс хатини график асосларини ихтиро этган.

Сулс хати



Насх хати - Насх хати хаттотлар томонидан кенг қўлланилгани учун ҳам шундай ном олган. Насхнинг араб тилидаги маъноси ўчириш, бекор қилиш бўлиб, бу хат тури ижод қилиниши билан бошқа хат турлари мансوخ қилиниб, четга чиқарилди. Ушбу хат тури 10- асрда кенг тарқалган бўлиб унинг ўзига хос хусусиятларидан бири унда **ا** алиф, **د** дол, **ل** лом ҳарфларнинг **гажак** қилиб ёзилишдан холидир. Бу хатда тез ва равон ёзилади. Бу ёзув тури фақат қоғозгагина эмас, балки ёзув сифатига ва ёзилиш суръатига ҳам тўсқинлик туғдирувчи маъданлар, темир, жез ва ёғочга ҳам битишга имкон туғдиради. Насх ёзуви гўзал ва бежирим бўлгани учун ҳам

матбаачиликда адабиётларга асос қилиб олинган. Шунинг учун ҳам баъзида бу хат турини босма хат тури деб аташади. Аслида насх хатида ҳам кўплаб кўлэзма асарлар ёзиб қолдирилган. Аждодларимиз томонидан ижод этилган асарлар шу насх ва настаълик хатларида ёзиб қолдирилганлиги учун биз бу хат турларини тўлиқ ўрганамиз.

Таълик яъни осилиб турувчи, илинган ёзув услуби бўлиб, XIV асрда ижод этилган. Бу аслида риқоъ хатидан келиб чиққан хат тури сифатида кенг тарқалган.

Насх хати

قلم اولسون الى اول كاتب بد تحريرك
كه فساد رقى سورمى شور ايلر
كاه بر حرف سقو طيله قيلور نادى نار
كاه بر نقطه قصوريله كوزى كور ايلر

Тавқиъ хати – Бу хатнинг ярми текис, ярми юмалоқ чизикдан ташкил топган. Маъқалий ва кўфий хатларига ўхшашлиги бор.

Тавқиъ дейилишига сабаб шуки илгари қозилар қозихона хужжатларининг бошига ёзиладиган сўзларни шу хат билан ёзганлар. Қозилар ва Хоқимлар хужжатларни шу тавқиъ хати билан имзолардилар. Идора ва маҳкамаларда фармонларга, мактубларга, кўлэзмаларга тавқиъ услубида имзо қўйилган.

Риқоъ хати – харфлар бир-бирига қурама қилиб ёзиладиган ёзув туридир. Бу ёзув Туркияда, Усманийлар халифалиги даврида кенг истеъмолда бўлган. Риқоъ хати оддий мактубларни тез битишлик

учун кўлланилган. Шунинг учун ҳам бу хат тури ҳозир ги кунда араб мамлакатларида кўп ишлатилади.

Бу ёзув расмий ва шахсий ёзишмалар, хужжатларда фойдаланилган, кўплаб туркий асарлар битилган. Риқоъ “рукъа” сўзининг кўплиги бўлиб қоғоз, парча, мактублар демакдир. Таълиқ хати аслида риқоъ бўлган. Уни ҳар ким турли шаклларга айлантирган. Хожа Тожиддин Сулаймон ихтиро қилган таълиқ хати иншо ва мактубларга тегишли бўлиб, мунший (иншо ёзувчи)лар уни чўзиб ёзганлар.

عليكم بحسن الخط فانه من مفاخر الرزق

Таълиқ хати - бу хат аслида риқоъ бўлган. Уни ҳар ким турли шаклларга айлантириб, ундан бир равиш ихтиёр қилган. Хожа Тожиддин Сулаймон шу услубни ихтиро қилган кишилар жумласидандир.

Бу киши ихтиро қилган таълиқ хати риқоъ хатининг шохчасидир. Бу хат иншо ва мактубларга тегишли бўлиб, муншийлар (иншо ёзувчи)лар уни чўзиб ёзганлар.

Айрим олимлар таълиқ хатининг иштирокчисини Абул Олий номли шахс деб кўрсатганлар. Абул Олий ихтиро этган таълиқ хатининг график асослари кўфий хатидан келиб чиқиб, бу хат форсий матнларни ёзиш учун ихтиро қилинган.

Таълиқ хати

قالم حسن الخط فانه من مفاخر الرزق

Туғро – гулдор хат тури.



Хатларниг хар бири махсус ўринларда қўлланиб келинган юқорида айтгнимиздек кўфий – қасида ва шерлар ёзишда, райҳоний ва насх – қисса ва ҳабарларда, сулс – илмий асарлар ва хат йўл-йўриқларида, тавқиъ – буйрук ва фармонларда, риқоъ – мактубларда ишлатилган. Бу етти асосий услубнинг хар бири ингичка (хафий) ва йўғон (жалий) қаламларда ёзилиши натижасида яна ўн тўрт хил хат яратилган.

Настаълиқ хати “Насх” ва “таълиқ” хатларининг бирикувидан ташкил топган. Насх ва таълиқ услублари асосида

настаълиқ хатини Мир Али Табризий (Мир Али Ҳиравийнинг устозлари) ихтиро қилганлар, “Қиблатул - куттоб” (котиблар пешвоси) Султон Али Машҳадий (ваф 1520-йил) эса настаълиқ хати услубини юксак даражага кўтарган машхур хаттотлардан бўлган. Настаълиқ хати диёримизда кенг ёйилиб, унда кўпгина китоблар битилган.

Настаълиқ хати

قلم اولسون الى اول كاتب بد تحريرك
كهف اسود قسى سورمزمى شور ايلر
گاه بر حرف سقو طيله قيلور ناورى نار
گاه بر نقطه قصور يده كوزى كور ايلر

**Хат илмига Пайғамбаримиз Мухаммад соллаллоху
аълайҳи васалламнинг тавсиялари:**

بسم الله الرحمن الرحيم

قال النبي عليه الصلوة والسلام قيداوالعلم بالكتابة رواه ابو نعيم و الطبرانى

Хат илмига донолар ўгити:

من كتب بحسن الخط بسم الله الرحمن الرحيم دخل الجنة

❑ بغير حساب

❑ الخط نصف العلم

❑ العلم عز الدنيا و شرف الاخرة

❑ الخط عند الفقير مال وعند الغني جمال و عند الاكابر كمال

❑ شرف الانسان بالعلم والادب لا بالمال و النسب

❑ العلم صيد والكتابة قيد

❑ من حفظ فر و من كتب قر

❑ عليكم بحسن الخط فانه من مفاتيح الرزق ﴿﴾

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Исҳоқхон Тўра Иброт “Жомеъул - хутут” – 1330 ҳижрий.
2. Абдулла Аъзамов. “Абжад, тарих ва дисплей” мақола.
3. Р.Жуманиёзов. “Эски ўзбек ёзуви” – 1989 й Ўқитувчи
4. Абдуллоҳ Салоҳиддин, Раҳматуллоҳ Мирзақосим “Тажвид”
2006 й. Мовароуннаҳр
5. Абдулғофур Раззоқ Бухорий. “Хуснихат дурдоналари”
2008 й. Мовароуннаҳр
6. М.Қодиров, М.Ҳакимжонов. “Алифбо” 1992 й Ўқитувчи
7. Масъудали Ҳакимжон. “Хатти муъаллимий” 1991 й Меҳнат
8. О.Носиров, М.Юсупов, Х.Лутфиддинова “Эски ўзбек ёзувидан
методик тавсиялар” 1989 й. Наманган.
9. Мирқобил Хасанов. “Араб тили дарслиги” 2007 й. Нихол
10. Бахтиёр Иброҳимов, Исмоил Охунов, Музаффар Хўжаев. “Араб
тили” 2008 й. Тошкент Ислом Университети
11. Ҳабибулло Солиҳ. “Алифбо” Фан нашриёти Тошкент 1989
12. Виктор Драчук “Ёзувлар – ўтмиш сирлари шоҳиди” 1976 йил

МУНДАРИЖА

1. Сўз боши.....	
.....3	
2. Хатлар юксакликка етаклар.....	4
3. Эски ўзбек ёзувининг хусусиятлари.....	6
4. Ўзбек тилининг араб имлосидаги алифбо ҳарфлари.....	10
5. “Ре” ҳарфи.....	13
6. “Зе” ҳарфи.....	15
7. “Дол” ҳарфи.....	17
8. “Вов” ҳарфи.....	19
9. “Бе” ҳарфи.....	22
11. “Ё” ҳарфи.....	25
12. “Те” ҳарфи.....	28
13. “Нун” ҳарфи.....	30
14. Эски ўзбек ёзувида унлиларнинг ифодаланиши.....	37
15. Ҳаракатлар	39
16 “Қоф” ҳарфи.....	41
17. “Жим” ҳарфи.....	43
18. “Чим” ҳарфи.....	45
19. “Ғайн” ҳарфи.....	47
20. “Мим” ҳарфи.....	49
21. “Коф” ҳарфи.....	51
22. “Лом” ҳарфи.....	53
23. “Айн” ҳарфи.....	55
24. “Шин” ҳарфи.....	59
25. “Син” ҳарфи.....	61
26. “Фе” ҳарфи.....	63
27. “Хе”- ҳойи ҳуттий ҳарфи.....	65
28. “Ҳойи-ҳавваз” ҳарфи.....	67
29. “Се” ҳарфи.....	71
30. “Пе” ҳарфи.....	
.....73	
31. “Гоф” ҳарфи.....	75
32. “Хе” ҳарфи.....	77
33. “Сод”	
ҳарфи.....	80
34. “Зод” ҳарфи.....	82
35. “То” ҳарфи.....	84
36. “Зо” ҳарфи.....	86

37. “Зол” ҳарфи.....	88
38.“Же” ҳарфи.....	89
39. Араб имлосига хос хусусиятлар изоҳи	90
40. Арабча ҳарфларни шакллари ясалиши ва ёзилиши.....	90
41. “Ҳамза” белгиси	95
42. Араб изофаси	97
43. Шамсий ва қамарий ҳарфлар.....	99
44. Форс изофаси	
.....	101
45. Эски ёзувдаги рақамлар.....	103
46. Абжад ҳисоби	
.....	104
47. Ҳижрий ва милодий йилларни ҳисоблаш.....	107
48. Ҳижрий ва қамарий тақвим ойлари	108
49. Мучал ҳисоби	109
50. Имлоси (ёзилиши) умумий қоидага тушмайдиган сўзлар.	111
51. Айрим сўзлар таркибидаги унлиларнинг ифодаланиши.....	112
52. Хаттотлик санъати	120
53. Араб ёзувидаги хат турлари.....	122
54. Пайғамбаримиз Мухаммад с.а.внинг тавсиялари.....	127
55. Фойдаланилган адабиётлар.....	128